

481  
1970/6

# Ўзбек тили Ва адабиёти

## БУ СОНДА:

Керл Маркснинг буюк  
сафдоши  
Темурийлар даври Урта  
Осиё санъати  
Бадий қўлёзма ва хаттотлик  
санъати  
Алишер Навоий  
ва самарқандлик шоирлар  
Мирзо Абдулло Фаёзи  
Самарқанди  
«Ўтадгу билиг»  
ва «Олтин ёриқ»  
Мутриб девони  
Шавкат — шоир, хаттот,  
рассом  
Классик поэтикадан  
маълумотлар  
Ибрат — ўзбек тилшунос  
олими  
Абдураззоқ  
Самарқандийнинг бир асари



1970




ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

# ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

Ўн учинчи йил чиқиши  
НОЯБРЬ—ДЕКАБРЬ

6  
1970



ЎЗБЕКИСТОН ССР „ФАН“ НАШРИЁТИ



Бош муҳаррир —  
ЎзССР ФА академиги К. Н. ЯШИН

Таҳрир хайъати: ЎзССР ФА академиклари: В. А. АБДУЛЛАЕВ, В. И. ЗОҲИДОВ, ЎзССР ФА мухбир аъзолари: И. О. СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ю. С. СУЛТОНОВ, Ш. Ш. ШОАБДУРАҲМОҶОНОВ, фалсафа фанлари доктори Қ. Х. ХОНАЗАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари). Филология фанлари докторлари: Ф. А. АБДУЛЛАЕВ, Х. И. ЕҚУБОВ, Х. Т. ЗАРИФОВ, С. И. ИБРОҲИМОВ, Х. С. СУЛАЙМОНОВ, А. Ҳ. ҲАНИТМЕТОВ, А. Ҳ. ҲОЖИЕВ, филология фанлари кандидати Н. Ф. КАРИМОВ (масъул секретарь).

КУЧҚОР ХОНАЗАРОВ

**КАРЛ МАРКСНИНГ БУЮК САФДОШИ**  
(Ф. Энгельс туғилган куннинг 150 йиллиги  
муносабати билан)

Бу йил бутун прогрессив инсоният Карл Маркснинг буюк дўсти ва сафдоши, илмий коммунизмнинг асосчиларидан бири Фридрих Энгельс туғилган куннинг 150 йиллигини нишонламоқда. Ф. Энгельс К. Маркс билан биргаликда, В. И. Лениннинг таъбирга кўра, бутун маданий дунёдаги энг ажойиб олимлардан ва ҳозирги пролетариатнинг доҳийларидан эди. Шунинг учун ҳам Маркс ва Энгельснинг инсоният олдидаги хизматлари бебаҳодир.

Маркс ва Энгельс эзилган, хўрланган синфларга ижтимоий озодликка чиқиш йўлларини илмий асосда кўрсатиб бердилар. Улар мазлум синфларнинг ижтимоий озодликка эришиш ва коммунизм тантанаси учун курашнинг қудратли қуроли пролетариатнинг революцион илмий назариясини юзага келтирдилар. Маркс ва Энгельс ярим аср мобайнида бу революцион назарияни тинмай ривожлантирдилар.

Бу назарияни яратишда Энгельс ўзининг иккиламчи роль ўйнагани айтилади. Аммо марксча назариянинг тараққиётида Энгельснинг ўрни ва аҳамияти бениҳоя буюкдир. У марксча фалсафа ва назарий табиётшунослик, сиёсий иқтисод ва пролетар партияси тактикасининг қатор муҳим масалаларини мустақил равишда ҳал этиб берди. Шунинг учун ҳам В. И. Ленин Энгельснинг асарларини билмай, ўқимай, ва уқимай туриб, марксизмни билиш ва тушуниш мумкин эмас, дейди.

Фридрих Энгельснинг айниқса жамиятшунослик ва гуманитар фанлар соҳасидаги хизматлари беқиёсдир. У диалектик материализмни жамият воқеа ва ҳодисаларига қандай тадқиқ қилишнинг ажойиб намуналарини берди, Маркс билан бир қаторда тарихий материализм фанини юзага келтирди.

Биз, филологлар учун Ф. Энгельснинг тилшунослик ва адабиётшунослик соҳасидаги фикрлари катта аҳамиятга эга. У кўзга кўринган полиглот бўлиб, ҳозирги замон ҳинд-европа тилларининг кўпчилигини жуда яхши билар эди, бу тиллардаги адабиётни эркин ўқир, улардан ўз асарларида фойдаланар эди. Энгельснинг ҳар бир асари кўп тилларда ёзилган ўнлаб ва юзлаб тадқиқотларни синчиклаб ўрганиш ва диалектик метод асосида қайта ишлаш ва умумлаштиришнинг самарасидир. Энгельс сиймосида марксча диалектик методнинг ана шундай илмий синчковлик асосида практика билан чамбарчас боғланиши натижасида марксизмнинг илк пойдеворига Энгельс назарий жиҳатдан бениҳоя чуқур ва амалий жиҳатдан бебаҳо асарлар қўя олдики, улар марксизмнинг олтин фондини ташкил қилади.

Табиат, жамият ва тафаккур қонунларини шундай диққат билан ўрганган Ф. Энгельс тил ва тилшунослик масалалари бўйича ҳам катта назарий мерос қолдирди. Ф. Энгельснинг тилшунослик соҳасидаги фаолияти биринчи навбатда унинг «Франк диалекти» деган аса-

рида ўз ифодасини топди. Бу асар XIX асрнинг 80-йилларида Ф. Энгельснинг «Қадимий германлар тарихига доир» деган асарига илова сифатида ёзилган эди. Афсуски, бу асар тамомланмаган. Шунга қарамадан, бу асар катта назарий ва методологик аҳамиятга эга.

Энгельснинг «Франк диалекти» асарининг айниқса методологик аҳамияти каттадир. Бу асарни ёзар экан, Энгельс ўзигача бўлган ва ўз замонида яшаб турган ва франк диалекти масаласида нотўғри, гайри-илмий ориентацияга эга бўлган олимларни улоқтириб ташламади, уларга нигилистик муносабатда бўлмади, балки уларнинг асарларини синчиклаб ўрганди ва рационал томонларини тўла ҳисобга олди. Бу.— тил масалаларини ишлашда янгича, марксча методологияни қўллашнинг конкрет намунаси эди. Иккинчидан, бу асарда Энгельс тилнинг асрлар давомидаги тарихида «революцион портлашлар» излагани йўқ, унинг аста-секин ўзгариб, такомиллашиб боришини кўзда тутди. Бу эса тил воқеаларини ўрганишга қандай ёндошиш кераклигини кўрсатиб берувчи яна бир муҳим методологик йўлланма эди. Ҳақиқатан ҳам, тил, Маркс ва Энгельс таърифича, «амалий, ... ҳақиқий онг» ва «онг қанчалик қадимий бўлса, тил ҳам шундай қадимий»<sup>1</sup> экан, тил ҳам, онг сингари аста-секин асрдан асрга ўзгариб, бойиб, мукамаллашиб бориши аёндыр. Афсуски, совет тилшунослигига марксизмни «сингдирмоқчи» бўлган тилшунос олимлар ва, биринчи навбатда, Н. Я. Марр Ф. Энгельс асаридаги ана шундай қимматли методологик хулосаларни кўра олмадилар ва тилшунослик фанимизни узоқ вақт вольгар социология йўлига судрашга ҳаракат қилдилар.

Ф. Энгельснинг адабиёт ва адабиётшунослик фани учун қилган хизмати бениҳоя каттадир. Маркс ва Энгельс адабиёт асарларига бепарқ ёндошмас эдилар, улар ҳар бир адабий асарни синфий кураш ва ижтимоий прогресс нуқтаи назаридан баҳолаш эдилар. Адабий асар авторнинг субъектив кечинмаларини ёритиш воситаси эмас, у ижтимоий ҳаётнинг айрим, жузъий томонларининг акс эттириши билан чекланиши керак эмас. Ана шу муносабат билан Ф. Энгельс ўз асарларида типиклик масаласига тегишли ниҳоятда қимматли фикрлар айтиб ўтди.

Адабиёт жамият ихтиёридаги қурол ва восита бўлиб, у ижтимоий прогрессга хизмат қилиши лозим. Ана шу қондани изчиллик билан адабиёт асарларини таҳлил қилишга тадбиқ этиб, Ф. Энгельс К. Маркс билан бир қаторда катта ишни амалга оширди. У танқидий реализмга юксак баҳо берди, бу оқимнинг прогрессив аҳамиятини таъкидлаб ўтди. Ф. Энгельс айниқса Бальзак асарларини юксак баҳолади, бу асарлардан илк капитал жамғариш процессини ўрганиш ва тушуниш учун манбаъ сифатида фойдаланди; Бальзак асарлари бу жиҳатдан ўнлаб буржуа иқтисодчиларининг асарларига нисбатан кўпроқ фойда берганини таъкидлаб ўтди.

Ф. Энгельс К. Маркс билан биргаликда ёш революцион адабиёт намояндларини қўллаб-қувватлади, уларни адабиётнинг ижтимоий вазифасини тўла тушунишга ундади, уларни ўсиб бораётган буюк ишчилар синфини реалистик бўёқлар билан кўрсатишга чақирди. Немис шоири Карл Бекнинг шеърларини ва М. Гаркнесснинг «Шаҳар қизи» асарини танқид қилиб, Энгельс бу кишилар ўз асарларида камбағал ва қашшоқларни ўзини ҳимоя қилолмайдиган бечора кишилар сифатида тасвир этади, ўз кучига ишонган, душманларни талвасага соладиган ниқлобчи пролетарийни кўрсатмайди, дейди<sup>2</sup>. Ҳолбуки, ёзувчининг асосий вазифаси ишчилар синфининг буюк тарихий миссиясини кўрса-

<sup>1</sup> К. Маркс, Ф. Энгельс, Соч., 2 изд., т. 3, стр. 29.

<sup>2</sup> К. Маркс, Ф. Энгельс, Соч., том 4, стр. 208.

тишдир, деди у. Ф. Энгельс К. Маркс билан бирга ўз бадий асарларида мураккаб ижтимоий тараққиётни сохталаштирувчиларга, асосий қаҳрамонни халққа, меҳнаткаш оммага қарши қўювчиларга қарши чиқди. Шу муносабат билан Маркс ва Энгельснинг майда буржуазия революционерлари Ф. Лассални ва ёзувчи Виктор Гюгоннинг Наполеон III ҳақидаги асарларини танқид қилиб айтган сўзлари катта назарий ва методологик аҳамиятга эгадир<sup>3</sup>. Ёзувчи тарихий воқеликни ҳаракатда ўрганиши ва ифодалашни керак, дейди Ф. Энгельс. Ҳақиқий бадий асар ана шу воқеликни реалистик равишда юксак бадий маҳорат асосида умумлаштиригандагина юзага келади, дейди у.

Баъзи ёзувчиларнинг реализм принципларидан чекиниш ҳодисаларини танқид қилиб, Ф. Энгельс ҳаётий манбалардан узилиб қолган, хаёлий ва схематик қаҳрамонлар яратилишига қарши чиқди. Ҳақиқий реализм ҳаётнинг, кишилар, уларнинг фаолиятининг энг характерли томонларини типик вазиятда кўрсатишдан иборат эканлигини ва шундагина бадий адабиёт воқеликнинг асос моҳиятини ақс эттирибгина қолмай, балки унинг тараққиёт тенденцияларини ҳам белгилаб беришини ва ижтимоий прогресс ҳамда келажакка хизмат қилишини уқдирди.

Фридрих Энгельснинг тил ва адабиётга оид фикрлари ниҳоятда бой ва сермазмун бўлиб, филолог олимлар учун қимматли назарий тадқиқот ва илҳом манбаидир. Ф. Энгельс К. Маркс билан биргаликда янги адабиёт ва янги, социалистик реализмнинг ижтимоий вазифаси, тараққиёт йўллари ва асосий хусусиятларини белгилаб бердилар. Ана шу улкан назарий меросни кунт билан ўрганиш ва амалий тадқиқий ишга тадбиқ этиш ҳар бир совет тилшуноси ва адабиётшуносининг муқаддас бурчидир.

Улуғ мутафаккир ва буюк революционер, илмий коммунизмнинг асосчиларидан бири, К. Маркснинг ажралмас дўсти ва сафдоши Ф. Энгельс ўз ҳаётини бағишлаган улуғ ғоялар совет воқелигида, социалистик мамлакатларнинг бирлигида, жаҳондаги революцион ҳаракатнинг узлуксиз ўсиб ва кучланиб боришида амалга ошмоқда ва ўзининг ҳаётийлигини исботламоқда.

<sup>3</sup> К. Маркс, Ф. Энгельс, Соч., том 16, стр. 373.

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

### САМАРҚАНДНИНГ 2500 ЙИЛЛИГИ

ИБРОҲИМ МҶМИНОВ

#### ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ УРТА ОСИЁ САНЪАТИНИНГ ПАЙДО БУЛИШ ВА ТАРАҚҚИЙ ЭТИШ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ ҲАҚИДА

В. И. Ленин санъатни севиш ва қадрлаш билан бирга, унинг дунёни билишдаги ва тарбиявий аҳамиятини ҳам ҳар тарафлама кўрсатиб берди. В. И. Лениннинг «Санъат — халқники. Санъат кенг меҳнаткашлар оммаси ичида чуқур илдиз отиши керак. Санъат шу оммага тушунарли бўлиши ва шу омма томонидан севилиши лозим. У шу омманинг туйғусини, фикрини ва иродасини бирлаштириши, оммани кўтариши керак. Санъат омма орасида санъаткорлар етиштириб чиқариши ва уларни ўстириши керак»<sup>1</sup>, — деган сўзлари барча учун тушунарли бўлиб қолди.

В. И. Лениннинг бу гапларига ҳамоҳанг равишда М. Горький бундай деган эди: «Халқ барча моддий бойликларни яратувчи кучгина эмас, у маънавий бойликларнинг ягона ва битмас-туганмас манбандир. У ер юзидаги ҳамма буюк поэмалар, трагедияларни, улар ичида энг улуғи — жаҳон маданияти тарихини яратган, доноликда, гениалликда биринчи ижодкор расом ва шоирдир»<sup>2</sup>.

В. И. Ленин ва М. Горький фикрларининг ҳаққонийлигини Урта Осий халқлари санъатининг, шунингдек, XIV—XV асрлардаги Самарқанд санъатининг ташкил топиш ва тараққий этиш тарихини кузатиш орқали ҳам яққол кўриш мумкин. Масалан, ўша даврларда Самарқандда Бибиҳоним ва Кўксарой масжиди, Шоҳизинда мақбараси, Самарқанд атрофида Боғи Чинор, Боғи Шамол, Боғи Дилкушо, Боғи Беҳишт, Боғи Нав каби боғ ва саройлар қурилди. Қурилиш ишлари бошқа районларда ҳам авж олди. Шаҳар типигаги Оҳангарон қишлоғи барпо этилди. Қарвон йўллари қурилди. Кўҳак — Зарафшон дарёсига, Амударё ва Сирдарёга кўприклар солинди. Тошкент атрофида, Бухоро, Шаҳрисабз, Фарғона, Туркистонда ирригация иншоотлари вужудга келди. Қурилиш ишларига маҳаллий архитектор — усталар — соҳиби ҳунарлардан ташқари, Темур забт этган ўзга мамлакатларнинг кўплаб қурувчилари, меъморлари жалб этилди.

XIV—XV асрларда Амир Темур ва унинг авлодларининг феодал давлатида сиёсий марказлашишнинг вужудга келиши Урта Осий халқлари санъати тараққиёти учун тарихий замин бўлди.

XIV асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннаҳрдаги феодал тарқоқлиги барҳам топди. Маълумки, илгарилари Бухоро, Термиз, Бадахшон, Хўжанд, Шош (Тошкент) ва бошқа жойларнинг феодал ҳукмдорлари

<sup>1</sup> В. И. Ленин, Маданият ва санъат гўғрисида Тошкент, Ўздавиашр, 1962, 577-бет.

<sup>2</sup> М. Горький, О литературе, М., 1931, стр. 20.



хар доим бир-бири билан урушар, низо-адоватда бўлишар, бу эса халқ бошига, мамлакатга кўпдан-кўп зарар, даҳшатли фалокат келтирар эди.

Чингизхон авлодларининг Ўрта Осиёда ўз ҳукмронлигини ўрнатиш учун олиб борган уринишларига зарба берган сарбадорлар ҳаракати XIV аср иккинчи ярмида Мовароуннаҳр халқлари моддий ва маънавий тараққиёти учун қудратли туртки бўлди.

XIV аср охири ва XV аср Ўрта Осиёда феодализмнинг юксак тараққиёт даври бўлди. Мамлакатни бошқариб турган катта ер эгалари — оқсуяк ва руҳонийлар, зодагон ва йирик савдогарлар меҳнаткашлар оммасини — бевосита моддий бойликлар ишлаб чиқарувчи деҳқон ва ҳунармандларни қаттиқ эксплуатация қилдилар. А. Ю. Якубовский тадқиқотларида кўрсатилишича, деҳқонлардан турли-туман солиқлар — хирож, мол, жон солиғи — жизя, фавқулодда солиқ — овариот олинар эди. Деҳқонлар, шунингдек, йирик ер эгалари хўжалигида текинга ишлар ҳамда уларга от-улов етказиб берар эдилар.

Ҳунармандларнинг асосий қисми расман озод ва уларнинг аҳволи Чингизхон авлодлари ҳукмронлиги давридагидан яхшиланган бўлсада, бироқ аввалгидек ҳукмрон синф вакилларининг шафқатсиз зулми остида яшар эди.

О. Д. Чеховичнинг «Бухарские документы XIV в.» («XIV аср Бухоро ҳужжатлари») номли асарида вақф билан алоқадор бўлган деҳқонларнинг социал-иқтисодий ҳаёт шароитини характерлаб берувчи жуда бой фактик материал келтирилган. Тўғри, бу асарда XIV асрнинг биринчи ярмидаги ҳужжатлар тўғрисида гапирилган, бироқ бу даврдаги феодал социал-иқтисодий муносабатлар XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV асрда ҳам давом этган дейиш мумкин. Вақф ҳужжатларидан бирида Бухоронинг жануби-шарқида жойлашган майда-майда ўнта қишлоқ ва битта йирик қишлоқ (қасаба) кўрсатиб ўтилган. Бу қишлоқлардаги экин экиладиган ерлар, боғлар, сугориш каналлари ва бошқа мулклар 1326—1334 йилларда Сайфиддин Бохарзий мақбараси ва хонақосининг вақфига айлантирилган. Сиюркүктенибек буйруғига асосан сотиб олган ва Хупия мадрасасининг вақфига айлантирилган ерлар ҳам шунга қараган бўлиши мумкин. Бу мадраса 1273—1276 йилларда Чингизхон авлодлари ўртасидаги ўзаро уруш вақтида вайрон бўлган<sup>3</sup>.

Кўрсатилган ҳужжат ва бошқа манбалар ўша даврдаги тарихий ҳақиқатни очиқ-ойдин кўрсатиб беради: бир томондан, ўз вақтида обод бўлган жойлар вайрон этилган, бузилган, иккинчи томондан, хўжалик секин-аста тиклана бошлаган. О. Д. Чеховичнинг таъкидлашича, Бухоронинг Қарши дарвозасидан жанубга қараб бутун бир район Сайфиддин Бохарзий вақфига қарар, унинг майдони 100 км<sup>2</sup> дан кам эмас эди. 1326—1333 йилларда Кўшки Осиё (Қасри Осиё) ва Қосари қишлоқларининг ерлари ҳам Сайфиддин Бохарзий вақфи ихтиёрига ўтди. Бу қишлоқлар Бухородан шимолда тахминан 100 км узоқликда, Вобкент дарёдан ўтказилган Кўши Акка канали бўйлаб жойлашган. 1326 йилда Бухоро атрофидаги кўплаб қасрлар, мачитлар, уй-жойлар бузилиб кетган, боғлар, токзорлар қаровсиз қолган.

Автор томонидан қишлоқ ҳақида келтирилган ҳужжатларнинг ҳаммасида қишлоқнинг ўртасида тепалик борлиги, у ерда эса бузилган бино, йирик иншоот (сарой) ва уй-жой (хонақо)нинг излари қолганлиги

<sup>3</sup> О. Д. Чехович, Бухарские документы XIV в., Ташкент, Изд-во «Фан» УзССР, 1965, стр. 10.

гапирилади. Буларнинг ҳаммаси Чингиз истилоси ва ўзаро урушларнинг оқибатидир.

Шу билан birlikда, ўша даврдаги тарихий ҳужжатлар илгари бузилган жойларнинг тиклана бошланганини ҳам кўрсатади. Бу жойларда янги боғ-роғлар барпо этилган, каналлар қазила бошлаган (масалан, Ушшиюн қишлоғи ерларини суғорадиган канал). Ҳужжатларда «яқиндагина қаровсиз ётган» ерлар ишлана бошлади деб таъкидланади. Вақфга қарамайдиган хусусий ерларда ҳам деҳқончилик йўла қўйила бошлаган.

Фарокан қишлоғидаги вақф эгасига қарашли боғлардан бири Муҳаммад Нахшаб деган кишига берилган. У бу ерга мевали дарахтлар, ток эккан. Янги боғ ва узумзорлар бошқа вақф эгалари мулкида ҳам пайдо бўла бошлаган. Масалан, вақф ерларида боғбон бўлган Аҳмад Ҳожи Бўрёбоф, Амир Дуладон мулкида боғбонлик қилган Ой Темурлар янги узумзорлар барпо этган. Ҳужжатларда яна бошқа «янгидан барпо этилган боғлар», «янгидан қазилган канал» ҳақида ҳам гапирилади. Манбаларда бошқа вақф муассасаларининг ҳам бўш ётган ерларни ўзлаштириши ҳақида маълумотлар бор. Масалан, Бухоро масжиди жомига қарашли вақфда Сайёд исмли бир киши янги боғ барпо этган<sup>4</sup>.

Кўрсатилган ҳужжатлар деҳқонлар, музорийлар ва кадоварлар ўртасидаги муносабатларни ҳам характерлаб беради. Уларда вақф эгалари томонидан сотиб олинган, кейин озод деб эълон қилиниб, деҳқон сифатида вақф ерларида ишлашга мажбур бўлган қулларнинг аҳволи ҳам баён этилган.

Р. Г. Мухоминованинг<sup>5</sup> йирик ер эгаларининг деҳқонларни эксплуатация қилиш формаларини ёритиб берувчи ва Мовароуннаҳрдаги (гарчи кейинги даврга оид бўлса-да) савдо — бозор муносабатларининг тараққиётини кўрсатувчи асари ҳам қимматли материал беради.

Мовароуннаҳрда ички бозорнинг ривож топиши билан бирга, Шарқ мамлакатлари (Ҳиндистон, Хитой, Эрон ва бошқалар), Фарб мамлакатлари (Византия, Франция, Англия) ва Шарқий Европа ўртасидаги савдо-сотик ҳам ўса борди. Дунёга донги кетган «ипак» йўли ҳам Ўрта Осиё ишлаб чиқариш кучларининг тараққиётида муҳим роль ўйнади.

Бу даврда Самарқанд Мовароуннаҳрнинг сиёсий, иқтисодий, маданий ва илмий маркази сифатида янада тараққий этди.

Нима сабабдан Самарқанд Темурийлар ҳокимиятининг пойтахти бўлиб қолди? Бировлар бунга сабаб қилиб Темурнинг биринчи бўлиб эгаллаган йирик шаҳри Самарқанд эканлигини кўрсатсалар, бошқа бировлар бунинг сабаби Самарқанд об-ҳавосининг яхшилигида, табиатининг гўзаллигида деб тушунтирадилар. Яна бировлар эса машҳур Афросиёб худди шу жойдан туриб Турон мамлакатини бошқарганлиги Темурни ушбу шаҳарни пойтахт қилиб танлашига сабаб бўлган бўлса керак, деб тахмин қиладилар.

Бу тахминларнинг ҳаммасида ҳам маълум даражада конкрет ҳақиқат мавжуддир. Лекин тугал, объектив ҳақиқат шундаки, Самарқанд қудай географик ҳолатга эга бўлиб, Мовароуннаҳрнинг ўртасида жойлашган. Бу жой серсув бўлиб, уни уч томондан тоғ ўраб олган: унда ҳавонинг уч оқими — тоғ, дарё ва кенг яйлов, дарахтзор водий, адир қўшилиб, ҳушманзарали, хуштабиатли, оромбахш иқлим барқарордир. Самарқанд атрофи жуда катта қурилиш материаллари ҳамда

<sup>4</sup> О. Д. Чехович, Уша асар, 14—15-бетлар.

<sup>5</sup> Р. Г. Мухоминова, Қ истории аграрных отношений в Узбекистане XVI в., по материалам «Вақф-наме», Ташкент, Изд-во «Фан» УзССР, 1966.

қимматбаҳо рангли ва нодир металл конларига эга бўлиб, ўша даврда ҳам улардан давлат ишида маълум даражада фойдаланиш мумкин эди. Ана шу факторлар Темурийларнинг Самарқандни ўз давлатининг пойтахти қилиб олишларига асос бўлган.

Академик В. В. Бартольднинг ҳаққоний равишда қайд этишича, Самарқанд, Темурийнинг фикрига кўра, дунёнинг энг донгдор шаҳри бўлиши керак эди. Самарқанд атрофида кўпгина қишлоқлар бунёд этилиб, мусулмон мамлакатлари бош шаҳарлари: Бағдод, Дамашқ, Миср (Қоҳира), Шероз ва Султония номлари берилганлиги юқоридаги фикрнинг ифодаси эди.

Тарихчилар, қадимги грек йилномачилари Самарқанд ҳақида кўп маълумот ёзиб қолдирганлар. Урта аср шоирлари бу шаҳарга бағишлаб ғазаллар ёзганлар, уни «Сайқали рўйи замин» — бутун ер юзининг сайқали, ҳусни деб таърифлаганлар. Шарқ ва Ғарбнинг кўпчилик мамлакатларидан келган сайёҳлар, олимлар Самарқандга маълиё бўлганлар. Бу ерда бадний, илмий фикрларнинг тантанаси, қудрати мужассамлашган, халқ яратган ажойиб дурдоналар ҳамиша навқирон: моҳир қурувчи — усталар, ҳунарманд, соҳибкорлар ўз халқининг ақлаковати, истеъдод-қобилиятини мангу ифодалаб қолдирган муҳташам бинолар, гўзал жазибали нақшлар ҳар бир томошабинни ўзига мафтун этади.

Албатта бунинг ҳам ўз мантиқи, диалектикаси бор. Масалан, мадраса, мақбара, мачит, хонақола, машҳур Улуғбек расадхонаси каби беқиёс нишоотлар айрим ҳукмдорлар — Темурийлар кўрсатмаси билан қурилган ва улар Темурийларнинг феодал ҳокимиятини мустаҳкамлаш ҳамда шуҳратини оширишга мўлжалланган. Шу билан бирга, бу бинолар юзлаб ва минглаб кишилар меҳнатининг меваси бўлиб, уларда халқ усталарининг ақл-идроки, халқ ичидан етишиб чиққан ажойиб наққошлар, илмий-техник фикр намоёндаларининг маҳорати, қурилиш соҳасидаги кўп асрли тажриба ўз ифодасини топган. Худди мана шу билан биз фахрланамиз. XIV—XV асрлар қурилиш санъатининг ажойиб дурдоналари ўзининг мукаммал, етук шакли, нафислиги, гўзал нақшлари билан бизни маълиё этади.

Уйғунлиги, ритми, композицияси, ранг-баранглиги, тантанали манзара кашф этирувчи воситалари билан ажралиб турувчи ушбу тарихий ва архитектура ёдгорликларининг ижодкорлари — ҳунарманд усталар, наққошлар гўзалликнинг объектив қонунларини чуқур билганлар, ўз ижодларида даврнинг ғояси ва руҳини бера олганлар. Уларнинг нақши ҳам, архитектура усули ҳам ўзига хос хислат, фазилатларга эгадир, беқиёсдир, оригиналдир. XV аср дурдоналари — архитектура ёдгорликларининг мангулиги боиси ҳам ана шундадир.

Фурсатдан фойдаланиб, 1970 йилда 2500 йиллиги нишонланадиган Самарқанд шаҳридаги энг яхши тарихий архитектура ёдгорликларининг сақланиши ва асралиши ҳақида ҳам гапириб ўтишни лозим топдик. Самарқанд ҳақида буюк Лениннинг ўзи шахсан ғамхўрлик қилган. В. И. Ленин дунё аҳамиятига молик бўлган Самарқанд архитектура ёдгорликларига етарли эътибор берилмаётганлигини биллиб, бу ишларни йўлга қўйиш учун маълум миқдорда маблағ ажратишни таклиф этган, РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг иш бошқарувчиси В. Д. Бонч-Бруевич ўз эсдаликларида: «Бу ўринда В. И. Лениннинг Самарқанддаги машҳур тарихий мачити — шарқ санъатининг ажойиб ютуғини ремонт қилиш зарурлигига алоҳида аҳамият берганлигини таъкидлаб ўтмасдан бўлмайди»<sup>6</sup>, — деб ёзади.

<sup>6</sup> «О Ленине». Воспоминания, рассказы, очерки, М., 1956, стр. 196—197

Совет давлатининг ёдгорликларга қилаётган ғамхўрлигини Самарқанддаги Улуғбек мадрасасининг шимоли-шарқий (1932) ва жануби-шарқий (1965) минораларини тиклаш иши яққол кўрсатиб тирибди. Бундай иш дунё реставрация тарихида биринчи марта амалга оширилди.

Шу даврда меъморчилик ва тасвирий санъатнинг равнақ топиши билан бирга клерикал, мистик адабиётга қарши кескин кураш олиб борган ўзбек дунёвий бадий адабиёти шакллана ҳамда ўса бошлайди, тожик адабиёти, шунингдек, Мовароуннаҳр халқлари музыка маданияти янада ривож топади.

XIV асрнинг иккинчи ярми — XV асрнинг биринчи ярмида Самарқанд, Ҳирот, Балхда яшаб, ўзбек ва форс-тожик тилларида ўлмас асарлар яратган Отойи, Саккокий, Лутфийлар ҳақида Алишер Навоий юксак ҳурмат, эҳтиром билан гапирди. Навоийнинг айтишича, туркий-эски ўзбек тилидаги бадий адабиёт худди ана шу вақтдан ривож топа бошлайди.

Ўша давр мактабларида болалар фақат теологияга эмас, балки хат-савод ўқишга ҳам ўргатилар эди, Самарқанд, Бухоро, Ғиждивон мадрасалари илоҳиётдан ташқари, дунёвий фанлар — грамматика, адабиёт, математика, астрономия, геометрия ва бошқа фанларни ўқиётган талабалар билан тўла эди. Шу муносабат билан Бухородаги Улуғбек мадрасасининг пештоқини безаб турган: «Билимга интилиш ҳар бир эркак-аёл мусулмоннинг бурчидир» деган доно сўзларни эслаб ўтмай бўлмайди.

XIV асрнинг 70-йилларидан бошлаб Мовароуннаҳрда халқ саҳна санъатининг ўсишига ҳамоҳанг равишда халқ музыкаси ҳам, классик музыка ҳам тез ривож топа бошлади.

Ҳар бир миллат ақл-заковати яратган маданий бойлик барча миллатларнинг маънавий бойишига, равнақ топишига ва улар маданиятининг яқинлашувига ёрдам беради.

Ўрта Осиё санъатининг кўзга кўринган тадқиқотчилари — санъатшунослик фанлари докторлари Г. А. Пугаченкова ва Л. И. Ремпель конкрет равишда ҳар томонлама олиб борган текширишлари натижасида XIV асрнинг охири ва XV асрнинг бошларида умуман Мовароуннаҳр, хусусан, Самарқандда янги мураккаб санъат узога келганлигини қайд этадилар. Бу санъат мамлакатнинг ўзига хос меъморчилиги, санъати хусусиятлари ҳамда Ўрта ва Яқин Шарқ бадий тафаккурини ўзида мужассамлаштирган эди.

Бу авторлар XIV аср охиридан бошлаб Мовароуннаҳр Яқин ва Ўрта Шарқ ижодий кучларининг бош марказига айланганини, санъатда янги йўналиш пайдо бўлганини айтадилар. Буни, ҳаттоки, Темур замондошлари ҳам тан олишган. Масалан, Ибн Арабшоҳ Темурнинг шаҳар ташқарисидаги саройлари ҳақида ҳикоя қилиб, улар «янги услубда»<sup>7</sup> қурилганлигини тўғридан-тўғри кўрсатади.

Архитектуранинг янги тасвирий воситаларини қидириш ўша даврда бутун Шарқда тенги бўлмаган ҳашамат, дабдабага эришган рангбаранг безакда қисман ўз аксини топган.

XIV—XV асрларда Ўрта Осиё рассомчилиги, наққошлиги соҳасида ўрта аср традицион адабий сюжети билан бирга замонавий тематикадан фойдаланиш, жанрлар, композиция хилма-хиллигига, рассомлик маҳоратини такомиллаштириш ва шу кабиларга интилиш тенденцияси кўзга ташланади.

<sup>7</sup> Г. А. Пугаченкова, Л. И. Ремпель, История искусства Узбекистана с древнейших времен до середины девятнадцатого века, М., Изд-во «Искусство», 1965, стр. 309.

XV асрда безакли — бадний буюмлар ҳунармандчилиги юқори даражага етди, у архитектура, рассомлик, наққошлик, амалий санъат билан боғлиқ равишда ривожланди. Бу нарса ёғоч ва тошга ўйиб нақш солишда ҳам, гилам тўқишда ҳам, қўлёзма китобларни безашда ҳам, металл ва сопол идишларнинг энг яхши намуналарида ҳам яққол намоён бўлди.

Ўрта Осиё халқлари музикасининг катта билимдони ва ҳомийси Абдурахмон Жомий машҳур мутафаккир Абу Наср Форобий ва Ҳусайннинг музыкага оид қарашларини ривожлантириб, мақомлар тўғрисида гапиради. Уларнинг ҳар бири ўз хусусияти — кишиларга ҳузур бахш этиши билан бирга, тингловчига қаттиқ таъсир қилишини алоҳида уқтириб ўтади. Чунончи, у ушшоқ, наво ва бузрук каби мақомлар киши қалбда тетиклик, куч ва довураклик уйғотишини; рост, ироқ — шодлик ва хушчақчақлик; бузрук, зарафганд рахави, зангула-лар — маъюслик ва фахр; хожаз ва ҳусайни — ғам ва маъюслик ара-лаш ҳайрат ва шодлик кўзгатишини уқтириб ўтган эди. Жомий ижро-чилар мақомларнинг ана шу хусусиятларини эътиборга олишлари ва-чларнинг ҳар қайсисига ўзига мос шеър танлашлари, шундай йўл би-лан куй ва шеърнинг тингловчига умумтаъсирини ошириш мумкин эканлигини ёзган. Бу ўринда Ўрта Осиё халқлари музика санъати қим-матбаҳо анъаналарининг муносиб издошлари — давримизнинг ажойиб мақомчилари — Мулла Тўйчи ҳофиз, халқ ҳофиси Домла Халил Ибодов, Абдулазиз Расулев, Леви, Шерозийни эсга олиш ўринлидир. Бу устоз санъаткорлар — Ҳалима Носирова, Ҳанифа Мавлонова, Шоҳ-назар Соҳибов, Юнус Ражабий, Бобоқул Файзуллаев, Аҳмад Бобоқу-лов, Гавриил Муллақандов, Ортиқхўжа Имомхўжаев, Маърифхўжа Баҳодиров, Карим Зокиров, Саттор Ярашев каби музика санъатимиз-нинг кўплаб арбобларини тарбиялаб етиштирдилар. Улар ҳозирги вақт-да миллион-миллион кишилар учун қувонч ва илҳом манбаи бўлиб хизмат этаётган классик ва халқ музикасининг энг яхши анъаналари-ни моҳирлик билан ижро этиб, борган сари такомиллаштирмоқдалар.

Янги жанрлар билан (опера, балет, симфония) бойиётган Совет Ўзбекистони музика санъати классик ва халқ музикасининг энг яхши традициялари, рус ҳамда жаҳон музика маданияти ютуқларидан ижо-дий фойдаланмоқда.

Халқ саҳна санъатининг бой традициялари ҳам бизнинг давримиз-да кенг ривожланмоқда. Ўрта Осиёда XIV—XV асрлардаёқ қўғирчоқ ўйини, қизикчи ва масхарабозлар, аскиячи, дорвоз ўйинлари, ёғоч ўйин, чинни ўйини, тоғора ўйини, муаллақчилар бўлиб, уларнинг бо-зор, кўча, майдонларда томоша кўрсатиши, санъатни оммалаштириши ажойиб традицияга айланган эди. Бу халқ ижрочиларининг бой ме-роси илмий муассасаларда диққат билан ўрганилмоқда. У замонавий театр, цирк ва бошқа томошахоналарнинг сифат жиҳатдан янги репер-туарини миллий традициялар билан бойитади, рус ва жаҳон классик санъати традициялари билан бирликда Ўрта Осиё халқлари санъатини янада ривожлантиришга ёрдам беради.

Шуни таъкидлаш лозимки, XIV—XV асрлардаги Ўрта Осиё санъ-ати ривожининг юқори даражаси халқимизнинг ўзига хос бадний ижо-диётини яққол гавдалантиради. Шунингдек, у қўшни мамлакатлар — Ҳиндистон, Афғонистон, Покистон, Эрон ва бошқа халқлар ма-данияти ўртасида ўзаро алоқа, таъсир бўлганлигини кўрсатади. Демак, XIV—XV аср Ўрта Осиё санъати жаҳон маданиятининг катта йўлида вужудга келди ва ривожланди. Ўрта Осиё халқлари умуминсоният ма-данияти ривожига ўзининг бебаҳо ҳиссасини қўшди.

Шу муносабат билан мен Шарқ Уйғоний даври, XV асрда Мова-роуннаҳрда экономика, маданият, фан ва санъат юқори даражада экан-

лиги ҳақида адабиётларда баён этилган фикрларга оид айрим мулоҳазаларни айтишни истардим. Кўпчилик авторлар Урта Осиё маданий ҳаётидаги бу даврни Ғарбий Европа мамлакатларидаги, биринчи гада, Италиядаги Уйғониш даври билан таққослайдилар. Бундай таққослаш маълум даражада тўғри, лекин Уйғониш даври Ғарбий Европа мамлакатларида XV асрнинг иккинчи ярмидан бошланганлигини назарда тутиш керак. Бу даврда қирол ҳокимияти кучаяди, буржуа муносабатлари туғила ва ривожлана бошлади ҳамда крепостник ўрта аср муносабатларига устма-уст зарба берган жуда катта деҳқон қўзғолонлари бўлиб ўтди. Шунингдек, ҳунармандчилик, савдо тараққий этди, босма станогни пайдо бўлди, буюк географик кашфиётлар рўй берди. Америка кашф этилди, Ҳиндистонга борадиган денгиз йўли очилди ва ҳоказо.

Ф. Энгельс ўзининг «Табиат диалектикаси» номли классик асарига Уйғониш даврига шундай характеристика беради: «Бу, инсоният шу вақтга қадар бошдан кечирган, яъни титанларга зарурият туғилган, фикр кучи, интилиш ва характери, кўп ёқлилиги ва билимдонлиги туфайли титанлар яратилгунгача бўлган даврдаги энг буюк прогрессив тўнтариш бўлди. Буржуазиянинг ҳозирги ҳукмронлигини асослаган кишилар етарли даражада эди, бироқ улар буржуача чегараланган кишилар эмасди. Аксинча, улар озми-кўпми ўша давр учун характерли бўлган саргузаштларни изловчи жасуруна руҳга эга эдилар. Уша вақтда узоқ саёҳатларда бўлмаган, тўрт ёки беш тилда гаплашмаган, ижоднинг турли соҳаларида ярақлаб кўринмаган бирорта йирик кишини топиш қийин эди. Леонардо да Винчи фақат буюк рассом бўлиб қолмасдан, буюк математик, механик ва инженер ҳам бўлган, у физиканинг турли соҳаларида муҳим кашфиётлар қилган. Альберт Дюрер рассом, гравер, ҳайкалтарош, архитектор бўлган, бундан ташқари у ўзида бирмунча ғояларни мужассамлаштирган фортификация системасини кашф этган. Бу ғоялар кейинча Монталамбер ва фортификация ҳақидаги энг янги немис таълимоти томонидан ўзлаштирилган. Маккиавелли давлат арбоби, тарихчи, шоир бўлиш билан бирга, янги замоннинг ҳарбий тарихчи ёзувчиси ҳам эди. Лютер фақат черковнинг «авгий отхонаси»ни тозалаб қолмасдан, немис тилини ҳам тозалади, замонавий немис прозасини яратди ва ғалабага ишонч туғдирувчи хорал текстини ва куйини яратди, бу эса XVI асрнинг «Марсельеза» сига айланди. Уша даврнинг қаҳрамонлари ҳам чегаралаб қўювчи, бир ёқламаликни келтириб чиқарувчи меҳнат тақсмотининг қулларига айланмаган эди, бундай хусусиятларни уларнинг издошларида тез-тез учратиб турамыз. Бироқ улар учун характерли нарса шуки, бу кишиларнинг деярли ҳаммаси ўз замонаси манфаатлари билан яшайдилар, амалий курашларда актив иштирок этадилар, у ёки бу партия томонида туриб баъзилари сўз ва қалам, баъзилари қилч, баъзилари эса ҳам қалам, ҳам қилч ёрдамида кураш олиб борадилар. Уларни тўла маънодаги кишиларга айлантирган характернинг тўлалиги ва кучи ҳам шундадир. Кабинетда ишловчи олимлар ўша даврда деярли бўлмасди. Улар иккинчи ёки учинчи ранг кишилар ёки ўз қўлини куйдириб қўйишдан қўрққан тадбирли филистерлар эди»<sup>8</sup>.

Уша даврда Урта Осиёда, Ғарбий Европадан фарқли ўлароқ, капитализм ҳали туғилмаган эди. Бу ерда маданият ва санъатнинг ўсиши тараққий этган феодализмнинг социал-иқтисодий ҳаёти заминидар рўй берди. Ана шундай шароитда илмий, бадий ва техникавий фикрларнинг гигант намояндалари: Муҳаммад Улуғбек, Али Қўшчи, Абду-

<sup>8</sup> Ф. Энгельс. Диалектика природы. М., Госполитиздат. 1969. стр. 7—8.

раҳмон Жомий, Алишер Навоий, Беҳзод, Султон Али, Бобир ва бошқалар пайдо бўлди.

Шу билан бирга, яна бир муҳим моментни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV асрда Мовароуннаҳр санъати ўлканинг бадият ва техника соҳасида эришган энг ажойиб ютуқларини ўзида мужассамлантирди. Бундай ютуқлар илдири эса узоқ ўтмишга бориб тақалади. Кулолчиликнинг ажойиб намуналаридан — 1969 йили Термиз яқинида ўтказилган қазिश пайтида топилган вазаларни эслатиб ўтишни лозим топамиз. Вазаларнинг баъзиси янги эрадан — милoddан олдинги учинчи минг йилликка, баъзилари эса биринчи минг йилликнинг ўрталарига (Афросиёбда) тааллуқлидир.

Вазалар шундай моҳирлик билан ишланганки, у бизга ўтмиш даврларнинг акс садосидек туюлади. Бу вазаларга ўзбек, тоjik, туркман, қозоқ, қирғиз ва қорақалпоқ халқлари аждоқларининг қанчадан-қанча меҳнати, уларнинг гўзаллик ҳақидаги фикр-ўйлари, ақл-идроки мевалари сингдирилган.

VI—VII асрларда деворга солинган бадий расмлар, уларда мамлакат одамлари, ҳайвонлари ва ўсимликлари расмларининг юксак санъат билан ишланиши кишини ҳайратга солади, завқлантиради. Бу расмлар Ўзбекистон ССР Фанлар академияси археологлари томонидан 1965 йилда Афросиёбдан топилган; ҳозир у Афросиёб экспедицияси фондида сақланмоқда.

X асрда Бухорода қурилган Исмоил Самоний мақбараси меъморчиликнинг ажойиб намунаси бўлиб келмоқда. Бухородаги XII асрга оид улугвор ва монументал Минораи Калон, Вобкент ва Жарқўрғондаги XII асрда қурилган миноралар илмий, бадий ва техникавий фикрларнинг юксак парвози ва халқ орасидан чиққан Устод Бақо каби машҳур усталар талантидан далолат бериб туради. Утмиш даврнинг бу муҳташам ёдгорликлари XIV аср охири ва XV асрда Ўрта Осиё халқлари санъати тараққиёти учун асос бўлиб хизмат этди.

Самарқанд расадхонаси — Ўрта Осиёда XV аср илмий-техник фикрларининг қаймоғи ва ўша давр меъморчилигининг ажойиб мўъжизасидир. Алишер Навоий ушбу расадхонани таърифлаб, Улуғбекнинг буюк жасоратини куйлади. Бобир ҳам ўз эсдаликларида Улуғбекнинг нафосат билан ишланган уч ошёнаи астрономик обсерваторияси ҳақида ҳаяжон билан гапирди.

Бу ёдгорликлар, турли шоҳ ва шаҳзодаларнинг бўронли ва нотинч даврларини, реакциян кучлар ҳокимлигини бошдан кечирди, прогрессив меъморчиликнинг намунаси, илмий-техник фикрларнинг меваси сифатида хизмат қилди ва хизмат қилмоқда.

Санъат реал борлиқни, ижтимоий муносабатни, замона руҳини, давр нафосатини бадий образларда акс эттиради. Масалан, XV асрнинг машҳур миниатюрасида он устида ўтирган феодал ва унинг олдида тиз чўкиб турган деҳқон тасвирланган. Бу, феодализм даври иқтисодий алоқаларининг ёрқин ифодаси эмасми? Унда оқсуякларнинг дабдабали ҳаёти билан меҳнаткашларнинг қашшоқ турмуши ўртасидаги қарама-қаршилик жуда аниқ, конкрет тасвирланган.

Шарқ Рафаэли ҳисобланмиш Беҳзод миниатюрасида қурилиш ишлари, ишлаб чиқариш процесси ва унинг иштирокчилари — меъмор, прораб, ишчилар тасвирланибгина қолмай, балки мажбурий меҳнат картинаси ҳам ҳаққоний ифодаланган. Чуқур таассурот қолдирувчи миниатюраларда давр ҳаёти ва турмушининг айрим томонлари тасвирланган — масалан, унда он устида туриб ёй отиш картинаси моҳирона чизилган. Буларнинг ҳаммасида Темур ва Темурийлар даврида феодал Мовароуннаҳрнинг ижтимоий-иқтисодий алоқалари ва турмуши тўғри, реал акс этирилган.

Шуни қайд қилиш керакки, ўша даврда Мовароуннаҳрнинг ўзига хос санъатига Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон, Арабистон ва бошқа мамлакат халқларининг бадий, техникавий, илмий фикрлари ютуқлари ўз таъсирини кўрсатган. Шунингдек, Ўрта Осиё халқларининг бадий, техник ва илмий фикрлари бу мамлакатлар халқлари санъатининг ривожланишига баракали таъсир кўрсатган.

XIV—XV асрлар Мовароуннаҳр санъатини ўрганиш катта тарихий аҳамиятга эга. Бу бизнинг давримиз учун ҳам хизмат қилади. Масалан, ажойиб замонавий иншоотлар — Алишер Навоий номидаги Академик Катта театри, Тошкент Темир-йўл вокзали ва бошқа қурилишлар халқ классик санъати анъаналари билан шу кундаги қурилиш санъатининг бир-бирига боғлиқ равишда олиб борилаётганидан далолат беради. Ҳозирги Ўзбекистон саноатининг тўқимачилик, шойи тўқиш, керамика ва бошқа тармоқларида худди шундай ҳодисаларни кузатиш мумкин. Шундай қилиб, узоқ ўтмишнинг санъати ва техникаси ҳозирги замон учун ҳам хизмат қилмоқда. Бу ерда Лениннинг гўзалликни асрамоқ керак, улардан намуна олмоқ лозим, гарчи у «эски» бўлса ҳам ундан андоза олмоқ керак, деган сўзлари беихтиёр эсга тушади.

Санъатдаги чин гўзаллик ҳеч қачон эскирмайди, янги шароитда у янгича оҳанг касб этади, кишилар ҳиссиёти ва онгида ижодий фикр уйғотади. Кишиларга эстетик завқ бағишлайди, уларни халқлар ўртасида ҳамкорлик, дўстлик ва тинчлик барқарорлиги учун унумли меҳнатга ундайди.



ҲАМИД СУЛАЙМОН

### ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ БАДИИЙ ҚҮЛЁЗМА ВА ХАТТОТЛИК САНЪАТИНИ ЎРГАНИШ МАСАЛАЛАРИ

XV асрдан бошлаб то XIX асргача Ўрта Осиё, Эрон, Афғонистон, Туркия ва Ҳиндистон олимлари томонидан хаттотлик, тасвирий санъат, бадий қўлёзма тарихи ва назарияси ҳақида кўплаб илмий асарлар ёзилган. Мир Али Табризий, Султон Али Машҳадий, Қози Аҳмад ибн Мир Мунший ал-Ҳусайн ва бошқа Шарқ муаллифларининг асарларида айрим хаттот ва рассомларнинг ҳаёти, ижоди ҳақида бой биография маълумотлар берилди. Уларда тасвирий санъат ёки қўлёзма намуналарига оид бирор асар махсус таҳлил қилинмаса ҳам санъат назариясига оид маълум фикрлар баён этилган.

Сўнгги эллик йил давомида мазкур мавзунини ўрганиш соҳасида Европа ва Шарқ олимлари томонидан катта ишлар қилинди. Аммо, афсуски, айрим олимлар тасвирий санъат, хаттотлик ёки бадий қўлёзмалар устида тадқиқот олиб борар эканлар, кўпинча, ўз мамлакатидан топиш мумкин бўлган ёки айрим фондлардангина олинган материаллар билан чегараланган. Аксар олимлар ўз тадқиқот доираларига фақат машҳур санъаткорларнинг асарларини жалб қилиб, давр стилининг тавсифида аҳамияти кам бўлмаган иккинчи даражали усталарнинг ишини четда қолдирар эдилар. Ниҳоят, шу вақтга қадар дунёдаги мавжуд давлат фондлари ва шахсий коллекцияларда сақланаётган Темурийлар даври санъати ёдгорликларини ўз ичига жамлаган альбом ва каталогларнинг йўқлиги Темурийлар даврининг бой санъати ва уни яратувчилари ҳақида тўла тасаввур ҳосил қилиш имкониятини бермайди. Бизгача етиб келган санъат обидаларининг жами билан танишмай, турли давр асарлари, жанрлар ва мактабларни қиёсий ўрганмай, Темурийлар санъатининг асл моҳияти, ўзига хос характери ва тараққиёт қонуниятларини аниқлаш қийин. ЮНЕСКОнинг ташаббуси билан дунё олимларининг иштироки, ҳамкорлигида Темурийлар санъатини ўрганиш масаласининг қўйилиши миннатдорчилик ва тақдирга лойиқдир. Чунки олимларнинг шундай халқаро ҳамкорлиги эффектив хулосаларга олиб келиши, Темурийлар санъати тарихига оид қатор масалаларни юқори илмий-назарий савияда ҳал қилиши ва тараққиёт йўлини объектив равишда ёритишга катта ёрдам бериши мумкин.

Маълумки, бадий қўлёзма хаттот, наққош, музаҳҳиб, рассом ва саҳҳоф каби қатор усталар ижодининг синтезидир.

Темурийлар даври бадий қўлёзма категориясига миниатюралар қўлёзмалардан ташқари кўпроқ фақат хаттот ва наққош томонидан безатилган қўлёзмалар киради. Бу даврдаги бадий қўлёзма, санъатнинг бошқа турлари сингари, ўтмиш санъаткорларнинг энг яхши традицияларини ижодий ўрганиш асосида тараққий этди. XIV—XV асрларда кўҳна Самарқанд, Ҳирот, Бухоро, Табриз ва Шероз каби шаҳар-

ларнинг жамоат ва шахсий кутубхоналарида XIII—XIV аср — мўғуллар ҳукмронлиги даврида кўчирилган ва расмлар билан безатилган Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Рашидиддиннинг «Жоме ут-таворих», Низомийнинг «Хамса»си каби ноёб қўлёзмаларнинг сақланганлигига ҳеч шубҳа йўқ. Булар, албатта, Темурийлар даври бадий қўлёзма санъатида вужудга келаётган янги услубнинг шаклланишига ва тараққиётига таъсир этган.

Бадий қўлёзма ҳақидаги мавжуд илмий адабиётларнинг асосий текшириш предмети Шарқ миниатюрасидир. Шарқ бадий қўлёзмалари билан қизиқувчи революциягача бўлган ва совет даври олимлари расм санъатини бадий қўлёзма санъати комплексидан ажратилган ҳолда санъатнинг мустақил бир тури сифатида ўрганишган. Б. П. Денкике, Ф. А. Крачковская, Л. Т. Гузальян, А. А. Иванов ва Г. А. Пугаченковаларнинг асарлари асосан расм санъатига бағишлангандир. XV—XVI аср расм санъатини ўрганишда анчагина иш қилган Европа тадқиқотчилари ҳам худди шундай йўлни тутганлар. Узоқ йиллар давомида катта илмий текшириш ишларини олиб борган Европа олимлари — Блоше, Мартин, Шульц, Сакисян, Базиль, Грей, Робинсон, А. Попп, И. Шчукин ва бошқа шу каби олимларнинг тадқиқотлари Темурийлар, Сафавийлар ва Бобирийлар даври санъатининг вужудга келиши, ривожланиш қонуниятлари, бадий хусусиятлари ва эволюциясини кенг ёритади.

Қўлёзмада расмининг мавжудлиги ёки йўқлиги унинг бадий қийматини белгилувчи ягона ўлчов бўла олмайди. Урта даражадаги расмлар билан безатилган қўлёзмаларни кўплаб учратиш мумкин, лекин улар бадий қиймат нуқтаи назаридан расмсиз қўлёзмалардан ҳам анчагина паст туради.

Тарихий ҳужжатларнинг таъкидлашича, нафис китоблар кўпинча давлатманд кишилар ёки Шоҳруҳ, Улугбек, Бойсунқур, Султон Ҳусайн кабиларнинг, кутубхона бошлиқларининг буюртмаси билан ишланар ва катта пул эвазига шулар томонидан сотиб олинарди. Аммо буюртмачи қўлёзмани безатишда унинг бадийлиги масаласини, эстетик нормалари ва шу кабиларни олдиндан ҳал қилиб бера олмас, у фақатгина тайёр ҳолга келтирилган китобнинг бадий сифатига мувофиқ баҳо-бера олар ва китобни яратишда қатнашган мутахассисларнинг хизматига яраша тақдирлай оларди, холос. Қўлёзмани шакллантириш ва безатиш ғоялари китобат санъаткорлари устахонасида бир неча хил мутахассисларнинг ҳамжиҳатли меҳнати ва малакаси тўғрисида вужудга келарди. Темурийлар даври хаттот, мусаввир, лаввоҳ, саҳҳоф ва миниатюрачи — расомларининг юқори маҳорати ва санъатини усталик билан бир-бирига уйғунлаштириш, ҳозиргача бутун дунёни ҳайратга солаётган бадий қўлёзманинг тенги йўқ мўъжизаларини яратди.

Бадий қўлёзма ижодкорлари янги бир асар яратишга киришар эканлар, бўлажак бадий қўлёзма стилининг характери, безатиш услуби, ҳатто формати ҳам энг аввало унинг мазмуни ва вазифаси билан белгиланар эди.

Қуръон ва умуман диний китоблар, шунингдек жуда кўп илмий ва фалсафий асарлар, диний тақиқ зўри билан расмсиз яратилган. Бадий ва тарихий асарларни миниатюра билан безаш одати эса узоқ даврлардан бери давом этиб келади. Шу сабабли Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си, Низомий, Саъдий, Ҳофиз, Шарафиддин Али Яздий ва бошқа шу кабиларнинг асарлари бадий расмлар билан безатилиши жиҳатидан дунёнинг ҳамма йирик қўлёзма фондларида биринчи ўринни эгаллайди. Қўлланиш донраси жуда тор бўлган миниатюрага нисбатан, бадий қўлёзмани нақш билан безаш кенг ривожланган бўлиб,

наққошлик санъати Қуръондан бошлаб барча диний ва дунёвий адабиётда катта ўрин эгаллаган. Султон Али Машҳадий, Мир Али Ҳиравий, Мир Имод ва бошқаларнинг кичик қитъалари мусаввир — наққошлар томонидан гўзал қилиб безатилар, расм санъати қатори юқори баҳоланар эди.

Бўлажак китобнинг ҳажми ҳам қўлёзмани яратишда маълум даражада таъсир кўрсатади. Агар китоб Низомий ва Навоийнинг «Ҳамса»си, Жомийнинг «Ҳафт авранг»и сингари куллиёт типиди бўлиб, бир неча асарлардан таркиб топган бўлса, катта формат, кичик девон ёки рисола шаклидаги асарлар учун кичик формат ишлатилган.

Бўлажак қўлёзманинг жанр хусусияти, унинг таркибига кириши лозим бўлган асарлар сони, унинг ҳажминингига эмас, балки бадий бегагининг характери ҳам белгилайди. Хат услуби (катта, ўрта ёки майда) ёки текстнинг тўрт устунда жойлаштирилиши, фронтиспис (титул бети ёнига жойлаштирилган расм) типи, китобнинг боши ёки бир бобнинг бош қисмида бериладиган расмлар (лавҳа), саҳифаларга жадваллар ишлаш, расмлар темаси, сюжети, ҳатто муқованинг характери ҳам санъаткорлар, моҳир мутахассислар йиғинида ҳал қилинарди.

XV аср китобат санъати усталари ижодининг бир-бири билан узвий боғланиши ва беандоза монандлиги Темурийлар даврининг юқори эстетик талабларига жавоб бера оладиган ягона бадий синтези — янги китобат санъати услубини вужудга келтирди. Туркий тилда сўзлашувчи халқлар (ўзбеклар, озарбайжонликлар, туркманлар, уйғурлар), форс тилида сўзлашувчи халқлар (эронликлар, тожиклар), Бобирийлар династияси даврида эса ҳиндлар Темурийлар даври санъатининг тараққиётида иштирок этдилар.

XV асрнинг иккинчи ярми Ҳиротда сарой кутубхонасининг бошида Алишер Навоий, Камолиддин Беҳзод, Султон Али Машҳадий, Мирак Наққош, Мавлоно Ерий каби улкан санъаткорлар бош бўлиб турган вақтда Темурийлар даври маънавий ҳаётининг турли соҳаси сингари бадий қўлёзма ва ҳусниҳат санъати ҳам ўзининг юқори камолот босқичига кўтарилган эди. Сиёсий ҳокимият Хуросонда 37/1469—1506 йиллар хукмронлик қилган Ҳусайн Бойқаро қўлида бўлган вақтда Алишер Навоий илм-фан, адабиёт ва санъатнинг ҳомийси сифатида катта шўҳрат топди.

XV аср — Темурийлар даврида Самарқанд, Табриз, Шероз бадий қўлёзма мактаблари мавжуд бўлиб, булар орасида Ҳирот мактаби ўзининг реалистик тенденцияси, жанрларининг турлилиги ва катта маҳорати билан донг таратган эди. Шу сабабли мен совет фондларида мавжуд бўлган ва ҳали санъат асари сифатида ўрганилмаган, XV аср Ҳирот мактабига оид баъзи қўлёзма намуналари устида тўхтаб ўтмоқчиман.

Салтиков-Шчедрин номидаги Ленинград Давлат Халқ кутубхонасида хаттотлар шоҳи машҳур Султон Али Машҳадий томонидан 870/1465—66 йилларда Ҳиротда кўчирилган Алишер Навоий илк девонининг қўлёзмаси сақланади (Дерн, 564). У Навоийнинг илк асарларидан бири бўлиши билан бирга фанда Султон Али Машҳадий қаламига мансуб дастлабки қўлёзма сифатида ҳам машҳурдир. Формати 23 × 34 см, варақлари сони 143, колофон:

حرره العبد سلطان على المشهدى فى شهر سنه سبعن و ثمانىه فى  
ايام الشيب

Қўлёзма олтин суви ва турли бўёқ билан жуда гўзал, нафис ишланган иккиёқлама зарварақ билан бошланади. Зарварақлар марка-

зига 7 байтли бир ғазал усталик билан жойлаштирилган бўлиб, тексти йирик насталиқда икки қатор қилиб ёзилган. Саҳифалардаги ғазаллар ранг-баранг нафис шоҳи қоғозга битилган, олтин ва турли бўёқлардаги жадваллар орасига олинган, сўнгра қўлёзманинг ҳошияси сифатида қирқилган қалинроқ қоғозга ёпиштирилган. Мазкур ҳошияларнинг ўзи ҳам ҳайвонот дунёси ва геометрик нақш билан безатилгандир. Қадимдан давом этиб келаётган анъанага мувофиқ лаввоҳмузаҳҳиб ёки наққошнинг номи, баъзи истисно ҳолатлардан ташқари, умуман ёзилмайди. Мазкур қўлёзмада ҳам наққошнинг номи кўрсатилмаган. Китобнинг қатор белгиларига кўра қўлёзма Бойсунқур Мирзонинг сарой кутубхонаси қошидаги китобат устахонасида вужудга келган. Бундай устахоналар Абулқосим Бобир ва Абу Саид замонасида ҳам мавжуд эди. Биз олиб борган текстологик тадқиқотлар мазкур қўлёзма Алишер Навоийнинг шахсий кутубхонасига қарашли эканини кўрсатади. Зарварақ безакларининг ўзига хос композициясига эга бўлиши, хусусан, нақш ва бўёқларнинг бир-бирига ниҳоят даражадаги уйғунлиги XV аср Ҳирот китобат санъатида янги услубнинг шаклланишини кўрсатади. Бундан ҳам аҳамиятлиси шуки, у Алишер Навоий ва Султон Али Машҳадий каби икки буюк истеъдод эгасининг 40 йил давом этган ижодий ҳамкорлиги ва дўстона муносабатларининг бошланишидан дарак беради.

XV асрнинг иккинчи ярми Султон Ҳусайннинг сарой кутубхонасида хаттотлик ва китобат санъати мисли кўрилмаган даражада юксалди. Уша даврда ноёб бадий қўлёзмалар яратиш устида меҳнат қилган юзлаб санъаткорларнинг устодлари, ҳокимлари — хаттотлардан Султон Али Машҳадий, Ҳирот миниатюра мактабига асос солган расом Қамолiddин Беҳзод ва муқова санъатининг моҳир устаси Мавлоно Ёрий эди. Бадий қўлёзманинг ҳар бири махсус касб, нозик ва ўзига хос санъатдир.

Ана шундай нодир миниатюрасиз бадий қўлёзма намуналаридан бири 898/1492—93 йилларда кўчирилган Алишер Навоийнинг «Хамса» сидир (Дерн, 560). Қўлёзма Султон Ҳусайннинг сарой кутубхонаси ёки Алишер Навоийнинг ўзи учун кўчирилган бўлиши керак. Қўлёзманинг I б варағида кейинроқ ёзилган қуйидаги ёзувни ўқиш мумкин:

خمسه مير عاس شير ندايه بخط قبله الكتاب مولانا سلطان على المشهدى  
و بمنهب مولانا يارى مذهب و جلدگارى در العصرى استاد سلطان  
مجلد مرورى سامى

«Мир Алишер Навоийнинг «Хамса»сини котиблар қибласи мавлоно Султон Али Машҳадий кўчирди, музаҳҳиб мавлоно Ёрий томонидан зарҳалланди ва замонанинг ноёб устаси — муқовачи Султон Али Марвий тарафидан муқоваланди». 325б варақда қуйидаги колофон берилган: «899/1492—93 йилда фақир Султон Али кўчирди».

Варақларнинг умумий сони 325 та. Формати 24,5 × 17. «Хамса» таркибига кирган беш дostonнинг ҳаммаси бир хил геометрик фигура ва гулли нақшдан иборат иккиёқлама аъло даражадаги фронтиспис билан безатилган. Ҳар бир дostonнинг номи ёзилган бош қисмидаги биринчи фронтиспис дostonнинг умумий мазмунини тафаккур этишда қандайдир ёрдам берадиган шмуцтитул вазифасини бажарса, иккинчиси дostonнинг бош қисми учун лавҳадир. Навоий «Хамса» сининг бош қисмида автор номини ўз ичига олган иккиёқлама зарварақ бор. Шундай қилиб, қўлёзманинг 22 саҳифаси 11 та иккиёқлама ажойиб зарварақ билан безатилган. Расмларнинг умумий услуби сақлангани ҳолда, ҳар бир саҳифадаги тақрорланмайдиган нақшларнинг ўзаро мослиги, бўёқларнинг уйғунлиги, оҳангдошлиги ва ниҳоят

умумий композицияси — буларнинг ҳаммаси наққош — музаҳҳибнинг оригинал ижоди сифатида муҳим аҳамият касб этади. Латофати ва жилвали товланиши билан ўқувчини ўзига ром этувчи зарварақлар қўққисдан узилиб қолмайди. Чунончи наққош — музаҳҳиб Ерий ҳар бир дoston варақлари орасида нақш парчаларини бериб борадики, булар қўлёзмани безашнинг муҳим элементларидан биридир. Шу йўл билан у бутун дoston давомида ўқувчининг эстетик туйғусини доим маълум савияда сақлаб туришга ҳаракат қилади.

Қадимий қўлёзмаларнинг муқовалари давримизгача сақланмаган. Аммо XV асрнинг машҳур санъаткор саҳҳофи мазкур «Хамса» эса Мавлоно Султон Али Марвий ишлаган дастлабки муқовасида бизгача этиб келган. Муқова анчагина титилиб, эскирган бўлишига қарамай ҳануз ўзининг мислсиз гўзаллиги билан киши диққатини тортади. Чармдан ишланган сатҳ ва қопқоқларга соф олтин билан ниҳоятда нозик, худди тўрга ўхшатиб ишланган ва бир-бирига сира ўхшамайдиган турли хилдаги ўта нафис нақшлар туширилган бўлиб, кишини ҳақиқатан ҳам ҳаяжонга солади. Бундай муқовалар Темурийлар даври бадий муқова санъатининг классик намунасидир.

«Хамса»нинг Ленинград нусхасини миниатюрасиз бўлишига қарамай, XV асрнинг иккинчи ярми Ҳирот мактабига хос бўлган янги услубнинг юксак намуналари қаторига қўйиш мумкин. Кўрсатилган икки қўлёзма латиф нақши, жилоли бўёқлари, безак элементлари ўртасидаги мутаносиблик XV аср Темурийлар даври маънавий ҳаёти ва эстетик талабининг юксак даражада бўлганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида Султон Али Машҳадий томонидан кўчирилган Алишер Навоийнинг учта китобат тарихи кўрсатилган қўлёзма (инв. № 1995, 790, 3984) ва Абдужамил котиб томонидан 889/1484 йилларда шоирнинг шахсий кутубхонаси учун кўчирилган «Хамса»нинг энг қадимий нусхаси (инв. № 5018) маъжуд.

Мазкур қўлёзмалар Ҳирот бадий қўлёзма мактабининг ноёб намуналаридан бўлиб, XV асрнинг сўнги чорагида яшаган турли санъаткорлар қаламига мансубдир.

Султон Али Машҳадий томонидан йирик настаълиқ билан кўчирилган уччала девон бадий безак жиҳатидан жуда оригинал ҳал этилган. Бу уч девон олдинги қўлёзмалардан фарқли ўлароқ, биттадан иккиёқлама зарварақ саҳифаларга эга. Суюқ олтин билан, ҳаворанг, тўқсариқ ва лажувард ранглардан иборат нақшлар ўзаро мутаносиблашиб жуда улуғвор ва нафис гўзаллик касб қилган. Абдужамил котиб кўчирган Навоий «Хамса»си бадий безаги жиҳатдан юқоридан қўлёзмалардан ўзига хос услуби билан фарқ қилади. У Навоийнинг беш дostonни ўз ичига олган. Қўлёзма майда настаълиқда хина ранга бўялган. Ҳирот ипак қоғозига кўчирилган. Формати 19 × 27,5. Варақлари сони 325, сарлавҳалари суюқ олтин ва қирмизи сийҳда ёзилган. Текстлар 4 устунда жойлашиб, олтин ва қора тушда чизилган жадваллар ичига олинган. Ҳар бир дostonнинг бош қисмида жигаррач фонга кўк сийҳ ва олтин суви билан безатилган биттадан лавҳа берилган. Бу лавҳалар ўзининг салобатли гўзаллиги билан Ҳирот китобат санъатининг юксак услубини намойиш қилади.

Султон Али Машҳадий кўчирган Навоийнинг яна бошқа тўрт қўлёзмасини ҳам шу категорияга киритиш мумкин. Улардан бири 910/1504 йилларда мўътабар кўчирилиб Туркия фондида сақланаётган (Топкапи, Реван инв. № 810), иккинчиси эса 897/1492 йилларда кўчирилиб инглиз қироличасининг Виндзордаги сарой кутубхонасида сақланаётган «Хамса» қўлёзмаларидир. Яна бири XV асрнинг иккинчи ярмида кўчирилган ва Виндзор кутубхонасида сақланаётган, шунингдек 906/1500

йилларда кўчирилиб Нью-Йоркдаги Метрополитен музейи мулки ҳисобланган Навойнинг терма девонларидир.

Қўлёзма нақшларидаги расмларнинг зеболиги, шаклларнинг мутаносиблиги ва ёрқин бўёқлари билан уйғунлашиб кетганига Султон Алининг бадий настаълиқ хати қўшилиб, мазкур қўлёзмаларга мислсиз жозоба бахш этган.

Султон Ҳусайн Бойқаронинг сарой кутубхонасида Камолиддин Беҳзод, Мирак Наққош, Қосим Али, Маҳмуд Музаффиб, Шоҳ Музаффар, Султон Муҳаммад, Дўст Муҳаммад, Абдураззоқ каби буюк расмлар; Султон Али Машҳадий, Муҳаммад бин Нур, Дарвиш Муҳаммад Тоқий, Муҳаммад Хандон, Муҳаммад ибн Азҳар, Мир Али каби атоқли санъаткор хаттотлар ишлаган. Шубҳасиз энг яхши бадий қўлёзмалар аввало «Ҳусайний» тахаллуси билан ғазаллар битган Султон Ҳусайннинг хазинаси учун яратилган бўлиши керак. Алишер Навоий деярли ҳамма асарларида Султон Ҳусайнга шоир ва гўзаллик заршуноси сифатида юксак баҳо берган эди.

Ҳусайний девонининг бизгача етиб келган қўлёзмаларидан энг нодир ва бадий безак жиҳатдан тенгсиз Париж Миллий кутубхонасидаги қўлёзмадир (993). Бу қўлёзма ҳам Султон Али Машҳадий томонидан нафис майда классик настаълиқ хатида охарланган ипак қоғозга 890/1485 йилда кўчирилган. Варақлар сони 59 та, формати 16 × 25. Девонни безовчи 4 миниатюрани ҳисобга олмасак ҳам, қўлёзма бадий безак жиҳатидан ниҳоятда мукамалдир. Қўлёзма қуёшсимон доира кўринишига эга бўлган нақшдор титул варақ билан бошланиб, сўнгидан бир неча ғазалнинг матласи кўчирилган икки томонлама зарварақ бериледи. Қўлёзманинг ҳошиялари ва барча ғазалларнинг сарлавҳалари геометрик ва ўсимлик шаклларидан яратилган зарҳал нақшлар билан зийнатланган бўлиб, хотима қисми ҳам бу жиҳатдан беками кўстдир. Боши ва охирида нақшнинг форзацлар берилган.

Ҳусайний девонининг Париж нусхаси ҳам юқоридаги қўлёзмалар каби XV аср Темурийлар даври бадий қўлёзма тараққиётининг юқори босқичини ифодаловчи намуналаридан биридир. Бунга ўхшаш қўлёзмалар Самарқанд, Табриз, Шероз, Машҳад, Бухорода ҳам яратилган. Шундай қилиб, темурийлар даври бадий қўлёзмаларни характери жиҳатдан 3 асосий туркумга ажратиш мумкин.

1. Миниатюралӣ бадий қўлёзмалар.

2. Расмсиз, асосан нақш билан безатилган бадий қўлёзмалар.

3. Қиммати хаттот санъати билан белгиланувчи бадий қўлёзмалар.

Темурийлар даври китобат санъатини юқори камолот чўққисига кўтарган нарса бадий қўлёзма яратувчилар орасидаги меҳнат тақсимотининг юқори савияси ва ҳар бир санъаткорнинг ўз соҳасида эгаллаган юксак маҳоратидир.

Темурийлар бадий қўлёзма санъатининг юқорида кўрсатилган классик намуналари қуйидаги асосий элементлардан ташкил топганини аниқлашга имкон беради:

1. Бадий хат — бадий қўлёзманинг ажралмас қисмидир. Қўлёзманинг тексти учун унинг мазмуни ва қўлланиш соҳасига кўра, Темурийлар даврининг ихтиро этган хат услуби — настаълиқ ёки насх қўлланган. Унвонлар, китоб номлари ёки кичик сарлавҳалар учун эса сулс, риқаб, хатти девоний, хатти кўфий каби хат турлари танланган.

2. Текстнинг жойлаштирилиши ҳам китоб бадий безагининг муҳим омилларидан биридир. Жадвалга олинган асосий текст саҳифанинг марказига бир ёки 2—4 устунда жойлаштирилади, айрим ҳолларда эса асарлар қўлёзманинг ҳошияларига ҳам моҳирлик билан ёзилади. Майда текст — унвонлар, сарлавҳалар, хотималар, та-

рихлар турли хил композиция ва нақш орқали безак элементига айланиб борган.

3. Нақшланган текст унвонлар, сарлавҳалардаги ҳарфларнинг атрофларини зарҳал ва ранг билан ўраган безак шаклида учрайди.

Турли шаклдаги ярим доиралар билан ўралган алоҳида ҳарфлар ёки бир неча ҳарфлар гиламга солинган нақша ўхшаш жилваланади. Баъзи қўлёзмаларда сатр ораллигидаги бўшлиқ ҳам ана шундай нақшлар билан тўлдирилган.

4. Форзац баъзи ҳоллардагина Темурийлар даврининг энг нодир қўлёзма нусхаларининг бош ҳам охиригى бетларида учраб туради. Навоий «Хамса»сининг Ленинград қўлёзмаси (инв. № 560), Хусайний девонининг Париж қўлёзмаси (Supp Turg, 993) ва Низомий «Хамса»сининг Британия нусхаси (OR, 25900). Баъзан форзац шаклида 2 саҳифани эгаллайдиган асар тематикасига мос миниатюралар берилади (Метрополитейн музейидаги Навоий девони).

5. Титул-унвон бадий қўлёзманинг ажралмас қисмини ташкил этади. Ҳирот, Табриз ва Шероз мактаблари унвоннинг 2 хил шаклини яратганлар. Улардан бири доира шаклидаги унвон (шамс) ва иккинчиси икки саҳифага жойлаштирилган фронтиспис шаклидаги безакли унвон. Бу унвонларда кўпинча муаллифнинг исми ва асарнинг номи берилади.

6. Фронтиспис — зарварақ бадий қўлёзма таркибига китоб безашнинг асосий элементларидан бири сифатида кирган. Одатда асарнинг бош қисмидан олинган кичик бир парча текст нақшдор доира ўртасига олиниб, икки бет зарварақ марказига жойлаштирилади.

Зарварақлар асосан нақшлари, расми ва саҳифаларининг мутаносиблигига қатъий риоя қилган икки саҳифада жойлашади. Баъзан эҳтибор билан бир саҳифада берилган зарварақлар ҳам учрайди.

7. Лавҳа — ҳажм жиҳатидан кичик, ammo аксар учраб турадиган орнаментал безакдор. Лавҳа шарқ китобат санъати бадий анъанасига кўра саҳифанинг юқорисидан учдан бир ёки тўртдан бир қисмини эгаллайди. У ҳар хил жанрли қўлёзма ва мўътабар китоб обларининг бошланғич қисмида берилади.

8. Темурийлар қўлёзмаси саҳифаларини бадий безаш расм (мусаввар)ларнинг фавқулодда муҳим ва қийин вазифалари билан бири бўлган. Уни амалга оширишда кўплаб санъаткорлар иштирок этганлар. Қоғозрез керакли сифатдаги қоғозни танлар ва усталик билан барча қоғозга ёки унинг ҳошияларига ранг берарди.

Зарур ҳолларда бўлғуси қўлёзманинг фонига суяқ олтин сувидан зарафшон берилар (Виндзор сарой кутубхонасидаги «Хамса» қўлёзмаси), сўнгра ҳар бир саҳифаларга олтин ва ранг-ранг бўёқлар билан жадваллар чизиларди. Турли шаклда нақшланган сарлавҳалар ҳам (Хусайний девонининг Париж қўлёзмаси) саҳифаларни безаган.

9. Бадий қўлёзма ҳошияларини безаш Темурийлар даври китобат санъатининг ривожланган томонларидан бири эди. Қўлёзма ҳошиялари китобат санъатининг барча бадий элементларига мос равишда безатилади. Ҳошиялар ҳам баъзан қўлёзманинг характерига мос равишда олтин ёки кумуш суви билан зарафшон қилинган (Виндзор сарой кутубхонасидаги Навоий «Хамса»си) ёки геометрик чизиқлар, ўсимлик, ҳайвонот дунёсини тасвирловчи нақшлар воситасида зийнатланар эди (Хусайний девони, Париж миллий кутубхонаси, 993). Ҳошиялари маълум мазмунга эга миниатюралар ва ҳатто айрим портретлар билан безатилган қўлёзмалар ҳам учраб туради.

10. Бадий муқова санъати ўзига хос соҳани ташкил қилган. Бусиз Темурийлар даври бадий қўлёзма санъатининг юксак намуналарини тўлиқ тасаввур қилиш қийин.

Олтин сувида ўймакор нақш билан зийнатланган чарм ёки картон муқовалар сеҳрловчи нафосат кучига эга бўлган. Темурийлар даври муқова санъатида баъзан, маълум мазмунга эга бўлган миниатюралар билан безалган муқовалар ҳам учрайди.

Утган асарларнинг энг яхши анъаналарини давом эттирган XV аср бадий қўлёзма санъати ўзининг нафис нақши, расмлардаги ҳайратомуз мутаносиблик, ёрқин ранглارининг ўзаро монандлиги билан чуқур халқчиллик ва бадий камолотнинг юқори чўққисига кўтарилган профессионал санъатнинг янги соҳасига айланди.

Темурийлар даври бадий қўлёзмаларининг энг яхши анъаналари кейинчалик Табриз, Шероз, Исфихон, Бухоро ва Самарқандда китобат санъатининг келгуси тараққиётига асос бўлди. Шундай қилиб, Темурийлар даври бадий қўлёзма тараққиётини уч асосий даврга бўлиш мумкин:

Биринчи давр — XIV аср охири ва XV асрнинг биринчи ярми — Темурийлар бадий қўлёзма санъатидаги янги услубнинг юзага келиш, шаклланиш даври.

Иккинчи давр — XV асрнинг иккинчи ярми, Темурийлар даври маънавий маданияти, жумладан бадий қўлёзма санъатининг тараққиёт даври.

Учинчи давр — XVI асрнинг биринчи чораги. Ҳокимият тепасига Шайбонийлар, сўнгра Сафавийларнинг келиши билан Шероз, Табриз, Машҳад, Бухоро, Самарқанд ва Ҳиндистонда ҳали яшаб давом этиб келаётган Темурийлар санъати традициялари асосида XVI асрда Эронда Сафавийлар ва Ҳиндистонда эса Бобирийлар бадий қўлёзма ва миниатюра мактаблари пайдо бўлади.

Фикримизча, Марказий Осиёда Темурийлар даври санъатини ўрганиш борасидаги тадқиқотлар доирасига XIV—XV асрлар санъатининг тараққиётида Самарқанднинг роли, мўғул эмас, балки ўзбек бўлган Темир ва Темурийлар, шунингдек Муҳаммад Заҳириддин Бобирнинг келиб чиқиши каби проблемаларни ҳам қўшиш керак бўлади. Шунинг учун Бобирийларни буюк мўғуллар, уларнинг санъатини эса мўғул мактаби санъати, деб аташ қанчалик ҳақиқатга тўғри эканлигини аниқлаш лозим бўлади. Миниатюралар тарихи устида олиб борилган тадқиқот тасвири характердан холи бўлсин учун алоҳида ёдгорликлар ёки санъаткорларнинг муайян бир темага оид миниатюраларини қиёсий ўрганиш методини қўллаш катта самаралар бериши мумкин. Бу эса ўз навбатида миниатюранинг бадий қийматини ва расм-сом маҳоратининг даражасини аниқроқ белгилашга ёрдам берган бўлур эди.

Миниатюралар жанрлар бўйича кам ўрганилади. Масалан, Улугбек, Жомий, Беҳзод, Бобир портретларининг ўрганилиши ва портретларнинг ишончли вариантларини аниқлаш фақат тарихий маълумот нуқтаи назаридангина муҳим бўлиб қолмай, балки катта амалий аҳамиятга ҳам эгадир. Илмий адабиётларда Темирийлар санъатини кўпинча Эрон ёки эрон мактаби санъати деб атайдилар. Бундай таъриф, фикримизча тарихий, географик жиҳатдан, ҳатто санъаткорларнинг этник келиб чиқиши жиҳатидан ҳам ҳақиқатдан узоқдир. Бу масалалар қайта кенг ва чуқур тадқиқотни талаб қилади.

Темурийлар даври санъатининг барча соҳаларида ўлмас дурдоналарни яратишда ҳам туркий, ҳам форсий тилда сўзлашувчи халқлар иштирок этганлар. Темурийлар санъати Марказий Осиёда биргалликда яшаб, бирга меҳнат қилиб, ҳамкорликда санъатнинг ноёб намуналарини яратиш билан жаҳон маданияти тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган ўзбеклар, тожиклар, эронийлар, озарбайжонлар, уйғурлар, афғонлар, туркманлар ижодий даҳосининг синтезидир.



Биз ҳозирги замон меъморчилиги, расм, китобат ва амалий санъатини ривожлантиришда Темурийлар даври санъатининг энг яхши анъаналарини ижодий ўзлаштириб замонамизнинг юксак бадий — эстетик талабларига жавоб берадиган юқори савиядаги асарлар яратишда тўғри фойдаланишимиз керак.

## ЖАЖЖИ ТАДҚИҚОТ

### Коммуникатив вазият ҳақида

Ҳар бир гап алоқа қилиш ҳолатидан ташқарида, контекстан ажратиб олинса, кўп маъноли бўлади. У соф дарак ҳам, хабар ҳам, эълон ҳам ва ҳоказо маъноларда ишлатилиши мумкин. Демак, бу гап ажратилган ҳолда конкрет коммуникатив аҳамиятга эга эмас. Фақат сўзлашувда ва контекстда гап бир маъноли бўлади. Фақат боғланган нутқда, контекстда гапнинг ҳақиқий маъновий мазмуни очилиши мумкин. Масалан: 1. *А. Навоий номли Катта академик опера ва балет театрида С. Бобоевнинг «Ҳамза» операси саҳнага қўйилди. Мана, операнинг бошланғичини ҳамма сабрсизлик билан кутмоқда. Опера бошланди.* Тамошбинлар уни завқ билан тингламоқдалар.

2. *Кечга қолган тамошбинлар театринг вестибюлига кирдилар. Контролёр уларга мурожат қилди: — Кечга қолибсизлар-ку! Опера бошланди.* Тезроқ киндилар!

3. *Шинамгина безатилган хона. Стол атрофида Салим билан Карим сўхбатлашиб ўтирибди. Карим радионинг қулогини буради. Уйда дикторнинг йўғон, салобатли овози янгради: — Ҳурматли радиозитувчилар! Ҳозир биз сизларга А. Навоий номли опера ва балет театридан «Бўрон» операсини олиб эшиттирамыз. Диққат, диққат! Опера бошланди. Радио карнайлари олди-га яқинроқ келинг.*

Биринчи контекстда *Опера бошланди* гапи соф дарак, иккинчисида хабар, учинчисида эса эълон бўлиб келади. Юқоридаги контекстларда *Опера бошланди* гапи товуш состави, синтактик тузилиши ва лексик тўлиқлиги бўйича бирхил. Соф дарак ва хабар модаллик жиҳатидан сўзловчининг берилаётган хабарга ва эшитувчинга муносабатини ифодалайди. Эълон эса сўзловчининг берилаётган хабарга ва аудиторияга, катта бир группа одамларга муносабатини ифодалайди.

Соф дарак инсон иш-ҳаракатини, бирор ҳодиса, воқеа, предметни, табиатни тасвирлашда қўлланади. Соф дарак эшитувчининг нутқ процессида бевосита реакция талаб қилмайдиган нутқий алоқа формасидир. Масалан: *Февраль ўрталарида зангори осмон ярқираб, қўёш тупроқни илғиди. Қиш бўйи тўйиб сув ичган ер нимранг майса билан қопланди. Бинафша очилди. Тол новдаларида маржондек текис куртақлар*

*пайдо бўлди. Эрка қушлар чуғурлаб қолди.* (Ҳ. Ғулом, «Машъал»).

Хабар эса диалогик ва монологик нутқларда ишлатилади. Диалогик нутқдаги хабар соф даракдан фарқ қилади. Соф даракка қараганда хабарда тингловчи актив бўлиши мумкин. Хабар сўхбатдошга таъсир этиши, уни қизиқтириши, бирон ҳаракатга ундаши мумкин. Масалан:

*Момақалдироқ гумбуллаб чақмоқ чақалди. Ташқаридаги анжомларни таший бошлайдилар.*

*Хатам. Жала қўйди.*

*Ботир. Сел келмаса яхши эди.* (Н. Сафаров, «Ҳаёт мактаби»).

Хабар бир ёки бир неча кишига, эълон эса кўпича, йнрик группага, бир талай одамларга ёки аудиторияга мўлжалланади. Эълон йнгилишларда ёхуд телевидение, радио орқали эшиттирилиши мумкин. Масалан:

*Мажлис аҳлининг аксарияти хурсанд бўлиб, Мустафо Содиқни олқишладилар. Раис ўрнидан туриб эълон қилди:—Мажлис тамом бўлди.* (Ойбек, «Нур қидириб»).

Эълонда кишиларга бевосита мурожат қилинади, лекин у диалогик тарзда эмас, балки эшитувчиларнинг бевосита нутқ реакциясини талаб қилмайдиган формада бўлади.

Логик урғунинг ўрни алоқа вазияти ёки контекстга боғлиқдир. Логик урғу билан ажралиб турган сўз доим ҳукм предикатини ифодалайди. Соф дарак, хабар ва эълон ҳукм предикатини ифодалайдиган бош логик урғу билан характерланадилар, ҳукм субъекттини ифодалайдиган сўз эса иккинчи даражали логик урғу олади. Масалан:

1. *Опера бошланди.* (соф дарак); 2. *Опера бошланди.* (хабар); 3. *Опера бошланди.* (эълон). Соф дарак гапларда умуман бирор сўзни логик урғу билан ажратишга зарурият бўлмайдиган ҳолатлар ҳам учрайди. Бу ҳолат сўзловчи ёки ҳикоячи жумлани тинч дарак оҳангга талаффуз қилганда рўй беради.

Юқорида келтирилган мисолларда коммуникатив вазият турли бўлгани учун, гапларнинг коммуникатив турлари ҳам ҳархил эканлиги яққол кўриниб турибди.

Д. М. Ниёзов

СУЙИМА ГАНИЕВА

## АЛИШЕР НАВОЙНИНГ «МОЖОЛИСУН НАФОИС» АСАРИ ВА САМАРҚАНДЛИК ШОИРЛАР

Алишер Навоий энг гўзал, энг самимий асарларидан бири «Мажолисун нафоис» тазкирасида ўзидан бир оз аввал ўтган ва замондош бўлган шоирлар ҳақида маълумот беради, уларнинг ижодларидан намуналар келтиради. «Мажолисун нафоис» материаллари улуг гуманист Навоийнинг бутун Хуросон, Мовароуннаҳр ва бу ўлкалар билан маданий алоқада бўлган мамлакатлардаги ҳаётни кузатиб борганлиги, адабиёт, санъат ва фанни ривожлантиришга имкони борича ҳаракат қилганлиги ҳақида бой ва атрофли маълумот беради.

«Мажолисун нафоис» 1492 йилда ёзилган бўлиб, унга Навоий 1498 йилда бирмунча янги маълумотлар киритган ва султон Ҳусайн Бойқаро (тахаллуси Ҳусайний) шеърларини тадвин остига олган.

Навоий тазкирасининг унга қадар тазкиралардан фарқ қиладиган энг асосий хусусияти, биринчидан, унда Навоий адабиётнинг туб моҳиятини талқин этишда, баҳолашда ўз даврининг энг илғор гуманисти сифатида фикр юритган; иккинчидан, унда Навоий ўз замонасининг маданиятини халқчиллик тенденциясида акс эттирган (профессионал шоир бўлмаганларнинг тазкирадан ўрин олишини эшлаш кифоя); учинчидан, тазкирани асос эътибори билан Навоий ўз замондошларига бағишлаган (бу ерда Навоий маълум практик мақсадни кўзлаганлиги гоят муҳим).

Навоий «Мажолисун нафоис»да буюк адабиётшунос олим сифатида шоирлар ижодини таҳлил қилишда гоёвий мазмунгагина эмас, бадий маҳорат масалаларига ҳам алоҳида эътибор беради.

Навоий ўз характеристикаларида ҳар бир шоир ижодига конкрет ва объектив ёндошади, уларнинг ютуқлари ва нуқсонлари ҳақида муайян фикр билдиради, хулосалар чиқаради. Шоирларнинг фақат бадий ижод билан эмас, балки жамиятга фойда келтирувчи илм-фан, касб-ҳунар билан ҳам шуғулланишлари Навоий эътибори доирасида бўлганки, бу ҳам гоят муҳимдир.

Навоий замонида ҳукмрон феодал-клерикал мафкура ва иртижоъ вакилларининг илғор фикрли шахсларга салбий муносабатда бўлиши, уларнинг таъқиб, тазйиқ ёхуд қатл этилиши қонуний бир ҳол саналарди. Навоий ўз тазкирасида улардан фарқли ҳолда ана шу ҳукмрон мафкурага зид позицияда турган, унга қарши фикрлар баён этган кишилар фаолияти, ижодига ҳам объектив тўхталиб ўтади ва айрим ҳолларда уларга хайрихоҳлик ҳам билдиради.

Тазкирада шеърят билан шуғулланувчи ҳунармандларга кенг ўрин берилган. Муаллифнинг уларга бўлган самимияти ва ҳусни рағбати асарга ўзига хос жозоба ва илиқ руҳ бахш этади. Шу билан бирга Навоий юқори табақа вакилларида баъзи шоирларни халққа зулм

ўтказганлиги, ахлоқий ярамаслиги, шеърларининг ҳам ижтимоий аҳамиятдан холилиги учун қоралайди.

Мана шу жиҳатлар Навоий таъкираси халқчиллик руҳида ёзилганлигидан далолат беради.

«Мажолисун нафис»да Навоий Самарқандда таҳсил олган, ёхуд бирор муносабат билан Самарқандда бўлган шоир, олим ва давлат арбобларини тилга олади.

Шоир келтирган маълумотлардан шу нарса яққол кўринадики, ўша даврларда Самарқанднинг шухрати баланд эди; илм ва маданият ўчоғи саналарди; Самарқанд кўпгина машҳур шоирлар ва моҳир адиблар ватани эди.

Алишер Навоий ўз таъкирасининг I мажлисида самарқандлик Мавлоно Бисотий деган шоирнинг номини тилга олади. У ҳақда сиқик маълумотни бергач, унинг қуйидаги машҳур матлаъини келтиради:

Дил шишаву чашмони ту ҳар гўша барандаи,  
Мастанд мабодоки баногаҳ шиканандаш.

Мазмуни: Юрак шишадур. Кўзларинг уни ҳар томонга олиб борадилар, улар мастдирлар. Мабодо уни синдириб қўймагайлар.

Фиқҳ фанида машҳур олим, Самарқанднинг обрўли арбобларидан саналган Хожа Фазлуллоҳ Абул Лайсни Навоий катта ҳурмат ва салимиёт билан ёдга олади ва унинг қўлида икки йил таҳсил кўрганлигини зўр мамнуният билан эътироф этади ва ёзади: «онча илтифоти бор эрдиким, фарзанд дер эрди».

Бу олим фиқҳ ва илоҳиёт масалаларига оид талай рисолалар, ахлоқий-дидактик қарашлари ақс этган «Бўстонул орифин» ва «Танбеҳул гофилин» асарларининг ва тўрт жилдли қуръон шарҳларининг муаллифи фақиҳ Абул Лайс авлоди бўлиб, ўзи ҳам фиқҳ қаторида фалсафа ва араб тили соҳаларида забардаст бўлган. Айни чоқда дуруст шеърлар ҳам ижод қилган.

Мавлоно Абдураззоқ Самарқандий ҳақида ҳам Навоий ғоят илиқ сўзларни айтади. Абдураззоқнинг айниқса тарих фанида моҳир ва машҳур эканлигини алоҳида қайд қилади.

Алишер Навоий Абдураззоқ Самарқандийнинг бир тарихий асарининг муаллифи эканлигини, ана шу асар билан танишган киши унинг бу соҳадаги юксак иқтидоридан тўла огоҳ бўлишини таъкидлаб ўтади.

Бу ўринда Навоий Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн («Икки саодатли юлдузнинг чиқиш ва икки денгизнинг қўшилиш жойи») асарини кўзда тутганлиги шубҳасиздир.

Абдураззоқ Самарқандий элчиликка алоқадор битишмалар, мактуб ва расмий қоғозларни ёзишдек ишлар билан шугулланган ва элчи бўлиб ҳам хизмат қилган эди. У, шунингдек, араб тили грамматикасига оид бир шарҳ ҳам тузган эди.

Абдураззоқ Ҳиротда туғилиб, Ҳиротда вафот этган. Лекин унинг отаси Жалолиддин Исҳоқ самарқандлик бўлган ва ўзи ҳам маълум муддат Самарқандда яшаган. Шунинг учун бўлса керак, Абдураззоқ «Самарқандий» деган нисбони олган.

Хушсўхбат ва яхши фазилатлар эгаси, донишманд Абдураззоқ шеърят билан ҳам шугулланган:

Боз абру кард боло турки тирандозиман,  
Оламеро кушту дорад ин замон андозиман.

Мазмуни: Менинг мерган гўзалим яна қошларини чимирди, бутун оламни ўлдирди, энди эса менга ўқ отмоқчи.

Маълумки, Алишер Навоий Самарқандда шоир Мавлоно Улои Шоший билан учрашади. Навоий оёғи синиб хаста ётган шоирни кўр-

гани боради ва унинг ҳузурида бир муаммо ёзиб узатади. (Муаммода «Уло» исми бекитилган эди). Навоий кетгач, Улои Шоший унинг ким эканини ўша ердагилардан сўраб билади ва «Алишер» исми ҳосил бўладиган қуйидаги муаммони<sup>1</sup> битиб, унга юборади:

Чашми ту маро диду манаш нек надидам.  
Чун сер бубинам зи ту ин аст умидам.

Мазмуни: Сенинг кўзинг мени кўрди, мен эса уни яхши кўра олмадим, Яхшироқ кўрсам, сендан шуни умид қиламан.

Самарқандлик шоир Ҳаримий Қаландарнинг туркий тилда ёзган шеърларидан қуйидаги матлаъни Навоий унинг ижодидан намуна сифатида беради.

Неча йиғлай шамъдек ҳажрингда, ёрим, кечалар,  
Оҳким, куйдурди доғ, интизорим, кечалар.

Самарқандда саҳҳофлик дўкони бўлган Мавлоно Мир Қарший шоирлар ва шеърят мухлисларини шу дўконда йиғиб, қизиқарли суҳбатлар ўтказиб турар ва ўзи ҳам шеърлар ёзар эди. Мавлоно Жавҳарий (тахаллуси Хатойй) эса собунхона мушрифи лавозимида ишлар, айни чоқда шеърят билан ҳам шуғулланар эди. Навоий Жавҳарийнинг арузни дуруст билишини таъкидлаб ўтади.

Бадиҳона шеър айтишга моҳир, шўхтабъ шоир Мавлоно Ховарий эса тикувчилик санъатининг ҳам устаси эди.

Шеъри шухрат тутмай ёш вафот этиб кетган шоир Ҳалвойини ҳам Навоий самимият билан тилга олади.

Навоий Самарқандда эканида Андижондан келган ёш шоир Мавлоно Юсуф билан тез-тез учрашиб, унга ҳамсуҳбат бўлиб турган.

Мавлоно Юсуф Бадий тахаллусини олган эди. Навоий унинг шеърятдаги баъзи бир хомликларни шоирнинг ҳали ёш эканлиги билан изоҳлайди. Кейинчалик Юсуфнинг жиддий ҳаракатлар қилиб кўп илм ва яхши тажрибалар орттирганини, арузни чуқур эгаллаганини, умуман, билимдон киши бўлиб етишганлигини катта қониқиш билан қайд этади. Айни чоқда Навоий Юсуф характеридаги танқид талаб бўлган жиҳатларни ҳам кўрсатиб ўтади. Навоий таъкидлашчи, Бадий шеърлари юзасидан фақат Навоийгина бирор танқидий мулоҳаза билдира олган, бошқаларни у мутлақо менсимеган. Мана шу манманлиги жиҳатидан баъзи шўхлар уни «Юсуф Сафойй» деб атаганлар<sup>2</sup>.

Шоир Мавлоно Риёзий билан ҳам Навоий шахсан учрашиб турган. Унинг табиатида такаббурлик, менсимаслик каби хусусиятлар мавжудлигидан сўз бошлаб Навоий Риёзийнинг ғазални жуда яхши ёзишлигини, етти қалам билан хат бита олиши ва қуръонни етти қироат билан ўқий олиши ҳамда уни ёд билишини уқдиради. Риёзийнинг фанлар бобидаги (хусусан мусиқий ва нужумдаги) билими ва шеърятдаги истеъдоди таҳсинга сазовор деб қайд қилинади. Навоийнинг таъкидлашчи, шоирнинг Риёзий тахаллусини олганлиги унинг барча салоҳиятларига жавоб беради. (Риёзат — машаққат чекиш ва аниқ фанларга алоқадорлик маъноларини англатади).

Навоий «Мажолисун нафоис»да Риёзий билан бир байт юзасидан қилган баҳсни келтиради. Навоий шоирнинг қуйидаги:

Ситораист дурри гўши он ҳилол абру  
Зи руйи ҳусн ба ҳур мезанад паҳлу.

<sup>1</sup> Бу муаммонинг ечилишини Е. Э. Бертельс ўзининг «Навоий» номли асарига берган.

<sup>2</sup> Проф. В. Абдулаев «Навоий Самарқандда» номли китобида (1968) Юсуф Андижоний билан Юсуф Сафойини Самарқандда бўлган бошқа-бошқа шоирлар сифатида тилга олади (51, 70-бетлар).

Мазмуни: У ҳилол қошли (гўзал) қулоғидаги инжу юлдуздур, ҳусн юзидан қуёшга ёндошиб туради. Бу матлаъда мисралар боғланиши учун бир боғловчи зарурлигини таъкидлайди ва матлаънинг шундай варианты беради:

Зи руйи ҳусн дураи гўши он ҳилол абрӯ,  
Ситоранистик, бо моҳ мезанад паҳлу.

Мазмуни: Ҳусн юзасидан ул ҳилол қошлининг қулоғидаги инжу шундай бир юлдуздирки, у ой билан ёндошиб туради.

Шубҳасизки, байтнинг бу вариантыда мисралар ўзаро боғланиб келишидан ташқари, ўхшатиш ҳам реал нозиклик касб этади.

Навоийнинг Самарқанд аҳли орасида машҳур, зўр қобилият ва ўткир зеҳн эгаси, инсоний фазилатларга бой, яхши ахлоқ ва соғлом ақл соҳиби шоир Мирзобекка берган характеристикаси ҳам гоят самимийдир, унинг бевақт вафот этиб кетганлиги ҳақида хабар берувчи мисралари эса алам ва таассуфга тўладир.

Навоий Мирзобек у қақдар заҳмат чекмай гўзал ва маъноли шеърлар бита олганлигини, лекин уларга аҳамият билан қарамагани, уларни қозғозга битиб бир ерга жамламаганини ёзади. Шоирнинг бадий сўз санъатида қийин санъат саналган тарди акс ва қўш қофия ишлатилган:

Кўзунг не бало қаро бўлубтур.  
Ким жонга қаро бало бўлубтур.

матлаъини Навоий давом эттирган ва Мирзобек хотираси учун ўз девонига киритган.

Навоий Аҳмад Ҳожибек (Самарқанд ҳокими) ҳақида сўзлар экан, унинг ҳар жиҳатдан комил шахс бўлганлигини эътироф этади. Дилкаш сифатли, гўзал ахлоқли Аҳмад Ҳожибек ҳарбий салоҳиятга ҳам эга бўлган, «Вафоний» таҳаллуси билан яхши шеърлар ижод қилган.

Қуйидаги матлаъни Навоий Вафоний шеърларидан намуна сифатида келтиради:

Гирифти жони ман аз тан ба зулфи пуршикан басти,  
Қушоди парда аз рухсори хешу чашми ман басти.

Мазмуни: Танимдан жонимни олиб, кўп занжирли қилиб сочинг билан боғладинг. Юзингдан пардани очиб, кўзимни боғладинг.

Навоий тазкиранинг бешинчи мажлисини Давлатшоҳ Самарқандий номи билан бошлайди. У Ферузшоҳбекнинг амакизодаси Амир Алауддавла Бахтишоҳ Исфаройинийнинг ўғли бўлган. Унинг отаси Бахтишоҳ, Шоҳруҳ подшоҳнинг яқин мулозимларидан бўлган. Урушларда баҳодирлик кўрсатгани учун унга «Алғозий» лақаби берилган.

Давлатшоҳ ҳам отаси каби ўз ҳаётининг аксар қисмини сарой хизматида, ҳарбий юришларда ўтказган. Умрининг охирларида сарой хизмати мушкулликларидан кечиб, «гўшае ихтиёр» қилади ва деҳқончилик билан фақирона ҳаёт кечиради. Навоий Давлатшоҳнинг «Мажмауш шуаро» номи тазкира ёзганлигини қайд қилади.

Давлатшоҳнинг бу тазкираси илмий адабиётда «Тазкираи Давлатшоҳий» ва «Тазкиратуш шуаро» номи билан ҳам юритилади. Унда XI—XV асрларда яшаган 150 та шоир ҳақида маълумот ва шу шоирлар ижодидан намуналар келтирилади. Хотимада Навоий ва Жомийлар ҳақида ҳам маълумотлар берган.

Навоий Давлатшоҳга берган характеристика сўнгига «...бу яқинда хабар келдиким, фоний оламдин риҳлат қилибдир», деб ёзади. Демак, 1492 йилда — «Мажолисун нафоис» ёзилаётганида Давлатшоҳ вафот

этган эди<sup>3</sup>. Унинг туғилган йили маълум эмас, фақат тазкирасининг ёзилган йили (892/1487) маълум, холос.

Алишер Навоий «Мажолисун нафоис»нинг темурийлар хонадонидан бўлган шаҳзодалар ва нуфузли арбобларга бағишланган еттинчи мажлисида Самарқанд тахтида подшоҳлик қилган ёки саройдаги баланд вазифаларда бўлган, таъби шеърятга мойил шахслар ҳақида сўз юритади. Бу ерда Самарқанд маданий ва илмий ҳаётига бевосита алоқадор бўлган Мирзо Улуғбек, Ҳалил Султон, Султон Али Мирзо ва бошқалар тилга олинади.

Олим ва фозил давлат арбоби Улуғбекнинг номи ҳам тазкирада келтирилади. У ҳақда Навоий ёзади: «Донишманд подшоҳ эрди, камолоти бағоят кўп эрди. Етти қироат била қуръони мажидни ёд билур эрди. Ҳайъат ва риёзийни хўб билур эрди. Андоқким Зиж битиди ва расад боғлади ва ҳоло анинг зижи арода шоеъдир. Бовужуди бу камолот гоҳи назмға майл қилур...» Шундан кейин Навоий Улуғбекнинг қуйидаги матлаъини келтиради:

Ҳарчанд мулки ҳусн ба зери нигини туст,  
Шўҳи макунки чашми бадон дар камини туст.

Мазмуни: Гарчи гўзаллик мулки қўл остингда бўлса-да, шўхлик қилмагилки, ёмонлар кўзи сени кузатиб турибди.

Навоий Улуғбек номи билан алоқадор адабиёт аҳлларида у билан бир ўқиган Мавлоно Муҳаммад Олим ва Улуғбек кўп илтифотлар кўргазган «фозил киши» бўлмиш Мавлоно Бадахшийлар ҳақида ҳам маълумот беради.



Алишер Навоийнинг «Мажолисун нафоис»и ўша давр бадий маҳсулотидан келтирилган қимматли иқтибослари ва шоирларга берилган ҳаққоний, объектив характеристикалари билан юксак аҳамият касб этган асардир. Бу тазкирада номлари келтирилган ижод аҳллариининг, жумладан самарқандлик кўп шоирларнинг асарлари бизгача етиб келмаган, бу жиҳатдан «Мажолисун нафоис» гоят муҳим манбадир.

<sup>3</sup> Шарқшунос олим Б. Аҳмедов «Миръобус сафо» муаллифи сўзларига асосланиб Давлатшоҳ Самарқандийни 900/1495 йилда вафот этган, деб ёзади. Қараңг: Б. Аҳмедов, Давлатшоҳ Самарқандий, 1967, 6-бет.

И. РАСУЛЕВ

## БИР СОСТАВЛИ ГАПЛАРНИНГ ГРАММАТИК ХУСУСИЯТЛАРИГА ДОИР

Гап структураси асосининг таркибига кўра содда гаплар бир составли ва икки составли гапларга бўлинади. Бир составли гаплар, икки составли гаплар каби гапнинг барча асосий логик-грамматик белгиларига эга. Гапнинг нисбий тугал фикрни ифода қилиши, предикативлик, интонацион бутунлик, сўз ёки сўзлар қўшилмасидан иборат бўлиши, қўшилмадаги сўзларнинг ўзаро грамматик алоқада бўлиши каби асосий белгилар икки составли гапларга қанчалик тааллуқли бўлса, бир составли гаплар учун ҳам шунчалик алоқадордир. Гапнинг абстракт характердаги синтактик система эканлиги, унинг негизда конкрет коммуникатив бирликлар ташкил топиши икки составли гаплар учун ҳам, бир составли гаплар учун ҳам умумийдир.

Одатда ҳар қандай гап ўз грамматик маъноси ва формасига эга бўлади. Синтактик майл ва замон категорияларининг ўзаро алоқаси билан ифода қилинадиган предикативлик гапнинг грамматик маъносини ташкил қиладики, бу синтактик индикативни синтактик ирреал майл категорияларига қарама-қарши қўйиш билан ифода қилинади. Синтактик индикатив синтактик замон категориясининг уч формаси (ўтган замон, ҳозирги замон, келаси замон)ни ўзида бирлаштиради, синтактик ирреал майл категорияси эса аниқлик, буйруқ-истак, шарт-истак майллари бирлаштиради. Гапда предикативликнинг ифодаланиши гап формасини ташкил қилади. Бу эса синтактик майл ҳамда замон формалари орқали рўёбга чиқади.

Одатда гапнинг предикативлик билан боғлиқ ҳолда турли формалар билан ўзгариш системаси гап парадигмасини, гап парадигмаси эса гап формасининг системасини ташкил қилади. Икки составли гаплар ҳам, бир составли гаплар ҳам ўз формасига эга бўлади.

Бир составли гаплар, икки составли гаплар каби, ўз структура асосига эга бўлиб, бу шу конструкциянинг гап бўлиб келиши учун зарур бўлган минимал формадир. Лекин икки составли гапларда объектив модаллик ва синтактик замон категорияларининг муносабати, яъни предикативликни икки бўлак — икки состав алоқасини ифода этса, бир составли гапларда бир бўлак — бир составни ўзи ифода қилади. Мана шу белги туфайли бир составли гаплар содда гапларнинг структурал классификациясида алоҳида типни ташкил қилади.

Бир составли гапларнинг структура асоси унинг бош бўлагини ташкил қилиб, эга ёки кесим вазифасида келиши мумкин. У қайси бўлак бўлиб келишидан қатъий назар, ўзига оид сўзлар билан кенгайиб келиб, маълум бир составни ташкил қилиши мумкин. Лекин бу шарт эмас: бир составли гап фақат бир бош бўлакнинг ўзидан ташкил топиши ҳам мумкин.

Бир составли гап структура асосининг табиати ҳақида тилшуносликда турли фикрлар баён қилинган.

А. А. Шахматов томонидан айтилиб, В. В. Виноградов томонидан қувватланган бир составли гапнинг бош бўлаги эга ҳам эмас, кесим ҳам эмас, психологик субъект ва предикатни ўзида бирлаштирган бўлак дейилган фикр<sup>1</sup> тилшуносликда анча кенг тарқалди ва бундай қараш туркологияда ҳам учрай бошлади<sup>2</sup>.

Бир составли гапларнинг бош бўлагини бундай изоҳлаш тилшуносларни гапнинг бош бўлагини синтактик анализ қилишдан маҳрум қилади. Агар биз бир составли гаплар бош бўлагининг синтактик табиатини синтактик анализ қилишдан воз кечсак, гапнинг иккинчи даражали бўлаклари табиатини ҳам ажрата олмай қолишимиз ўз-ўзидан аниқдир<sup>3</sup>. Бу вақтда синтаксис тил фактларини синтактик анализ қилишдан ожиз бўлиб қолади. Бугина эмас, жонли тил фактлари шуни кўрсатаднки, бир сўзнинг ўзида ҳеч қачон бир-бирига зид бўлган тушунча йиғиндисигина эмас, бир тушунчанинг турли синонимик оттенкалари ҳам ўз ифодасини топмайди. Шундай экан, бир составли гапнинг бош бўлаги субъект ва предикат тушунчасини ўзида бирлаштиради дейиш тил фактларига тўғри келмайди.

В. В. Виноградов бир составли гап бош бўлагининг табиати ҳақида фикр юритганда, А. А. Потебнянинг эга ва кесим тушунчаси ўзаро муносабатда бўлиб, улар бир-бирини тақозо қилади, деб айтган фикрини асосга олади. Бунда кесим йўқ жойда эга, эга йўқ жойда кесим бўлмайди, деган хулосага келинади<sup>4</sup>.

Бир составли гапни эга составидан ёки кесим составидан иборат дейиш гапнинг диалектик характерини инкор қилиш деб ҳам қайд қилинди. Кесим шунинг учун кесимки, у эгага муносабатдор, эга шунинг учун ҳам эгаки, у кесимга муносабатдор. Улар ўзаро боғлиқ. Шунинг учун бош бўлакларнинг бири бўлмаса, иккинчиси ҳам бўлмайди. Бир составли гап бош бўлагини ё эга, ё кесим дейиш уни тўлиқсиз гаплар қаторига киритади, деб қайд қилинади<sup>5</sup>. Эга ва кесимнинг муносабатдорлиги ҳақидаги таълим логика қонунларини тил қонунларига татбиқ қилиш деб қаралиши керак. Лекин тил фактларидан келиб чиқиб бўлса керак, В. В. Виноградовнинг ўзи шахсиз феъллар билан ифодаланган кесимнинг эга билан муносабатдор эмаслигини қайд қилади<sup>6</sup>. А. А. Потебнянинг ўзи эганинг гапда йўқолиши, шахсли гапнинг шахсиз гапга айланиш ҳолларини ҳам кўрсатади<sup>7</sup>.

Революциягача ва ундан кейин яшаган жуда кўп йирик рус тилшунос олимлари шахсиз гапларнинг бош бўлагини кесим деб қайд қилганлар. Бунда ҳеч қандай иккиланиш бўлмаган.

Ўзбек тили материаллари ҳам буни исботлайди. *Ҳамма нарсани топиб берадиган бўлишди. Аввал ўйла, кейин сўйла. Тинчлик*

<sup>1</sup> Қаранг: А. А. Шахматов, Синтаксис русского языка, Л., 1941, стр. 30; В. В. Виноградов, Синтаксис русского языка акад. А. А. Шахматова, «Вопросы синтаксиса русского языка», М., 1950, стр. 82; Грамматика русского языка, т. II, ч. I, М., 1954, стр. 73.

<sup>2</sup> Қаранг: З. И. Будагова, Простое предложение в современном азербайджанском языке, (АДД) Баку, 1963; А. Фулом, Содда гап, Тошкент, 1955, 90-бет; «Ўзбек адабий тили», II том (А. Ф. Абдурахмоновнинг умумий таҳрири остида), Тошкент, 1966, 9-бет; М. Мирзаев, С. Усмонов, И. Расулов, Ўзбек тили, Тошкент, 1962, 208-бет ва бошқалар.

<sup>3</sup> Қиёс қилинг: Е. М. Галкина-Федорук, Суждение и предложение, М., 1966, стр. 42.

<sup>4</sup> В. В. Виноградов, Синтаксис русского языка; А. А. Шахматов, Вопросы синтаксиса современного русского языка, М., 1950, стр. 108.

<sup>5</sup> С. Мельничук, Понятие предложения в советском языкознании, (АКД), Киев, 1952.

<sup>6</sup> «Грамматика русского языка», т. II, ч. I, М., 1954, стр. 73.

<sup>7</sup> А. А. Потебнянинг «Из записок по русской грамматике» асарига «Устранение подлежащего» деган боб ҳам бор.



*учун курашайлик* деган гапларнинг бош бўлаклари гапларнинг кесимидан фарқ қилмаслигини изоҳлашга эҳтиёж бўлмас. *Ойни этак билан ёпиб бўлмас. Бугун-эрта бушатишга тўғри келади. Вокзалга шу йўлдан борилади* каби гапларнинг бош бўлаклари ҳам морфологик ифодаланиш жиҳатидан икки составли гап кесимидан фарқ қилмайди.

Агар биз В. В. Виноградовнинг шахси аниқ, шахси ноаниқ, шахси умумлашган гапларнинг кесими икки составли гапларнинг феъл кесимидан унча функционал фарқ қилмаслиги ҳақидаги фикрини изчиллик билан ривожлантирсак, номинатив гапнинг ҳам икки составли гапга муносабатдор эканлигини пайқашимиз қийин эмас. Номинатив гаплар ҳам феъл кесимнинг қўшилиши билан кенгайиши мумкин. Е. М. Галкина-Федорук мана шу маънода «Весна. Весна наступила» деган мисолни келтиради<sup>8</sup>.

Буни ҳозирги ўзбек тили материалларида ҳам кўрсатиш мумкин: *Қиш. Ҳамма ёқни қор қоплаган, Баҳор. Ҳамма ёқдан атир гуллар ҳиди анқийди*. Бунда *қиш* ва *баҳор* сўзлари махсус интонация ёрдами билан предикативлик ифода қилиб, мустақил гап бўлиб келяпти. Бунда ҳам маълум ҳукм ифода қилинган. Лекин ҳукмнинг ҳар икки бўлаги алоҳида-алоҳида ифода этилмай, бир бўлаги эга орқали, иккинчи бўлагига эса махсус интонация — гап урғуси ҳамда кесим паузаси билан ифода қилиниб, объектив модаллик ва синтактик замон категорияларининг муносабатини ифода қилаяпти.

Ф. И. Буслаев ва Д. Н. Овсяннико-Куликовскийлар ҳам номинатив гап деб аталаётган гаплар ҳақида фикр юритганда (улар номинатив гап терминини қўлламаганлар), уларнинг шахсли гаплардан ҳосил бўлгани (феълнинг йўқолиши билан) ҳақида гапирадилар. Л. А. Булаховский ҳам шу фикрда бўлади. Унингча, номинатив гап шахсли гапларнинг қайта тугилиши, яъни унда кесимнинг йўқолиши билан ҳосил бўлади. Шундай бўлган бўлиши ҳам мумкин. Лекин тил тараққиётида номинатив гаплар мустақил ҳолда пайдо бўлган бўлиши ҳам мумкин.

Умуман, номинатив гапларнинг бош бўлаги ўзининг синтактик табиати билан икки составли гапларнинг эгасига ўхшайди. Икки составли гапларнинг эгаси номинатив гапларнинг бош бўлаги ҳам номинатив (бош) келишик формасида бўлади.

Бош келишик формасида келган сўз гапда кесим ҳам бўлиб келади. Лекин бу вақтда шақлан ифодаланмаган бўлса ҳам, боғламали бўлади: *Зулфия — ўқитувчи (дир)*. Номинатив гап бош бўлаги эса бундай хусусиятга эга эмас: Номинатив гап бош бўлаги боғлана олса, у феъл-гапга айланади: *Баҳор эди*. Демак, бир составли гап бош бўлагига феълдан ифодаланиб, гапнинг кесимини ташкил қилади. Бош бўлагига от ёки отлашган сўзлардан ифодаланган бир составли гаплар, тўғрироғи, номинатив гаплар бош бўлагининг табиати эса икки составли гаплар эгасининг табиатига мос келади. Шундай экан, бир составли гап таърифи ҳам мана шу асосга қурилиши керак.

Бир составли гап бош бўлагининг эга ёки кесим бўлиши бу тип гапларнинг ўзига хос асосий грамматик белгидир. Бундан ташқари, бир составли гаплар ўзларига хос бир қанча белгиларга эга. Булар дастлаб бир составли гапларда предикативликнинг ифодаланишида кўринади.

Икки составли гапларда предикативлик икки бош бўлак эга ва кесимнинг боғланиши орқали ифодаланади. Бир составли гапларда пре-

<sup>8</sup> Е. М. Галкина-Федорук, О двусоставных и односоставных предложениях в современном русском языке, НДВШ, Филологические науки, 1959, № 2.

дикативлик бир бўлак билан, шахси аниқ, шахси ноаниқ, шахси умумлашган, шахссиз деб аталган типларда майл, замон категориялари орқали, номинатив гапда эса гап урғуси ҳамда кесим паузаси орқали ифода қилинади.

Бир составли гаплар бош бўлагининг морфологик ифодаланиши жиҳатидан ҳам икки составли гаплардан фарқ қилади. Икки составли гапларнинг бош бўлакларидан эга ҳамма вақт бош келишик формасида келади, кесими эса феъл, от (кенг маънода) билан ифодаланади. Бир составли гапларнинг бош бўлаги эга бўлганда, икки составли гапларнинг эгаси каби бош келишик формасида келади. Демак, бу жиҳатдан икки составли ва бир составли гапларнинг эгалари ўртасида фарқ йўқ. Фарқ улар кесимларининг ифодаланишида: икки составли гапларнинг кесими феъл ёки от билан ифодаланади, бир составли гапнинг кесими бўлиб келган бош бўлак эса, асосан, феъллардан ифодаланади. Феълдан ифодаланган икки составли ва бир составли гапларнинг кесимлари ҳам бир-биридан фарқ қилади. Икки составли гапларнинг феъл кесими барча феъл формалари билан ифодаланиши мумкин. Бу жиҳатдан шахси аниқ бир составли гап деб номланувчи гапларнинг кесими икки составли гапнинг феъл кесимига, бошқа бир составли гап типларининг кесимига қараганда кўпроқ ўхшайди: шахси аниқ гапларнинг кесими ҳам биринчи шахсга оид бўлганда деярли ҳамма феъл формалари билан ифодаланиши мумкин, иккинчи шахс формаси эса кўпроқ буйруқ майлининг иккинчи шахс формаси билан ифодаланади. Бу жиҳатдан шахси аниқ гапларнинг кесими икки составли гапларнинг кесимидан фарқ қилади.

Шахси ноаниқ, шахси умумлашган, шахссиз деб номланувчи бир составли гапларнинг кесимлари ҳам икки составли гапларнинг кесимларидан ифодаланиш доирасининг торлиги билан фарқ қилади. Шахси ноаниқ гапнинг кесими феълнинг III шахс формаси билан, шахси умумлашган гапларнинг кесими эса, асосан, феълнинг буйруқ майли формаси билан ифодаланади. Шахссиз гап деб номланувчи гапларнинг феъл билан ифодаланган кесими эса конкрет шахсни ифода этмайди. Умуман, шахссиз гапнинг феъл билан ифодаланган кесимида грамматик шахс тушунчаси чегаралангандир. Улар фақат шаклан феъл майларининг IV шахс формасига ўхшайди.

Бир составли гаплар коммуникатив функционал жиҳатдан дарак гап ҳам, сўроқ гап ҳам, буйруқ гап ҳам бўлиб келиши мумкин. Лекин сўроқ гап бўлиб келиши жуда кам учрайди. Аммо уларни, баъзи адабиётларда учраганидек<sup>9</sup>, дарак, сўроқ, буйруқ, бир составли гаплар деб тасниф қилишни оқлаб бўлмайди. Гапларнинг ифода мақсадига кўра классификацияси икки составли гаплар учун ҳам, бир составли гаплар учун ҳам умумийдир.

Бир составли гапларда фикр икки составли гапларда бўлгани каби, тасдиқ ёки инкор формасида бўлиши мумкин. Лекин бу бош бўлагини кесим бўлган бир составли гаплар учун характерлидир. Номинатив гаплар инкор формасида бўлмайди. Агар улар инкор мазмунини ифода қилсалар, ўз структурасини ўзгартади.

Бир составли гаплар ўзининг одатдаги структураси билан тўлиқдир. Лекин нутқда, контекст ва ситуацияга кўра, тўлиқсиз бўлиши, яъни зарур бўлаклардан биронтаси тушиб қолиши ҳам мумкин. Бу кўпроқ, диалогик нутқда учрайди. Бу тўлиқлик ёки тўлиқсизлик умумий пландадир. Номинатив гап типдаги гапларни тўлиқсиз деб ҳисоблаш логик қонунларни грамматикага татбиқ қилишдир.

<sup>9</sup> Қараг: Л. А. Вяетенко, Номинативные предложения в современном украинском литературном языке, Автореферат кандидатской диссертации, Киев, 1958.

Бир составли гаплар икки составли гаплардан эмоционаллик ва стилистик қўлланиши билан ҳам фарқ қилиб туради. Бир составли гапларга сиққиқлик, лўндалик, қисқалик хос бўлиб, бу фикрнинг тезда нишонга тегиш имконини беради. Бир составли гаплар ифоданинг жонли, тасвирий, бўлишини таъминлайди. Мана шунинг учун ҳам улар кўпроқ эмоционаллик тусига эга бўлади. Бир составли гапларнинг кўпинча ундов шаклида бўлишини ҳам шу билан изоҳлаш мумкин.

Одатда пауза икки составли гапларнинг эга ва кесим составига ажраллинини кўрсатади: гапнинг эга ва кесим состави ўртасида қисқа пауза бўлади. Лекин бу бир составли гаплар учун хос эмас.

Хулоса: структура асоси бир составдан — эга состави ёки кесим составидан ташкил топган гаплар бир составли гапларни ташкил қилади; бир составли гапларда ифода қилинган предикативлик уларнинг грамматик маъноси бўлиб, майл ва замон категориялари орқали ифода қилинади; предикативлик гапда ифода қилинган мазмуннинг борлиққа муносабатини ифода қилиши билан гапни шакллантирувчи грамматик ҳодисадир; бир составли гаплар ўзида ифода қилинган фикр, қўлланиш шароити, эмоционаллик, стилистик қўлланиши, бош бўлақларининг морфологик ифодаланиши жиҳатидан ҳам ўзига хос хусусиятларга эгадир.

## ЖАЖЖИ ТАДҚИҚОТ

### Устоздан ўрганиб

Ўзбек классик адабиётида улуғ шоир Алишер Навоидан ўрганмаган унинг шеърийат чашмасидан баҳраманд бўлмаган, таъсирланмаган бирор шоир йўқ десак муболаға бўлмас.

XIX асрнинг иккинчи ярми, XX аср бошларида ижод этган ўзбек демократ шоирлари ҳам Алишер Навоийни ўзларига ғойибона уютов ва мураббий деб билдилар, асарларидан баҳраманд бўлдилар.

Маълумки, Алишер Навоий халқ билан ҳаёт бўлган, унинг ғамига—ғамнок, аламга—аламмон, шодлигига шерик, дардига малҳам бўлган. Мамлакат ободонлиги тўғрисида қайгурган, эл бахту саодатли, фаровон бўлишини, жамиятда адолат ва тинчлик ўрнатилишини истаган ва буларни амалга ошириш учун курашган, асарлар ёзган.

Демократ адибларимиз улуғ мутафаккирнинг бу ғояларини янги тарихий шароитда давом эттирдилар, ривожлантирдилар, янги социал мазмун билан бойитдилар. Бунинг учун улар турли усуллардан фойдаландилар.

Муқимий, Фурқат, Камий, Мискин, Васлий каби шоирлар устознинг ғазалларига ўйлаб назира ва ўхшатмалар ёзиб, мухаммаслар боғлаб, ношир-шоирлар эса девонларини, дostonларини қайта-қайта чоп эттириб, бу улуғ зотга бўлган меҳру муҳаббатларини, ҳурматларини изҳор этдилар. Тошкентнинг «донг таратган» ношир-шоирларидан Сайидхайбатуллоҳўжа Сайидорифхўжа ўгли Хислат (1880—1945) Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» дostonини 1326 йил ҳижрийда (1906 й.) қисқартириб насрий йўл билан қайта ишлаб чиқди

ва ўзи чоп эттирди. Асарнинг биринчи саҳифасида ушбу маълумот берилган:

«Фарҳод ва Ширин» ҳикоясини интиҳоблаб, тасвирлик қилиб эҳтимом кўргузгучи Мулла Сайидхайбатуллоҳўжа мутахаллус ба Хислат бинни Сайидорифхўжа эшон дар вилояти Тошканд».

Бу насрий дoston 63 саҳифадан иборат бўлиб, унинг ғоявий мазмунини акс эттирган 12 та расм билан безатилган. Расмларни шоир Шавкат Искандарий (1882—1934) чизган. Алишер Навоий асарларининг мафтуни бўлган Хислат яна 1328 йил ҳижрийда (1908 й.) улуғ мураббийнинг «Лайли ва Мажнун» асарини қисқартириб насрда қайта ишлаб, ўзи чоп эттирди. Бу тўғрисида шоир ёзади:

«Лайли ва Мажнун» ҳикоясини интиҳоблаб, тасвирлик қилиб эҳтимом қилгучи... Хислат... Тошкандий».

Дoston 48 саҳифадан иборат бўлиб, унга Шавкатнинг 11 та иллюстрацияси ҳам илова қилинган. Икки дoston тўғрисида «Армуғони Хислат» (Т., 1912 й.) нинг деб-бачасида ушбулар ёзилган:

...Яна қиссаи «Фарҳоду Ширин».

Ҳаммага маълум шуҳратидур чин.

...Анинг орқасидан бас, «Лайли

Мажнун

Ки, қилдим қиссасин чоп, ютуб хун.  
Алишер Навоий асарларининг ўша даврда ҳам қайта-қайта чоп этилиши, халқ орасида севиб ўқилиши, устоз ижодида бўлган қизиқиш Октябрь инқилобидан аввал ҳам кучли эканлигидан бир далилдир.

АКБАР МАТҒОЗИЕВ

## АНИҚЛОВЧИ ЭРГАШ ГАПЛАР ТАРИХИГА ДОИР

Ўзбек тили синтактик қурилишининг тарихий тараққиёти масаласи ўзбек тилшунослигида кам ўрганилган соҳалардан биридир. Кейинги йилларда мазкур соҳа бўйича проф. Ғ. А. Абдураҳмонов кенг қўламда илмий тадқиқот олиб бормоқда<sup>1</sup>. Шунингдек, маълум бир асарнинг синтактик хусусиятлари ёки бирор синтактик категориянинг тарихий тараққиётига оид айрим ишлар яратилган<sup>2</sup>. Биз ҳам ушбу мақоламизда ўзбек тили тарихий синтаксисининг кичик бир мавзуи — аниқловчи эргаш гапларнинг тарихига доир баъзи мулоҳазаларимизни баён қилмоқчимиз.

Қадимги ва эски туркий тиллардаги аниқловчи эргаш гапли қўшма гаплар<sup>3</sup> қуйидаги хусусиятларга эга:

1. Қўшма гап компонентлари асосан *ким* боғловчиси ёрдамида бириктириб, уларда нисбий сўзлар жуда оз қўлланади.

2. Эргаш гап асосан бош гапнинг ўртасида, баъзан эса унинг охирида келади. Мисол: оғшайурсэн йалаңуқ оғлы ол инәккә, ким ырақтын ўнтади өз бузағусыңа, ким азып бармыш эрди<sup>4</sup> — *сен, инсон боласи, қочиб кетган бузоғига узоқдан бақирган сизирга ўхшайсан*. Бу гапда иккита аниқловчи эргаш гап бўлиб, учинчи гап иккинчи гапни ва улар биргаликда биринчи гапни изоҳлайди.

3. Эргаш гап кўпинча бош гапдаги бирор предметни ифодаловчи бўлакнинг маъносини изоҳлайди ва ўша бўлақдан кейин келади. Масалан: Ул йол ким, Хизр, Илийās андын сўв ичәр эрдиләр, қурыды. (ҚА, 128<sup>а</sup>). Бу гапда «Хизр, Илийās андын сўв ичәр эрдиләр» аниқловчи эргаш гап бош гапнинг эгаси (йол)нинг маъносини изоҳлаб келган.

XV—XVI асрлар эски ўзбек тилида аниқловчи эргаш гапли қўшма гапларнинг қўлланиш доираси анча кенгайди. Бу даврга келиб қўшма гап компонентларини бириктиришда *ким* боғловчиси билан бир-

<sup>1</sup> Қаранг: Ғ. А. Абдураҳмонов. Қўшма гапларнинг тарихий тараққиёти ҳақида, «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари», 1960, 2-сон; «Урхун ёдноmaları тилида қўшма гап конструкциялари», «Исследования по грамматике и лексике тюркских языков», Тошкент, 1965; «Исследование по старотюркскому синтаксису (XI век)», Изд-во «Наука», М., 1967.

<sup>2</sup> Қаранг: A. Vov Gaben, Alttürkische Grammatik, Leipzig, 1950; А. И. Абражеев, Сложное предложение (гипотаксис) в прозе «Киссасул-анбия» Рабгузи — писателя XIV века, «Труды УзГУ», вып. 73, Самарқанд, 1957; А. Рустамов, Алишер Навоийнинг «Маҳбул-қуллуб» асаридаги баъзи бир грамматик хусусиятлар (кандидатлик диссертацияси). Тошкент, 1957; А. М. Шербак, Грамматика староузбекского языка, М.—Л., 1962, стр. 211—222; Х. Назрова, Эски ўзбек ёзма ёдгорликларида кўчирма гапларнинг қўлланилиши, Тошкент, 1959.

<sup>3</sup> Бу ўринда гап фақат аналитик типдаги аниқловчи эргаш гаплар хусусида боради. Кесими сифатдош ёки *бор* ва *йўқ* сўзларидан ифодаланган синтетик типдаги аниқловчи эргаш гапларга тўхталмадик.

<sup>4</sup> А. Ғабээн, Қўрсатилган асар, 264-бет.

га ки ҳам параллел қўллана бошлайди. Шунингдек, бош ва эргаш гапларни ўзаро бириктиришда нисбий сўзлар ҳам катта роль ўйнаган.

Эски ўзбек тилидаги аниқловчи эргаш гаплар мазмуни ва қўлланиш хусусияти жиҳатидан уч кўринишга эга: изоҳлаш, конкретлаштириш ва таъкидлаш маъносидagi аниқловчи эргаш гаплар.

I. **Изоҳлаш** маносидаги аниқловчи эргаш гаплар бош гапдаги бирор нарса, воқеа-ҳодисанинг белги-хусусиятини изоҳлаш, эслатиш мақсадида қўлланади. Улар кўпинча бош гапнинг ўртасида келади ва мазмун жиҳатидан киритма гапларга ўхшаб кетади. Масалан: Анам бирлэ йана икки заъифа ки, бири Бэчкэ Халифа йана бири Минлўк Көкэлташ эди, шайхзада дарвāзасидан чықтўк («Бобирнома», 1857).

Бу типдаги эргаш гаплар кўпинча бош гапнинг эгасига боғланиб, унинг маъносини изоҳлайди. Боғловчи ўша изоҳланмиш бўлакка қўшилади. Масалан: Дарйāниң айрылур йолы ки, айтыб эдиңизлэр, ушбу болгай («Бобирнома»). Бу мисолда «айтыб эдиңизлэр» гапи бош гапнинг эгаси (йолы)нинг маъносини изоҳлаб келган.

Баъзан изоҳловчи эргаш гаплар бош гапдаги предметни ифодаловчи бирор иккинчи даражали бўлакнинг маъносини изоҳлаш учун қўлланади. Мисоллар: Саиң имāратлар ким, атам йасаб эди, анда тўштўм («Бобирнома»). Аның ким, шāхларга хыдматы көбрэк, қорқунчы көбрэк («Маҳбул қулуб», 1948). Бу гапларнинг биринчисида эргаш гап бош гапдаги ҳолнинг, иккинчисида қаратқич аниқловчининг маъносини изоҳлаб келган.

Изоҳлаш маъносидagi эргаш гапли қўшма гаплар ўзбек тили тарихидаги энг қадимги конструкциялар бўлиб, улар қадимги ва эски туркий тилларда ҳам кенг қўлланган.

II. **Конкретлаштириш** маъносидagi аниқловчи эргаш гаплар қуйидаги хусусиятлари билан изоҳлаш маъносидagi эргаш гаплардан фарқ қилади:

1. Конкретлаштириш маъносидagi эргаш гаплар доимо бош гапдан кейин келади. Масалан: Қāбилдин бир кўндэ андақ йэргэ йэтсэ болур ким, ҳаргиз қар йағмас («Бобирнома»).

2. *Ки/ким* боғловчилари бош гапнинг кесимига қўшилади. Масалан: Бир улуг арығ ўчрāди ким, ҳар йэридин этиб болмас («Бобирнома»).

3. Бу типдаги аниқловчи эргаш гап билан бош гапни бириктиришда боғловчилардан ташқари турли қўшимча воситалар ҳам иштирок этади. Бу воситалар бош гап составида бўлиб, эргаш гап уларнинг маъносини конкретлаштириш учун хизмат қилади. Булар:

а) *бул, шул, ул, мундоқ, андоқ* каби олмошлар.

Мисоллар:

Мэн ул гўлмэн ким, баргим йэрдэ қалмас («Даҳнома»).

Ҳэч андақ иш зāдир болмады ким, битимэккэ лайық

болгай («Бобирнома»).

б) *бир, Бир навъ* каби сўзлар. Мисоллар: *Бир* улуг арығ ўчрāди ким, ҳар йэридин этиб болмас («Бобирнома»). *Бир навъ* лāлэ болур ким, эндэк-эндэк қызыл гўлннң иди кэлўр («Бобирнома»).

в) форсча ноаниқлик артикли (ейи ишорат). Мисол: Вафā... наргисидўрки, давран чаманыға көз салмайдур («Маҳбул қулуб»).

Баъзан бош гапда юқоридаги воситаларнинг ҳеч бири бўлмайди. Ҳар иккала компонент фақат *ки/ким* боғловчилари ёрдамида бирикади. Масалан: Сөз бар ким, эшитгўчи таныға жан кийўрўр ва сөз бар ким, айтқучы башын йэлгэ бэрўр («Маҳбул қулуб»).

Ўзбек тили тарихида конкретлаштириш маъносидagi аниқловчи эргаш гапларнинг яна шундай кўриниши ҳам борки, улар бош гапга *яғни* боғловчиси ёрдамида боғланади. Булар икки хил бўлади:

а) эргаш гап бош гапнинг бутун мазмунини конкретлаштириш учун хизмат қилади. Масалан: Афғанлар урушмақдын аъжиз болса, ғанимларының аллында от тишлэл кэлүр эмиш, йаъни мэн сэнни уйундир мэн дэгэн эмиш («Бобирнома»).

б) эргаш гап бош гапдаги бирор бўлакнинг маъносини конкретлаштириш учун қўлланади. Масалан:

Ким Сулаймани заман анда эди, йаъниким ҳазрат хан анда эди («Шайбонийнома»).

III. Таъкидлаш маъносидаги аниқловчи эргаш гапларда олдин бўлиб ўтган ёки энди бўладиган воқеа-ҳодисалар, фактлар эслатилади, таъкидланади. Бундай гаплар бош гапга *ким, натакким, нечукким* каби боғловчилар ёрдамида бирикади. Мисоллар: Ва йана нэ чағлық фитна-у фасад андын зâҳир болуб эрди *ки*, мундын бурун мазкур болубтур («Бобирнома»). Инâйат ва тарбийат ҳам қылдым, нэчүкким мазкур болғусыдур («Бобирнома»).

XVII—XIX асрнинг биринчи ярмида ўзбек тилида ҳам изоҳлаш ва конкретлаштириш маъносидаги аниқловчи эргаш гаплар кенг қўлланган. Мисоллар: Бир нэчэ эллэр ким, Оғузхан анга ат қойуб эдүк, Оғузхан наслиндин эрмэслэр («Шажараи тарокима»). Андын сонра Абу Али анасы ким, аты Саййада Бану эрди, Бухара шаҳрыга кэлди («Бадоеул-вақое»). Аммо Бойўглининг бир қизи бор эрдик, меҳри ҳовари юзига банда эрди (Гулханий). Ул киши ким, арықлар қаздуруб сўв чықарды, ул эрди («Фирдавсул иқбол»).

Бу давр ёдгорликлари тилида таъкидлаш маъносидаги эргаш гаплар деярли учрамайди. XIX асрнинг охирларига келиб изоҳлаш маъносидаги эргаш гаплар истеъмолдан чиқа бошлайди. Аксинча конкретлаштириш маъносидаги эргаш гапларнинг қўлланиш доираси анча кенгайди. Ҳозирги ўзбек тилида бундай конструкциялар жуда кўп учрайди<sup>5</sup>.

<sup>5</sup> Қаранг: «Ҳозирги ўзбек адабий тили», II, Синтаксис, «Фан» нашриёти, Тошкент, 1966, 420—423-бетлар.

М. РАҲМОНОВ

**ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП КОНСТРУКЦИЯЛАРИ**  
(«Туркистон вилояти» газетаси материаллари асосида)

XIX аср ўзбек адабий тили ўз хусусиятлари билан, бир томондан эски ўзбек тилининг сўнги даври бўлса, иккинчидан, бу давр тили ҳозирги ўзбек тилига ҳам яқинлашади. Бу давр тилида эски ўзбек тилига хос грамматик формалар билан бирга, эски ўзбек тилида учрамайдиган, аммо ҳозирги ўзбек тилида кенг қўлланаётган айрим янги воситалар ҳам учрайди, шунингдек, бу давр тилида халқ сўзлашув тилига оид баъзи формаларни ҳам кўриш мумкин.

Халқ сўзлашув тилига яқинлашиш тенденцияси «Туркистон вилоятининг газети» тилида, айниқса, кўзга яққол ташланади<sup>1</sup>. Бу газетанинг тили ўз хусусиятига кўра эски ўзбек тили билан ҳозирги ўзбек тилини туташтириб турувчи восита вазифасини бажаради.

«Туркистон вилоятининг газети» Туркистонда чиқадиган русча газетанинг ўзбекча варианты бўлиб, айрим конструкциялар рус тилидан ўзбек тилига ва, аксинча, ўзбек тилидан рус тилига таржима қилиниб борган. Шунинг натижасида газета тилида турли-туман шакланган конструкцияларни учратиш мумкин.

Биз бу мақолада мазкур газета тилидаги эргаш гапли қўшма гап конструкциялари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида баъзи мулоҳазаларни баён қиламиз.

Эргаш гапли қўшма гаплар қўшма гапнинг бошқа турлари каби узоқ тараққиёт тарихини бошидан кечирди. Ҳозир эргаш гапли қўшма гап конструкцияларининг газета тилидаги кўринишлари ва уларни боғловчи воситалар қуйидаги хусусиятлари билан характерланади.

Газета тилида *аниқловчи эргаш гапни* бош гапга боғлаш учун шарт феъли формаси ҳамда *-ки (-ким)* воситалари иштирок этган. Шарт феъли формасида бош гапга боғланган аниқловчи эргаш гапларнинг эргаш гап қисмида *ҳар ким, ҳар киши, кимики, қайси* каби нисбий олмошлар иштирок этиб, бош гап таркибида аниқловчи вазифасидаги *андоғ* олмоши қўлланган. *-Ки (-ким)* воситасида бош гапга биринкан аниқловчи эргаш гапларда эса бош гап таркибида аниқловчи вазифасидаги *бир, бир навъ, ажаб, баъзан, шундоғ* каби сўзлар қўлланади. Масалан: Мухити азимда *бир навъ* маҳлуқ боладурким, балықға охшаб сўвның ичидә маншат қыладур (1874, 16 май). Газета тилида *-ки (-ким)* боғловчилари воситасида тузилган аниқловчи эргаш гапларда бу боғловчи бош гап таркибидаги кесимга боғланмай, аниқловчи аниқлаб келаётган бўлакка қўшилиб ҳам кела олган: Амир Алишерның тўркий деванлариким, Навий лақабдур (1891, 10-сон).

<sup>1</sup> «Туркистон вилоятининг газети» Туркистон генерал губернаторининг махсус буйруғи билан Тошкент шаҳрида 1870 йил 28 апрелдан то 1917 йилнинг бошларигача чиқиб борган.

Аниқловчи эргаш гапнинг махсус типини ташкил қилувчи конструкциялар ҳам борки, улар газета тилида кенг учрайди. Бундай гапларда *деган* боғловчиси ҳамда кесими *бор, йўқ* ва айрим кесим вази-фасидаги сифатлар иштирок этади. Бундай гаплар ҳозирги ўзбек тилидаги конструкциялардан фарқ қилмайди. Шуниси характерлики, газета тилида аниқловчи эргаш гапни бош гапга боғлаш учун *деб, демоқ* каби воситалар ҳам кенг қўлланган. Аниқловчи эргаш гапнинг бу турида бош гап таркибида *-ки (-ким)* боғловчиси бўлиб, эргаш гап охирида *деб, демоқ* воситалари келтирилади. *Деб, демоқ* воситаси билан боғланган бундай конструкциялар бевосита халқ сўзлашув тили таъсирида бўлган ва бу хил гаплар ҳозирги ўзбек тилида учрамайди, улар ҳозирги тилдаги *деган* воситасида тузилган эргаш гапларнинг бир тури — синонимик варианты бўлиб ҳисобланади: Хабар бәрдуқим, бу ҳаракят Руссийанан сайби ва тарадуди натижасидин *деб* (1914, 5,3). Ҳозирги ўзбек тилида бу хил конструкциялар *деган* воситасида берилади ва бош гап иккинчи ўринда келтирилади.

Газета тилида тўлдирувчи эргаш гапни бош гапга боғлаш учун шарт феъли қўшимчаси *-са* ҳамда *-ки (-ким)* воситаси қўлланган. Шарт феъли қўшимчаси ёрдамида боғланган тўлдирувчи эргаш гапларнинг эргаш гапи таркибида *ҳар ким, ҳар киши, кимки* каби олмошлар бўлиб, бош гап таркибида тўлдирувчи вази-фасидаги *анга, ани* каби сўзлар туради. Бундай конструкциялар ҳам ҳозирги ўзбек тилидан фарқ этмайди. Аммо бош гап таркибидаги *ани, анга* каби сўзлар ҳозирги тилда *уни, унга* тарзида қўлланади.

*Ки (-ким)* боғловчилари воситасида бириккан тўлдирувчи эргаш гапларда бош гап биринчи ўринда келиб, эргаш гап бош гап таркибидаги тўлдирувчи функциясидаги олмошнинг маъносини очади. Газета тилида тўлдирувчи вази-фасида бўлган бу хил олмошлар кўп ўринда қўлланмайди: Корадўрларким, ул заифа бэхуш болуб йықылыбдур (1874, 11 октябрь). Баъзан тўлдирувчи эргаш гаплар бош гапдан кейин келади. Бундай ҳолда эргаш гап охирида *деб*, бош гап таркибида *-ки (-ким)* боғловчилари туради. Тўлдирувчи эргаш гапнинг бу тури газета тилида кенг қўлланганки, бу ҳол жонли тилининг таъсири билан изоҳланади: Адамлардин илтимас қыламизким, гәзет муалифига ўч сом саксан тийин йубарсунлар *деб* (1894, 3-сон). Бу хил тўлдирувчи эргаш гапларда баъзан бош гап таркибидаги *-ки (-ким)* боғловчиси қўлланмаса, айрим ҳолларда эргаш гап таркибидаги *деб* воситаси туширилиши ҳам мумкин. Бундай вақтда эргаш гап бош гапдан кейин берилади ва бош гапнинг мазмуни биринчи планга ўтади: Вағнир айтадурки, хан қырқ йашда, оэлари көзгә йаш көрүнәдүр (1870,1-сон).

Айрим текширувчилар бу хил конструкцияларни ўзлаштира гапга киритадилар<sup>2</sup>. Бу типдаги гапларда эргаш ва бош гаплар орасидаги семантик-грамматик муносабат, уларнинг ўринлашиши ҳам катта аҳамиятга эга бўлади. Шунинг учун бу хил гапларни тўлдирувчи эргаш гап турида текширишга тўғри келади. Юқоридаги гаплар газета тилида турли форма ва вариантларда қўлланган бўлиб, бу халқ сўзлашув тили билан ёзма адабий тил орасидаги фарқнинг сезилмас даражада эканлигини кўрсатади.

Тўлдирувчи эргаш гап бош гапга *деб* воситаси ёрдамида ҳам бириккан. Аммо тўлдирувчи эргаш гапнинг бу тури ҳозирги ўзбек тилидан деярли фарқ этмайди. Раҳ — ролардин муның Ташкәнддә хатүни барму *деб* савал вә тафтиш қылыб эрдүк (1875,19 март). Тўлдирувчи

<sup>2</sup> А. Рустамов, Ўзбек тилидаги *-ки (-ким)* боғловчисининг синтактик вази-фаси. «Урта Осиё Давлат университетининг илмий асарлари», Тошкент, 1957, 185-бет.



эргаш гапли қўшма гапнинг бу хил типни ва унинг қўлланиш доираси ҳозирги тилга келиб кенгайди.

Газета тилида **эга эргаш гапни** бош гапга боғлаш учун асосан *-са, -ки (ким)* воситалари қўлланган. Шуниси характерлики, *-са, -ки (-ким)* воситалари ёрдамида ташкил топган эга эргаш гапларнинг бош гапи таркибидаги эга вазифасида бўлган олмошлар деярли кам қўлланган: Маълум болдики, ани икки хатуни Ташкандда бәр экан (1875, 19 март). Бош гап таркибидаги эга вазифасида бўлган олмошлар айрим ҳолларда қўлланиши ҳам мумкин. Бундай ҳол кўпроқ асосий диққат эгага қаратилиб, фикр жонсиз предметлар устида кетганда рўй берган. (Аммо газета тилидаги бундай ҳол жуда сийрак ҳодиса): Худā нимāни хāхласа, *шул* болур (1914, 20, 2).

Юқоридаги эга эргаш гапларнинг бош гапи таркибида қўлланаётган эга вазифасидаги олмошлар эски ўзбек тили ёзма ёдгорликларида жўринмайди. У эга эргаш гаплар таркибида газета тилида учрайди. Ҳозирги тилда эса бу хил олмошларнинг эга эргаш гаплар таркибида турли формаларда қўлланиши кенгайди.

Газета тилида **кесим эргаш гапнинг** бош гапида эски ўзбек тилида кесим вазифасида кенг қўлланган, аммо ҳозирги ўзбек тилида учрамайдиган *улки, анбағки* каби сўзлар билан бирга, эски ўзбек тилида истемол доираси кам бўлган ёки айрим манбаларда бутунлай учрамайдиган *шулки, шулким, қандайки, булки, шул эканки, шундағки* каби олмошлар ҳам кенг қўллана бошлаган: Ул замāндағиларның билмаганларига баис улким, йер йўзиның ақсарин сўв басгандур (1875, 8 июль).

Газета тилида пайт эргаш гапни бош гапга боғлаш учун сифатдошнинг *-ган* формаси етакчи ролни ўйнайди (ҳозирги тилга келиб, унинг истемол доираси кенгайган).

1. Сифатдошнинг бу формаси ўрин-пайт ва чиқиш келишиги ҳамда *буйан, бэри, сөн, сөңра, бурун, кэйин, илгари* каби кўмакчи ва равишлар билан бирга келиб, пайт эргаш гапни бош гапга боғлашда кенг қўлланган. Бундай пайт эргаш гапларда эргаш гапдаги воқеа-ҳодиса аввал, бош гапдаги ҳаракат-ҳолат ундан кейин рўёбга чиқади: Тўркистан генерал губернаторлиғ мансабини адā қыла башлаганимдан бэри, меңа ҳар хил нāмсиз āризāләр вā маълумнāмалар туша башлади (1916, 49-сон). Шуниси ҳам борки, юқоридаги воситалар ёрдамида бириккан пайт эргаш гапларда оғзаки нутқ, жонли сўзлашув тилининг таъсири билан сифатдошдан кейин келишик қўшимчаси қўлланмаслиги ҳам мумкин: Бир нечā вақт *отгāн сөң*, мазкур савдāгārләр хайāl вā андиша қылыб маслаҳат айлабдурлар (1875, 25 сентябрь).

2. «Туркистон вилоятининг газети» тилида *вақт, замāн, сāйт, кун, дақиқа* каби сўзлар сифатдошга қўшилиб, пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида кела олган. Бундай пайт эргаш гапларда ҳам келишик қўшимчаси оғзаки нутқ таъсирида туширилади: Ул қышлāқларга киргāн заманлари, нэмәтс қаравулары ҳар хил асбāбларни фуқарāлардын тārтиб āлибдурлар (1914, 23-сон).

3. Газета тилида пайт эргаш гапларда пайт мазмунини янада таъкидлаш, эргаш гапга алоҳида аҳамият бериш ниятида гап бошида *қачāнки, вақтэки, замāнэки* каби пайт мазмунини билдирувчи сўзлар ҳам қўлланган. Пайт эргаш гапнинг бу тури бош гапга сифатдош билан бирикиб келган *ҳолда* сўзи ёки *-са* воситаси ёрдамида бириккан. Бу хил пайт эргаш гапларда баъзан эргаш гап кесими сифатдош ёки бошқа қўшимчалардан ифодаланмай, мустақил формада бўлиши ҳам мумкин: *Қачāнким* Фаранстандин Колумб нāм дāнишмāнд мāзкўр иқлымни тāпиб маълум қылган *хāлда*, мардумлари āдамиятдин бэхабар хайвāн кāби қызыл ранлик хиндулар экāнләр (1893, 33-сон).

4. Газета тилида пайт эргаш гапни бош гапга боғлаш учун равишдошнинг *-гунча, -ганича, -гунча, -гач, -қач, -й, -иб* каби формалари ҳам кенг қўлланган. Тян атқач, йолда сўвсизликдин ҳалак болурмиз (1875, 25-сон).

5. Пайт эргаш гап бош гапга *-ки (-ким)* боғловчиси орқали бирикади. Бундай вақтда бош гап биринчи ўринда келиб, *-ки (-ким)* боғловчиси эргаш гап таркибида бўлади. Айрим ҳолларда эса эргаш гап иккинчи ўринда берилиб, *-ки (-ким)* боғловчилари бош гап таркибида бўлиши ҳам мумкин: Мардумларни бошатиш шул вақтда мумкин боладурким, агар иш қылыб турган саллатларни ва мардикарларни орныга башқа мардикарлар келадурган болса (1916, 48-сон)

Шуниси характерлики, Навоий ва Бобир асарлари тилида ва ундан кейинги ўзбек тилида учрамайдиган сифатдошнинг қадимий формаси *-дук* ҳам газета тилида келишиқ қўшимчаси билан бирга пайт ва сабаб эргаш гапларни бош гапга боғлаш учун хизмат этган. Бироқ *-дук* формасининг истемол доираси газета тилида жуда тор бўлган, шу даврдаги бошқа манбаларда эса мутлақо учрамади: ... файдали қағазларини гарав алиб қарзга ақча бердүкдә... (1875, 19 май).

**Сабаб эргаш гаплар** бош гапдан англашилган мазмуннинг қандай рўй бериш ёки бермаслигига кўра икки группани ташкил қилади. Биринчи тип сабаб эргаш гапларда сабаб-натижа муносабати ифодаланган бўлса, иккинчи тип сабаб эргаш гапларда сабаб-изоҳ муносабати англашилган бўлади.

«Туркистон вилоятининг газети» тилида сабаб эргаш гапни бош гапга боғлаш учун *важҳдин, ўчўн, чўнки, чўн, чўнким, аниқ ўчўн, аниқ ўчўнким, аниқ чўн, шунин ўчўн, шунин ўчўнким, негаким, нимага, наинки, деб, нечукким, нэчукки, -ки, ким, кўра, шул сабабдин, шул сабабли, зэрәки -й, -иб* каби воситалар иштирок этган. Юқоридаги боғловчи воситасидаги сўзлардан: *ўчўн, важҳдин, кўра, сабабдин, сабабли* кабилар сифатдош қўшимчаси билан бирга сабаб эргаш гапни бош гапга боғлайди. Бундай гапларда сабаб-натижа муносабати ифодаланган бўлиб, бош гап эргаш гапдан англашилган мазмуннинг сабаб-натижасини кўрсатади.

Шуниси характерлики, *учун* кўмакчиси билан қўлланган сифатдош ёки кесим вазифасидаги айрим сўзлар таркибида оғзаки нутқ таъсири билан *-лик* ясовчиси ва эгалик қўшимчаси кўп ўринда қўлланмайди. Шор бўлақ билан жийдаликини арасыда қандым дарахт *бар ўчўн* ушбу ортани қандым дэмақ билан мавсум қылыбдурлар (1875, 10-сон). Сабаб эргаш гап кесими *-лик* ясовчиси ва чиқиш келишинини олган сифатдош ёки бошқа сўзлардан бўлиши ҳам мумкин: Нэметс аскәрлари көпликдин, Фараңлар кэингә кетибдурлар (1914, 64-сон). Газета тилида сабаб эргаш гапнинг боғловчи вазифасига кўчган *деб* орқали ва равишдошнинг *-й, -иб* формалари воситасида бош гапга боғланган тури ва унинг истемол доираси жуда кенг қўлланган. Бу хил гапларда сабаб-натижа маъноси бўлиб, айрим ўринларда бош гап таркибида «*шундәқ сабаб билан*» бирикмаси ҳам келтирилади: Алар ҳеч бир тарафдин хабар алишәлмай, тәлән-тараж болмасмукин *деб*, хавф қылыб аскәрләри бөләк тарафгә қачыб турубдурлар (1914, 4-сон). Сабаб-изоҳ муносабатини ифодалаган сабаб эргаш гапларда *чунки, зэрәки, нэчукки, нечукким, шунин ўчўнким, аниқ ўчўн, аниқ ўчўнким, наинки, нимага, ул сабаб билан, негаким, шекилли, -ки, -ким, сабабки* каби боғловчилар қўлланади.

Газета тилида *аниқ учун, аниқ ўчўнким, ул сабаб биланки* боғловчилари бошқа воситаларга нисбатан ҳам кенгроқ учрайди. Бу боғловчилар билан бириккан сабаб эргаш гапда қўшма гапнинг иккинчи қисми сабабини ифодаласа, *аниқ ўчўнким* формаси қўлланади: Марв шаҳ-

рини атрәфларида қачыб йўргүвчи тәкәләрниц тинч ва тоғри турмәқ-ларыны бизләр зиммәмизга әләлмасмиз, *аниң үчүнким* Орусийа әскәрләри тўркмәнийәниц йәрини бәсыб кәлсә, бизларга йәткүрүнләр дөб Қавшханга табә тәкәлар бизләргә киши йубариб әдиләр (1874, 17-сон). Қўшма гапнинг биринчи қисми сабабни кўрсатса, у ҳолда *аниң үчүн* формаси келади: Руссийа хатини билатурган киши кәм болуб *аниң үчүн* канверт йўзиға орусча йәздурмәқ бир әз душвар экән (1892, 14-сон).

Шуниси характерлики, газета тилида *чүн*, *нимәгә*, *көрә* каби сўзлар ҳам сабаб эргаш гапни бош гапга боғлаш учун ишлатилган: Масжид йахши азда бир жайга бинә болганига *көра* аздалиги әс кәтәрлик дәрәжәдә бир имәрат әлий болуб чыққандур (1914, 89-сон).

-*Ки(-ким)* боғловчиси ҳам газета тилида сабаб эргаш гапни бош гапга боғлаш учун кенг қўлланган. Бу воситалар билан тузилган сабаб эргаш гапларда бош гап сабаб эргаш гапдан кейин келса, *-ки (-ким)* боғловчиси сабаб эргаш гап таркибида қўлланган. Агар сабаб эргаш гап бош гапдан кейин келтирилса, у ҳолда *-ки (-ким)* боғловчиси бош гап таркибида бўлади. Масалан: Сизниц пәдшәҳинизда кәмил катта киши йоқмүким, бәсакәл кимәрсәни мани жанәбимға әлчирсәл қылыбдур (1875, 31 август). Айрим вақтларда *-ки (-ким)* боғловчиси бош гап таркибида тургани ҳолда, эргаш гап охирида *деб* боғловчиси ҳам қўлланади: Йана қорқаманким, бул жавәбга ҳам жаваб йазгучилар болуб қәлурмикин *деб* (1914, 37-сон).

Бош гап таркибида *-ки (-ким)*, эргаш гап таркибида *деб* боғловчиси билан берилган бу хил конструкциялар тўлдирувчи, аниқловчи ва мақсад эргаш гапларда ҳам учрайди. Бундай конструкцияларнинг турли формада хилма-хил қўлланиши, шубҳасиз, халқ сўзлашув тилининг таъсирида бўлган.

Газета тилида сабаб эргаш гапни бош гапга боғлашда *нәчукки*, *нәчукким*, *зәрәки* каби боғловчилар ҳам кенг қўлланганки, улар ҳозирги ўзбек тилида деярли ишлатилмайди: Масалан: Жандармларнинг атган топ ва милтиқлари фитначиларга артуқча зәрәр келтирмабдур. Зәрәки алар уруш тоғрисидаги мустаҳкам йәрләргә жайлашган экән (1914, 24 апрель).

Хуллас, бу даврда кенг қўлланган айрим боғловчилар (*чүн*, *зәрәки*, *ким*, *нәчукким*, *аниң үчүн*, *аниң үчүнким*, *наинки*) ҳозирги кунга келиб истеъмолдан чиқди.

В. МАСКОПОВ

## ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ИЛОВА КОНСТРУКЦИЯЛАР ҲАҚИДА

Маълумки, ўзбек тилшунослиги тараққиётида рус тилшунослигининг катта ҳиссаси бор. Уни ўзбек тилшунослиги бўйича изоҳланган жуда кўп ҳодисалар баёнида кўрамиз. Бу мақоладаги мулоҳазалар ҳам илғор рус тилшунослигининг тажрибасига ва ўзбек тили фактларига асослангандир. Шу сабабли олдин рус тилшунослари томонидан илова конструкциялар бўйича ёзилган ишларга назар ташлашимиз ўринли бўлади. Бу билан изоҳланаётган масалани тўғри тушуниш ва ёритишда катта имкониятга эга бўламиз.

Шу конструкциялар ҳақида рус тилшунослигининг дастлабки фикрлари 1827 йилда баён этилган<sup>1</sup>. Шундан бери уларни изоҳлаган кўпгина фикрлар майдонга келди. Булар: Н. И. Герц (СПб., 1827 йил), К. С. Аксаковский (СПб., 1875 йил), А. БЭН (Москва, 1886 йил), М. Ф. Власов (Москва, 1963 йил), А. Ф. Ефимов (Москва, 1955 йил) ва бошқалар. Булардан ташқари, 1941—1968 йилларда бу темада илмий мақолалар ёзиш билан бирга уни дарсликларга ҳам киритилди<sup>2</sup>, 1958—1966 йилларда бир неча кандидатлик диссертациялари ҳамойилини<sup>3</sup>.

Мазкур соҳада олиб борилган юқоридаги тадқиқотлар ўз самарасини берди: илова конструкциялар бой рус тилшунослигида синтактик категориялар қаторидан ҳақли равишда ўрин олди. Улар сўнги йилларда рус тилида мактаблар ва олий ўқув юртлири учун тузилган программа ҳамда дарсликларда махсус қисм сифатида акс эттирила бошланди.

Қайд этилган асарларда илова конструкциялар ҳақида кенг ва биринчи чуқур маълумот берилган. Улардан бир қатор асосий мулоҳазалар мазмунини бу ерда келтирамиз<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Бу ҳақда тўлароқ маълумот олиш учун қarang: П. В. Кобзев, Неполные предложения присоединительного типа в современном русском литературном языке, Автореферат на канд. дисс., Л., 1966.

<sup>2</sup> В. В. Виноградов, Стил Пушкина, М., 1941, стр. 242, 395, 340; В. В. Виноградов, Русский язык, М., 1947, стр. 709—716; С. Е. Крючков, О присоединительных связях в современном русском языке, «Вопросы синтаксиса современного русского языка», М., 1950; А. М. Земский ва бошқалар, Русский язык, ч. 2, Учебник для педучилищ, М., 1955, стр. 141 ва ҳ. к.

<sup>3</sup> М. В. Карпенко, Наблюдения под структурой присоединительных конструкций в современном русском языке, Черновцы, 1958; Т. П. Плещенко, Присоединение как один из видов синтаксической связи, Минск, 1960; А. П. Величук, О специфике присоединительной связи, Тбилиси, 1961; Г. В. Қим, Бессоюзные присоединительные конструкции в сов. рус. языке, Алма-Ата, 1965.

<sup>4</sup> Шундай мазмун, умумий тарзда айтганда, Ф. Исҳоқовнинг «Ҳозирги замон ўзбек тилида иловали конструкциялар» («Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари» (2-китоб) Тошкент, 1961 йил, 285—293-бетлар) сарлавҳали мақоласида ҳам бор.

Ифода жараёнида фикр nisбий тугалланган даражада айтилган бўлади. Шундан кейин унга олдиндан ўйланмаган ниманидир қўшиб баён этиш сўловчи назарида зарур тўйилади. Ана шу қўшимча илоҳ тугалланган паузадан сўнг баён этилади. Олдиндан ўйланмаган, бироқ қўшимча равишда баён этилган шу кейинги ифода илова конструкция ҳисобланади. Илова конструкция олдинги гапнинг асосий ифода мазмунини кенгайтиради, тўлдиради, реаллаштиради ва унга аниқлик киритади. У асосий ифода билан тенг ва тобе боғланишдан фарқ қиладиган синтактик алоқа асосида муносабатга киришади. Бу конструкциялар боғловчисиз ёки боғловчи ёрдамида бирикади. Уларни ҳосил этишда қатнашувчи боғловчилар таъсирчанлик хусусиятига эга бўлади. Улар фақат гап бўлаги шаклида эмас, балки содда ва қўшма гап ҳолида ҳам кўринади.

Илғор рус тилшунослиги бир ярим асрдан буён ўрганилиб келинаётган бу синтактик ҳодиса ҳозиргача туркий тилларда, шу жумладан ўзбек тилшунослигида ҳам кенг даражада махсус текшириш объекти бўлган эмас. Бой рус тилшунослиги фани таълимидан баҳра олиб ва филология фанлари кандидати Фатҳиддин Исҳоқовнинг юқорида қайд этилган мақоласида фойдаланиб, биз ҳам тилимизда ана шундай ҳодиса узок ўтмишдан бери мавжудлиги аниқладик ва бундай ифода йўлини ҳам тилимизда фикр баённинг бир шакли деб қарадик. Бу қарашда диалектик материализмнинг «мазмун қандай ифодаланса, шунинг ҳаммаси шакл тушунчасига кириди»<sup>5</sup> деган таълимотига асосландик. Шундай ифода шаклининг бир турига оид фактларга мурожаат қиламиз: *Кул тигин ёбёр башла жуқутимыз; оқуз жақы ордуқ басды. Кўл тигин.* (С. Е. Малов, Памятники древнетюркской письменности, М., 1951, стр. 33—48 (8)); ...itur tuz töpt biluntady ädsigi cü-orytipeipän mäjcä ip bädzläjuptip. Anča (Ўша асар, 82, б 42); ...jечяру jкадыркан jышка mäчiq Kipü mämir копықа мәзикон турмыс. Акынара. (Ўша асар, 29, б2); *Ўзимнинг мана шу эшагимга икки бидон пахта ёғи ортилган эди. Олтмиш кило* (П. Қодиров, Қора кўзлар); Раҳмат бувижон, — деди Лариса. — Катта раҳмат. (О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса...). *Кечқурун идорада мажлис бор. Соат еттида* (С. Аҳмад, Ўфқ); Соҳиба, Кимга гапиряпсиз, Аъзам ака? Аъзам. Сенга сингилча. *Ҳажга келган эди-ку? Йўқ, у ерда дўкон қилиб қолибди. Бозозлик дўкони* (М. Исмоилий, Сунгги кеча).

Келтирилган фактлар асосида илова конструкциялар ҳақида яна шуни таъкидлаш мумкинки, улар ўзларидан олдинги гапдан пауза орқали ажратилиб, алоҳида интонация билан айтилмоқда. Бироқ улар ўзларидан олдинги конструкцияларга уларнинг бир қисми сифатида бирор грамматик восита билан боғланган бўлади. Шунинг учун бу конструкциялар ҳам ўзидан олдинги гап билан бир синтактик бутунликни ташкил этади. Бу ерда уларга оид бир неча ҳолатларга тўхтаймиз.

1. Илова конструкциялар материал жиҳатидан турли таркибда ифодаланади:

1. **Бир сўз орқали:** *Мана бу менинг эски ошнам. Солдат.* (А. Мухтор, Опа-сингиллар); *Лайли. Қанақа меҳмон? Ўктам. Ўша... аёл. Йўқ, буви сиз тушунмадингиз. Мен мутлақо кетаман. Қишлоқдан кетмоқчиман. Бутунлай.* (О. Ёқубов, Эр бошига иш

<sup>5</sup> «Диалектик материализм очерклари», Тошкент, Ўздавнашр, 1964, 361-бет.

тушса...); *Кўзи тим кўк. Гавдали.* (Шухрат, Шинелли йиллар); Дадамнинг гарданида қарзи бор экан. *Ўзгина. Ўттиз сўмга ҳам етмайди* (Ойбек, Қутлуғ қон). Ёзда қовун сайлига борасизлар.

2. **Бир сўз ва кўмакчи орқали:** *Бир муштумзўрдан эчки сотиб олганингиз ҳам факт! Боласи билан;* (А. Қаҳҳор, Мунофиқ). Назаров. Лекин, сизни Тошкентда бошимизга тож қилиб кўтарамиз. Зебохон, бақа келинг. Танишиб қўйинг. Дилдор билан. (С. Аҳмад, „Уфқ“) Кимларни? — деб Ҳулқар ҳайрон қолди. Суюнбой акани. Бошқаларни ҳам (П. Қодиров).

3. **Сўз бирикмаси орқали:** — *Сизга топширадиган битта муҳим ишимиз бор, Сафарали. Йўқ демайсиз. Пахтага тааллуқли иш.* (М. Исмоилий. Сўнги кеча); Соат 20 да футбол. *Ҳожия опа, биз артелда ашула тўгараги туздик. Дутор билан ашула айтадиган тўгарак* (А. Мухтор. Опа-сингиллар).

4. **Содда гап орқали:** *Салтанат. Мавлон аканинг жияни келди. Кувёи ҳам келибди* (А. Қаҳҳор). *Раҳимжон. Юринг, ўртоқ Одилов, кетдик. Пиёда кетдик!* (А. Қаҳҳор).

5. **Қўшма гап орқали:** *Учар. Ана юрак! Ана ақл! Ҳа, биз гирдобга тушиб қолдик. Қонли гирдобга... Гирдоб бизни ютади, қаърига ютади* (Уйғун). Йўлингиз тўғри йўл.

II. Илова конструкциялар гапнинг турли бўлаклари сифатида шаклланади.

1. **Эга сифатида:** *Обиджон. Шу изғиринларда ҳам бозормабозор, растама-раста ўгли Абдуқодирни етаклаб, бир бурда нон учун най чалиб гадолик қилади. Бечора Исмоил ота.* (С. Абдулла. Муқимий). Ҳайдаров. Бизнинг экспедиторимиз бор эди, Ҳалиги... *Туроб Ёдгоров.* Мактабга ҳам бирга келган экан. *Дуденко. Кеча тоза гаплашдик.* Булар бизнинг қишлоқдан, *деҳқонлар.* „Социализм“ *колхозидан Ҳиндистонга бориб келган бир хотин бор экан. Раъно Жўраева.* Врач. (А. Қаҳҳор, Синчалак).

2. **Кесим сифатида:** *Мана бу менинг эски ошнам. Солдат* (А. Мухтор, Опа-сингиллар); *Дубенко! Шу ердами? У менинг ажойиб дўстим. Микола Дубенко.* (Шухрат, Шинелли йиллар).

3. **Тўлдирувчи сифатида:** *Босмачиларни қириб ташладик. Ўнтачасини* (Ш. Тошматов).

4. **Ҳол сифатида:**

а) **пайт ҳоли сифатида:** *Сиз индинга кела оласизми? Соат иккидан кейин* („Шарқ юлдузи“); *Қачон келдинг?! — Кеча. Самолётда!* (К. Яшин).

б) **ўрин ҳоли сифатида:** *Шоҳимардон сизлардан узоқми? — Йўқ, яқин. Қўшни районда* (Шухрат, Шинелли йиллар).

в) **чиқиш ҳоли сифатида:** *Мана бу сизга. Тошкентдан.* Жамоага кирган эдим. *Ўтап ога берди* (Ҳ. Фулом, Машъал). Ҳа, айтгандек, кеча бир хат келди. *Тошкентдан.* Синглинг ёзибди.

г) **Жуналиш ҳоли сифатида:** *Ҳозиргина чиқиб кетишганди. Мактабга.* („Коммунизм“ газетаси).

в) **равиш ҳоли сифатида:**

*Темир йўл излари қайрилиб дала сўқмоғида ётибди. Қийшайиб. Мана, мен бориб шаҳрингизни озод қилгач, ўзим телеграмма берман. Молния қилиб.* (Шухрат, Шинелли йиллар).

5. **Аниқловчи сифатида:**

*Санобар. Амакижон, жойингизга олиб борай, озгина таом бор, бир оз енг. Аччиққина...* (Ҳамза, Истибод қурбонлари); *Ёқуб Турсунович! Кўз клиникасидаги...* (Шарқ юлдузи).

III. Илова конструкциялар турли мазмундаги гаплар орқали ифодаланади:

1. Дарак мазмунли гап орқали: — *Ҳа, айтгандай, Содиқжон, — деди Мирсалим, унинг ёнига ўтириб, менда бир-икки китоб бор. Тарихга доир.* (Шухрат, Олтин зангламас).

2. Сўроқ мазмунли гап орқали: — *Магазин очик эканми? Озиқ овқат магазини-я?* („Коммуна“ газетаси); — *Хуш, Фуломжон қаерда?... Шу ердами? Мастеровой?* (М. Исмоилий, Сўнги кеча).

3. Буйруқ мазмунли гап орқали: — *Анави ўпка-пўпкангдан озгина қиймалаб бер! Лекин пиёз аралашмасин* (П. Қодиров); *Тойни миниб шаҳарга туш, икки шиша коньяк ол. Тез.* (Ойбек, Қутлуғ қон).

4. Ундов мазмунли гап орқали: *Курортга боришдан мақсад даволаниш бўлса, даволанишдан мақсад ўқиш; Аъло ўқиш!* (А. Қаҳҳор, Оғрик тишлар).

Келтирилган фактлар шуни кўрсатадики, илова конструкциялар тилимизда дастлабки ёзма ёдгорликларимиз тарихидан ҳам қадимги ҳодиса бўлиб, улар ҳозирги даврда бугунги адабий тилимизнинг жонли тил негизидан ижобий равишда тараққий этаётганининг яққол намуналаридандир. Дарёдан томчи сифатида келтирилган мисолларнинг ўзи ҳам бу даъвомизга етарли далил бўла олади. Уларнинг бу ерда қайд этилган ва бошқа ўзига хос ифода воситалари ҳамда семантик хусусиятлари бу конструкцияларнинг тилшунослигимизда айрим синтактик категория сифатида қарашга, ўрганишга ва изоҳлашга тўла етарлидир.

Ўзбек тилшунослигининг ҳозирги энг актуал вазифаларидан бири — илова конструкциялар бўйича Ф. Исҳоқовнинг бошлаган ишини давом эттириб, бу соҳада атрофлича чуқур тадқиқот олиб бориб, мазкур ҳодисани кенг таҳлил қилиб, унинг фанимиз доирасидаги ўрнини муносиб равишда кўрсатишдир. Бунга шу тема бўйича олиб бораётган тадқиқотлар туфайли эришамиз деган умиддамиз.

А. МАХМУДОВ

## ИНТОНОГРАФИК МЕТОД ҲАҚИДА

Экспериментал фонетиканинг илк даври нутқнинг талаффуз қонуниятларини физиологик ва психологик асбоблар воситаси билан ўрганишдан бошланди. Дастлабки даврларда қўлланган пневматик метод амалий фонетиканинг тараққиётида муҳим роль ўйнади. Бу усул ёрдамида турли тилларнинг фонемалар системаси, айрим фонетик ҳодисаларнинг (назализация, аспирация, ассимиляция, сононтизация каби) артикуляцион моҳияти аниқланди.

Тадқиқотчилар ўша даврларда гап интонациясини бошқа усуллар билан (пианино ёрдамида) текширишга ҳам уриниб кўрдилар, чунки пневматик метод гап интонациясини тадқиқ қилганда етарли маълумот бера олмас эди. Шунинг учун ҳам экспериментал фонетика асосчилари — В. А. Богородицкий, Л. В. Шчерба (СССР), Русло (Франция) интонацияни бошда ҳис-туйғуларни ифодаловчи нутқ оҳанги деб талқин этдилар.

30-йилларга келиб, интонация масалаларини ўрганишда электроакустик методлар қўллана бошлади. В. А. Артёмов лабораторияси электроакустиканинг пневматик методга нисбатан устунлигини асослаб берди. Шу билан бирга у нутқ товушларини ҳамда интонация масалаларини илмий асосда чуқурроқ ўрганиш ва бу соҳада экспериментал ишлар олиб бориш учун электродинамик рекардер, спектрограф сингари янги аппаратлар яратди<sup>1</sup>. Проф. В. А. Артёмов ана шу аппаратлар воситаси билан ўз лабораториясида бу соҳада кенг ижодий иш олиб борди. У экспериментал фонетикада электроакустик методларнинг мустақамланишига катта ҳисса қўшди, гап интонациясини назарий ва экспериментал равишда тавсифлаб берди.

Ҳозирги кунда ўзбек адабий тилида ҳам экспериментал ишлар бошлаб юборилди. Эндиликда ЎзССР ФА Тил ва адабиёт институтида Экспериментал фонетика лабораторияси ташкил этилди. Бу лаборатория тил ва тафаккур масалаларини экспериментал ўрганишда рус ва Совет олимларининг бой тажрибаларидан фойдаланмоқда. Илмий назарий муаммоларни ўрганишда Л. В. Шчерба тадқиқотлари<sup>2</sup>, илмий-техник ишларимизни юксалтиришда эса В. А. Артёмовнинг кўрсатмалари (ва бевоқиф ёрдами) бизга катта ёрдам бермоқда<sup>3</sup>.

Авалло, фонетик тадқиқотлар учун зарур тил (нутқ) фактларини тўплаш энг асосий ва жуда мураккаб масала эканлигини кўрсатиб ўт-

<sup>1</sup> В. А. Артёмов, Экспериментальная фонетика, М., 1956.

<sup>2</sup> Л. В. Шчерба, Очердные проблемы языковедения, Известия АН СССР, Отд. литературы и языка, том IV, вып. 5, М., 1945.

<sup>3</sup> А. Махмудов, Первые шаги в экспериментальном исследовании узбекского языка, «Юбилейная научная сессия АН УзССР», Изд-во «Фан», Ташкент, 1967, 143—145-бетлар.



моқчимиз. Ўтмишдаги тилшунослар, фонетистлар бу ҳолларда кўпинча ишни жуда соддалаштирганлар. Улар экспериментал материал сифатида кўпинча ўзлари тузган материаллардан фойдаланганлар. Л. В. Шчерба биринчи бўлиб «тил материали» асосида, яъни жонли нутқдан ёки китобларнинг текстидан олинган материаллар асосида тажриба олиб боришни тавсия этди. Аммо Л. В. Шчерба жумланинг таҳлили учун контекстнинг ролини ёки нутқ шаронитининг туб моҳиятини тўғри баҳоламаган эди. Шу сабабли у ҳатто интонация соҳасидаги текширишларни ҳам шу жумлаларнинг ўз чегарасида олиб борган эди. Ҳозирги экспериментал-фонетик ишларда эса ўрганилаётган материал бадий асар тексти ичида ёки ҳаётий шароитда олиб текширилади. Бу ҳол текширилаётган материални кишилар ўртасидаги ҳақиқий алоқа шароитида ёки унга жуда яқин шароитда текширишга имкон беради. Бунинг учун нутқни ёзиб оладиган асбоблар физик жиҳатдан жуда такомиллашган бўлиши зарур. Лабораториямиздаги интонограф И-67 илмий-техник томондан юксак даражада такомиллаштирилган ноёб анализатордир. Бундай нодир аппаратга эга бўлиш айна маҳалда ўзбек тилшунослигининг катта ютуғи ҳамдир.

Интонограф тил (нутқ)нинг товуш хусусиятларига (жумладан, ўзбек адабий тилининг бой интонация системасига) оид аниқ экспериментал материал тўплашга имкон берадиган нозик ва мураккаб аппаратдир. Интонографнинг асосини функционал блоklar ташкил қилади. Бу блоklarнинг чиқиш клеммаларидаги электр кучланиши нутқ тўлқинининг осциллограммасига, асосий тон частотасининг ҳаракатига ҳамда магнит лентасига ёзиб олинган ва текширилаётган сигналнинг товуш босими даражасига мос келади. Алоҳида блок ёрдамида белгили вақт сигналлари бериб турилади. Нутқ сигнални интонографда таҳлил этиш ва ҳосил этилган маълумотларни регистрация қилиш қуйидаги икки усул билан амалга оширилиши мумкин:

а) нутқ сигнали асбобнинг ичига ўрнатилган магнитофон ёрдамида (интонографга) берилади. Анализ натижалари эса 12 см кенгликдаги фотолентага ёруғлик нур осциллографи орқали нутқ осциллограммаси, нутқ товуши босимининг ўртача даражаси, товуш пайчалари асосий тонининг частотаси, вақт белгилари эгри чизиқлар асосида ёзиб олинади;

б) магнитофон ленталари (экспериментал материаллар) сегментатор ёрдамида кўрилади. Сегментатор ишлаётган вақтда электрон нур трубкасининг узоқ вақт ёришиб турадиган экранида осциллограммага асосий тонга, товуш босимининг даражасига ёки вақт белгиларига мос эгри чизиқлардан бири (операторнинг хоҳишига қараб) пайдо бўлиб, синхрон равишда ёришиб кўриниб туради. Сегментаторнинг иш цикли 2,4 секундни ташкил қилади; экранда кўринадиган нутқ бўлагининг давомлиги эса бир секундга боради ва уни қайта-қайта кўриш мумкин. Шундай қилиб, тадқиқотчи эндиликда бутун материални, фоторегистрация қилмаган ҳолда, кўздан кечириб чиқа олади.

Бундай экспериментал ишларни амалга оширишдан олдин тадқиқотчи зарурий фонетик билимларни пухта ўрганган бўлиши лозим. Фақат шундагина мураккаб эгри чизиқларнинг моҳиятини англаб талқин эта билиш ва улардан чиқадиган натижаларни тўла ола билиш мумкин. Ана шундай йўллар билангина ўзбек адабий тили товуш системасининг фонетик ва фонологик томонларини яхлит ҳолда ўрганиб, амалий тадқиқотларимизни янада чуқурлаштира боришимиз мумкин.

## ИЛМИЙ АХБОРОТ

### МУТРИБ ДЕВОНИНING НОДИР БИР НУСХАСИ

XIX аср охири ва XX аср бошларида Хоразмдаги демократик аядбий оқимнинг Аваз Утар ўғли, Баёний, Табибий, Чокар ва Фақирий каби илғор намоёндалари қаторида истеъдодли шоир ва музикашунос Мутриб Хона Харобий ҳам алоҳида ўрин тутади.

Муҳаммад Ҳасан Хожи табиб ўғли Мутриб Муҳаммад Раҳимхон II (1865—1910), Исфандиёрхон (1910—1919) ҳукмронлиги йилларида ҳамда Хоразм Халқ Совет Республикаси даврида яшаб ижод қилди. Мутрибнинг ижодий фаолияти бир-биридан тубдан фарқ қилувчи ани шу икки даврни қамраб олади. Ўзбек классик ва форс-тожик адабиётининг илғор традицияларидан, хусусан, Навоий, Жомий, Мунис ва Огаҳий ижодидан баҳра олган Мутриб Хива инқилобига қадар ҳам шоир ва санъаткор сифатида танилиб, катта девон тадмин қилган ва кўпгина шеърлари турли мажмуа ҳамда баёзлар таркибидан ўрин олган эди.

Халқчил ва тараққийпарвар шоир Хива инқилобини мамнуният билан кутиб олди, бутун фаолиятини Хоразм Халқ Совет Республикасини мустақамлашга, янги ғоя, маърифатни тарғиб этишга бағишлади. Халқ ҳокимиятининг оташин куйчиси ва жарчиси Мутриб «Инқилоб кўёши» газетасида ишлади, унинг инқилобий шеърлари вақтли матбуот саҳифаларидан, «Юғурма» (1923) шеърлар тўпламидан ўрин олди.

Мутрибнинг ижодий фаолияти ҳали тўла ва мукамал ўрганилганича йўқ. Унинг девони, мажмуа ва баёзлар таркибидаги кўпдан-кўп шеърлари тадқиқ этилмаган.

Мутриб Хоразм инқилобига қадар катта ва мураккаб ижодий йўлни босиб ўтди. У пешқадам соҳибқаламлар даврасидан муносиб ўрин олди, салафларининг адабий традицияларини муваффақият билан давом эттирган шоир янги ижтимоий-сиёсий ҳаёт лавҳалари, ихтилофлари ва орзу-интилишларини куйлаб, Баёний ва Табибий каби мутараққий шоирларнинг овозига жўр бўлди. Мутрибнинг Хива инқилобига қадар ижоди сермахсул бир босқичдир. Яқин вақтларгача Мутрибнинг шеърлари кўпгина баёз, мажмуа (шу жумладан кичик девонлар мажмуаси)лардан ўрин олгани маълум бўлса-да, махсус девон тузгани аниқ эмас эди<sup>1</sup>. Ириқ адабиётшунос Н. Маллаевнинг шахсий кутубхонасида сақланаётган ва бизга ҳиммат билан тақдим қилган «Девони Мутриб Хона Хароб» шоирнинг махсус тузилган мукамал девони бўлиб чиқди. Қўлёзма 1909 йили Муҳаммад Раҳимхон буйруғига биноан замонасининг таниқли хаттотларидан Муҳаммад Шариф ибн Муҳаммад

<sup>1</sup> ЎзССР ФА Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида бирнеча шоирлар девонлари ичига киритилган Мутрибнинг кичик ҳажмдаги иккита девони (инв. № 903, 906) сақланади.

Ёқуб девон — Ҳаррот<sup>2</sup> томонидан Хивада кўчирилган. Девон 300 саҳифани ташкил қилади. Формати 18,5×27 см бўлиб, унга рус фабрика қоғози ишлатилган. Текстлар рамкага олинмаган лекин маълум режа асосида кўчирилган бўлиб, мутаносиблик сақланган. Саҳифа ҳошияларига ҳам анчагина ғазал ва мухаммаслар кўчирилган. Қўлёзма текстлари чиройли насталиқ хат билан қоря снѐҳда кўчирилиб, ҳар бир шеър бошида шоир исми қизил снѐҳ билан битилган.

Девонда Мутриб Хона Харобий томонидан классик шеърятнинг турли жанрларида ижод қилинган 14 минг мисрага яқин шеър бор. Булар 12 ярим минг мисрадан иборат 875 ғазал, 16 мухаммас, 5 мусаддас, иккита қасидадир. Девонда аввал ғазал, кейин мухаммас, мусаддас ва қасидалар жойланган. Девон тузиш анъаналарига кўра ушбу қўлёзмага кирган ғазаллар ҳам алиф ҳарфи билан бошланувчи араб алфавити тартибида жойлаштирилган.

Маълумки, «Муҳаббатнома» автори Хоразмийдан тортиб деярлик бутун ўзбек классик адабиѐти намоёндалари зуллисонийн сифатида форс-тожик тилида ҳам муваффақият билан ижод этганлар. Адабий элоқаларнинг кўзгуси бўлган бу традиция Хоразм шоирлари томонидан ҳам давом эттирилди. Табиий: «Дегай туркий ва форсийдан ғазал» деб таъкидлаганидек, Мутриб ҳам ҳар икки тилда истеъдодли соҳиб қалам эканини намойиш қилган. Унинг девондаги 300 дан ортиқ форс-тожик тилида яратган ғазал ва мухаммаслари бунинг шочи-дидир.

Девонга кирган Мутриб ғазалларидаги ўзи яшаган ниҳоятда оғир ва мураккаб ҳаѐт кирдикорларидан шикоят, реал дунѐ гўзалига муҳаббатни санъаткорона куйлаш билан озод инсоний севгига интилиш сингари мотивлар шоир эстетик идеалининг қирраларини очиб беради:

Ниҳони дард ила бир мужда кўнглум ҳажр аро ҳар дам,  
Киши йўқ деярга аҳволимни ул хурнишонимга.

Еки:

Юзингдин тийра кулбамга дами нури зиѐ йўқму,  
Висолинг гулшанидин бир нафас файзи сафо йўқму.

Устоз Навоий:

Ғариб қисса эрур ишқим, тугонмоди ҳеч —  
Агарчи бўлголи олам биноси айтиладур, —

дея қайд қилган ишқ мавзуи тасвирини девонга кирган Мутриб ғазалиѐтининг тожи дейиш мумкин. Шоир ишқий ғазалларига хос муҳим хусусият шуки, унда ошиқ-шоирнинг ѐрға муносабати замон ва ўз шахсий ҳаѐтига муносабати билан узвий бирликда қўшилиб муҳим ижтимоий характер касб этади:

Билолмам не журмим бор экан бу чарх кажрвга,  
Адоу ғамза бирла чашми беморимни кўрмасман.

Ехуд:

Шаъм ҳуснингдин мунавварлик тиларман ҳар кеча,  
Тийра бўлгон кулбама, эй лаъли хандоним, эшит.

Мутрибнинг муҳаббат лирикаси билан танишиш ўз-ўзидан севгида эрк ва вафо бўлиши учун аввало инсоннинг ўз эрк ва озодлиги барқарор бўлмоғи зарур, дейилган муҳим умумлашма чиқаришга олиб келади. Девон Мутрибнинг дунѐқараши, ғоявий-эстетик позицияси ҳамда поэтик санъаткорлиги билан танишишга кенг имкон беради. Лирик қаҳрамон — шоир даврининг «кўзи, қулоғи» сифатида гавдаланади, унинг ҳасрат-надоматлари ҳам, ўй-андишалари ҳам ўша мураккаб му-

<sup>2</sup> Муҳаммад Шариф ибн Муҳаммад Ёқуб девон — машҳур шоир ва бастакор Матюсуф Ҳарратов; Чокарнинг отасидир.

ҳитнинг садоси. Шу боисдан шоир «мен»и унинг поэзиясида асосий ўринда туради. Бироқ шоир замонни, шу замон аҳли фожиасининг тимсоли сифатида муҳаббат фожиасини ана шу тариқа тасвирлаб, феодал воқелик картинасини қарама-қаршиликлари билан чуқур ҳис қилишга ўқувчини ундайди.

Мутриб лирикасида маҳорат билан чизилган ҳақиқий дунё гўзалининг реал тасвирига ҳам дуч келамиз. Шоирнинг буюк ютуғи шундаки, у инсонни эзишга асосланган турли хурофий одатлар эркин муҳаббатни чеклаган, зоҳиду маддоҳлар эса фақат жаннат хурларига мадҳу сано ўқиётган бир даврда озод севгини, реал дунё гўзалини, дадил мадҳ қилишни ўзига инсоний шараф деб билди. XIX аср машҳур алломаси Огаҳий:

Кўз солмоғум жаннат аро гулмон, ҳур очса юзин,  
Ким мақсадим қўйинг аро қилмоқ тамошо оразинг, —

дея олдинга сурган тезисни Мутриб содиқ шогирд сифатида давом эттирди, ривожлантирди:

Гулзори ҳуснийга жаннат нечук монанд ўлур,  
Жоно, гули фирдавсдин рухсори олинг яхшидур.

Шу тариқа шоир истеъдод билан тасвирлаб бизга намоён қилувчи маҳбуба жамолига ҳаётда ҳеч нарса тенг кела олмайди:

Кўзларимга хасча эрмас долалар, эй боғбон,  
Юзи гул, жисми суман, бўйи гулистон кўзлавам.

Шоир-ошиқ учун чаманни яшнатувчи гуллар чиройли ҳам эмас, балки барчасидан ўша чаманга ҳам чирой, зеб бера олгувчи маҳбуба жамоли устун:

Тутма илгингни ибо бирла юзингга боғ аро,  
Не учунким очилур кўргач сени мастона гул.

ёки:

Азми гулистон айлагач, топти нозокат боғлар,  
Юз марҳабо деб боғ аро гул баргию дпроғлар.

Бу каби маҳбуба-инсонни улуғловчи минглаб сатрлар йиғилиб, кўз ўнгимизда оддий ошиқни эмас, балки олийжаноб бир гуманист инсон — шоирни намоён қилади:

Жамоли шамъига парвона бўлсам айб қилмангизлар,  
Қилай равшан кўзимни юзининг анвари бирла.

Маълумки буюк истеъдод эгаларининг ва устоз ҳисобланган адибларнинг ғазалларига татаббу ёзиш, пайровлар боғлаш классик адабиётнинг муҳим анъаналаридан биридир. Шунга мувофиқ кўпгина таланти соҳиблари Навоий, Ҷомий, Фузулий, Огаҳийлар ғазалларига шогирд ва мухлислар сифатида ўз ғазал ва муҳаммасларини боғлаб, улар бунёд этган шеърят хазинасини янги дурлар билан бойитдилар. Бу ҳол Мутриб ва унинг замондошлари ижодида яққол кўзга ташланади. Бироқ XIX аср охири ва XX аср бошларига келиб Хоразм адабий ҳаракатчилигида яна бир специфик ҳолат ҳам вужудга келди. Кўпгина таланти соҳиблари салафлар традицияларини давом эттириш билан бирга, Хива хони Муҳаммад Раҳим (Феруз) ижод қилган турли характердаги ғазалларга ҳам пайровлар ёзишга мажбур бўлишди. Бироқ пайров адабиётининг қанчалик таъсири бўлмасин, оддий халққа бўлган меҳру муҳаббат Аваз Утар ўғли, Чокар, Роғиб, Мутриб, Баёний ва Табибий сингари шоирлар позициясининг тескари томонга ўзгаришига йўл қўя олмас эди. Инсоний таҳқирлашлар, ҳокимият тасласидаги ярамас шахсларнинг кирдикорлари эса уларда «олий дар-

гоҳ»га нисбатан тағинда нафрат туйғуларини уйғотади. Текширишлар шуни кўрсатадики, бундай шоирлар ўз гоёвий позицияларида турган ҳолда ҳатто ўша пайров «имконияти»дан ҳам усталлик билан фодаланишган. Улардан айримлари ижтимоий тузумдан, ҳокимиятдаги нокас шахслардан норозилик туйғуларини ўз ғазалларига сингдириб юборишган. Чунончи, Аваз Утар ўғлининг ўшандай ғазалларида кўплаб учровчи қуйидаги байтларни шоирнинг қатъий норозилиги баёни сифатида қабул қилиш тўғри бўлур эди:

Дод алингдан оҳ ким аҳбоб элин ноком этиб,  
Тобакай душманларимга мунча даврон айладинг<sup>3</sup>.

Мутриб Хона Харобийнинг эса ўша ғазалга мувофиқ ёзилиб, қўлимиздаги девонга ҳам киритилган шеърда шоир фақат ёридан жудо қилганлиги учунгина эмас, балки «турли жабр-ситамлари бевурд шахсларга дучор айлаётгани» туйфайли ҳам бутун фалакка, замонга қарши кескин исён кўтаради:

Нетдим, эй гардун сени, кажравлик изҳор айладинг,  
Турфа меҳнатларга жонимни сазовор айладинг.

Бу нафас тўти мақомимдин жудо айлаб мени,  
Доимо бевурду нокаслар била ёр айладинг.

Бу каби шикоят мотивларига шоирнинг форс тилидаги лирикасида ҳам кўплаб дуч келамиз:

Ҳоли харобам ҳар нафас дар таънахой нокасон,  
Барбод шуд дар кўйи тў номус орам рўзи-шаб.

Мутрибнинг девонга киритилган мухаммаслари орасида

Кўргач юзингни кетти илгимдин ихтиёрим,  
Чиқди фалакка, эй шўҳ, ишқингда оҳ-зорим, —

дея бошланиб, ҳар банднинг охирги мисрлари «ороми жон нигорим, сарви равон нигорим» тарзида такрорланувчи, Хоразм халқ куйлари асосида ёзилган мухаммаси мусиқий ва ўйноқчи вази билан диққатга молик. Шунингдек, Навоийнинг:

Тун оқшом келди кулбам сори ул гулрух шитоб айлаб,  
Хироми суръатидин гул уза ҳайдин гулоб айлаб

матлали ғазалига ёки Муниснинг:

Хиромон қоматинг ким гулшани амрим ниҳолидур,  
Суманбарлар қади раъноси онинг поймоллидур,

деб бошланувчи ғазалига ҳамда Жомий Равқақ, Саъдий, Фиёсий, Наврас, Феруз, Табибий сингари шоирлар ғазалларига ёзилган шоир мухаммаслари жуда характерлидир. Мутрибнинг ижтимоий кўпроқ ҳақидаги айрим фалсафий қимматга эга бўлган фикрларини кўпроқ мухаммас ва мусаддаслар орқали баён қилишга мойиллиги сезилади. Чунончи, шоир бир мусаддасида феодал жабр-зулми остида эзилаётган замондошлари ва ўзи ҳақида фикр юритаркан, реал ҳаёт картинасини чизади ҳамда ҳаётга, борлиққа фалсафий муносабатда бўлишга яқинлашади:

Нечалар жаҳон ичра дилшод эрур,  
Ҳавоу ҳавас бирла обод эрур.  
Фалак кожидин кимса фарёд эрур,  
Шароби ажал била барбод эрур.

Жаҳон ичра бир карвондур ҳама,  
Фироқ оташидин фиғондур ҳама,  
Ки Мутриб каби бағри қондур ҳама,  
Чаман гулларидек ҳазондур ҳама,  
Гули сўлса очгуси юз гул жамол,  
Бу гулшанга ҳолиниг ўлмуш маҳол.

<sup>3</sup> Шарқшунослик институти, инв. № 1152, 763-бет («Мажмуат-уш шуаро»).

Бироқ Мутриб ва унинг замондошлари ижодининг дастлабки даврида моддий турмуш маҳсули — даврнинг умумий ижтимоий-сиёсий психологияси улар дунёқарашининг кескин ўзгаришига ҳамда замон кулфатларининг туб сабабларини тўла англаб етишларига ҳали имкон бермас эди. Аммо айрим оламлар таъкидлаганларидек, бир томондан «... подшоҳ ва аристократия ҳақида куйламай, инсон ҳис-туйғуларини куйлаш фактининг ўзи мавжуд тузумга нисбатан сукут тарзидаги норозилик<sup>4</sup> бўлса, иккинчи томондан, инсофсизлик ва адолатсизликдан шикоят мотивлари шоирнинг ўша тузумга нисбатан исёни<sup>5</sup> ҳамдир.

Девондаги Мутриб шеърлари тематик ранг-баранглиги ва мусиқийлиги билан диққатга сазовор. Аруз вазинининг хилма-хил имкониётларини уққан ва уни моҳирона тадбиқ қилган шоир ўз лирикаси орқали гоҳ зўр эҳтиросли романтик сифатида, гоҳ реал ҳаётий деталларни санъаткорона мушоҳада қилувчи фусункор шоир сифатида гавдаланади. Унинг лирикаси марказида ҳам ҳаётда камронлик, замона аҳлида тенглик, ёрдан мурувват ва вафо истаган, бироқ кўра олмаётган ошиқ инсон образи туради. Девонга жам қилинган ғазалиётнинг бошидан охиригача сингдирилган асосий ғоя ҳам оддий халқ истаги бўлмиш «вайрона ва тийра кулбаларга зиё, ободлик» кириб келишига ташналик ҳамда шунга интилишдир.

Шоир Табибий ўз маснавийларида Мутриб истеъдодини тилга олиб:

Анго гар хароб ўлмас хонаси,  
Бу ашъор бўлғуси афсонаси

Демак назм бўлмиш шиори онинг,  
Жаҳон мулкида ёдгори онинг<sup>6</sup>.

дея қайд қилганидек, XIX аср охири ва XX аср бошлари Хоразм демократик адабиётининг кўпгина специфик томонларини ўзида гавдалантирувчи ушбу девон Мутриб ижодини илмий тадқиқ қилиш ҳамда имкон борича шоирнинг барча адабий меросини тўплаб, замонамиз ўқувчиларига етказишимизда қимматли адабий ёдгорлик бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.

*П. Пирназаров.*

## ШАВКАТ — ШОИР, ХАТТОТ, РАССОМ

XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида яшаб ижод этган талантили адиллардан бири Мирзоҳид охунд ўғли Сирожиддиндир. У адабиётимиз тарихида Шавкат, Шеван, Садқий, Искандар таҳаллуслари билан ижод этган. Шавкат ҳам демократ шоирлар билан бир қаторда туриб, ўзбек миллий адабиётининг шаклланишига ҳисса қўша олди.

Шавкат шоир, таржимон, ношир, хаттот, рассом сифатида маданиятимиз равнақи учун тинмай қалам тебратди. У «Девони Сидқий» (қўлёзма, 1924), «Тухфай Шавкат» (1331 ҳижрий), «Савғоти Шавкат» (1333 ҳижрий) каби лирик шеърлар тўпламини, «Иқтисоб» номли ҳажвий асарларини, «Рабочийлар келиши» (Т., 1917), «Русия инқилоби» (Т., 1917), «Тоза ҳуррият» (Т., 1917) каби дostonларини яратди, шунингдек 1905 йиллардан бошлаб тузилган ва чоп этилган баёзларга, девонларга, дostonларга, фалсафий ва ахлоқий асарларга котиблик қилди.

Шоир 1882 йилда Тошкент вилоятининг Хондайлиқ қишлоғида камбағал қарол оиласида туғилди. Бошланғич маълумотни уйда —

<sup>4</sup> И. С. Брагинский, Очерки из истории таджикской литературы, Таджикгосиздат, 1956, стр. 22.

<sup>5</sup> Н. Маллаев, Алишер Навоий, Лирика, Тошкент, «Ўқитувчи» нашриёти, 1968, 11-бет.

<sup>6</sup> Шарқшунослик институти, Қўлёзма инв. № 1134, 22, 79 парақлар.

отасидан олди. 1901 йилда Тошкентга келиб, мадрасаи Раҳматуллога кириб ўқий бошлади. Сирожиддин мадрасада араб, форс тилларини мукаммал ўрганади. Бу тўғрида шоир кейинчалик қуйдагиларни ёзади:

«Тошкентга бориб Кесаққўрғон маҳалласидаги мадрасаи Раҳматуллода Мавлоно Шомухиддин охунд хизматида бир-икки йил сарф бирлан наҳв ўқурга тушундим. Ва ҳамон фақирликга қарши ҳаракат бирла ўқир эрдим ва касби маориф қилур эрдим ва зоҳиримга боқмас эрдим»<sup>1</sup>.

Сирожиддин мадрасада таҳсил олиш билан бир қаторда тошкентлик машҳур Муҳаммад Шомуроддан хаттотликни ўрганади. Кейинроқ шоир Хўжандга бориб, Хошим хаттотдан «сулс», «убайдий» ва «лохўрий» услубларини ўрганади ва 1910 йилга келиб, Туркистон, Эрон ва Қошғарда машҳур хаттот сифатида шуҳрат топади. Кейинчалик шоирнинг ўзи бир қанча хаттотларни тарбиялайди.

Сирожиддин маҳдум Шавкат адабиётимиз тарихида таржимон сифатида ҳам машҳур. У форс ва араб тилларидан «Алф лайла ва лайла», «Қози ва ўғри ҳикояси», «Унвон таржимаи Бўстон», «Қиссаи шаҳзодаи Баҳром ва маликаи Гуландом», «Ҳикояи латифа» каби ўнлаб адабий ва илмий асарларни ўзбекчага таржима қилган.

Шавкат моҳир рассом ҳам бўлган. Ислоҳ дунёси расм чизишни ман қилган бир даврда Шавкат рассом сифатида ўнлаб расм асарлари яратди, ўзи таржима қилган ва инқилобга қадар чоп этилган асарларга иллюстрация ва безаклар чизди. Шоир форс тилидан таржима қилган «Қози ва ўғри ҳикояси» асарининг кириш қисмида бу тўғрида шундай ҳикоя қилади:

...Ки чектим кўп машаққатларин,  
Доғи бетин этмоқда диққатларин,  
Доғи суратин айладим ўйла рост,  
Қўлим бирла барини бекаму кост.  
Чекилгач барисига муйин қалам,  
Фараҳ бахш ўлди нечукким эрам.

Мувофиқ тушиб ҳар ҳикоятига  
Ҳикояти йўқ балки абётига.  
Киши кўрса ҳар сафҳасин суратин,  
Дегай гўё нақши «Аржанг» чин  
Этиб саъй туя-кун қилиб тарки хоб  
Ки охир тамоғи бўлди китоб.

Шавкатнинг Тошкентга келиб, мадрасага ўқишга кириши, Камий, Гулшан, Хислат, Васлий, Шойиқ каби илғор фикрли шоирлар билан яқинлашуви, прогрессив рус ва Европа маданияти фани, техникаси билан танишуви унинг ижодида бурилиш ясади. У ўзининг илк ижодидан бошлаб оддий халқ манфаатларини кўйлади, адолатни улуғлади, жамиятдаги ярамас иллатларни фош этди, юқори табақани ҳажв қамчиси билан савалади.

Бу тўғрида шоир ёзади: «Сидқийнинг... адабиёт ва ошиқона ғазаллари кўп бўлса ҳам, аксар таъби ҳажвиётга моил бўлиб, Николай йўлига сув сепқонларга ва арзимас дунёга сотилгон муфтий можинлар(нинг) мардум кўзин бўяб чиқаргон ноҳақ ҳукмларига ва калён чекувчилар ҳақидаги хурфотларига қувваи истеъдоди борича қарши ҳаракат ва зўр манъият кўрсатур эрди»<sup>2</sup>.

Шоир ўзининг 1900—1907 йилларда ёзган «Унқўрғон қозиси ҳақида ҳажв», «Тошкандлик Носирхон эшон ҳикояти», «Бизнинг ўлкамизда бўлмиш золим, ришвахўр, судратма чопон, жонлик тегирмон банги эшон ҳақида», «Чимбойлик Тўра ҳикояти» каби ўнлаб ҳажвий асарларида ноинсоф, порахўр қозилар, икки юзламачи муфтилар, ёлғончи, фирибгар эшонларнинг қилмишларини жуда ҳаққоний кўрсатган.

<sup>1</sup> Шоирнинг таржимаи ҳолидан.

<sup>2</sup> Шоирнинг таржимаи ҳолидан.

Шавкат Улуғ Октябрь инқилобини зўр хурсандлик билан кутиб олди. Ҳамза, Айний, Сўфизода, Авлоний каби Шавкат ҳам революциядан кейин янгича ҳаёт қуриш учун курашган шоирлардан бири бўлди. У Октябрдан сўнгги ижодида социализм қураётган халқимизни, ватанимизни, Коммунистик партияни ва унинг йўлбошчиси В. И. Ленинни мадҳ этди.

Шоир Октябрь инқилобидан сўнг Хондайликқа қайтиб, қишлоқда революциянинг аҳамиятини, ғалабасини социализм қураётган халққа ўз шеърлари орқали тарғиб қилди. Хондайлик, Искандар, Хумсон қишлоқларидаги совет мактабларида муаллимлик қилди.

Шавкат 1934 йилда Хондайликнинг Парвезтепа қишлоғида вафот этди. Шоирнинг қабри ҳам шу қишлоқдадир.

*А. Жалолов*

### РЕВОЛЮЦИОНЕР ЗИЕЛИ — АДАБИЕТИМИЗ ҚАҲРАМОНИ

Кейинги йилларда прозамизда тарихий-инқилобий мавзуда йирик асарлар яратилмоқда. Бу асарларнинг бир қисмида ўзбек зиёлаларининг революция арафаларидаги ҳаётларини тасвирлаш ва уларнинг революциядаги актив иштирокини кўрсатиш биринчи ўринга қўйилган. Бу асарларда Октябрь революциясидан аввалги маҳаллий ўзбек зиёлаларининг халқ ҳаракатига қўшилиши ва революцион ғоялар таъсирида қайта тугилиб, революция учун курашувчилар платформасига кириб келиши акс эттирилган.

Ойбек «Улуғ йўл» романида, М. Исмоилий «Фарғона тонг отгунча» романининг I ва II китобларида қаҳрамон хатти-ҳаракатининг табиий ва чуқур асосли бўлишига, воқеаларнинг характер манятиқига кўра ривожланиб унинг муҳим қирраларини кўрсатишига катта эътибор берадилар, қаҳрамон дунёқарашидagi ва синфий онгидagi такомилни типик воқеа-ҳодисалар процессида гавдалантирдилар, мураккаб тарихий шароитда қаҳрамон психологиясида содир бўлган кескин ўзгаришларни жонли лавҳаларда ишонарли қилиб тасвирлайдилар. Шу тарихқа ёзувчилар образнинг ҳаётий ва тўла қонли чиқишига эришадилар.

«Улуғ йўл» даги Умарали образини олиб кўрайлик. У камбағал оиладан чиққан мадраса талабаси бўлиб, илм олиш иштиёқида мадрасага тегадиган вақф мулки даромадидан аранг тотиниб юргач, «зеҳни олмос, юраги пок, дарди илм»да йигит. Умарали барча муллаваччалар сингари исломга содиқ ва «илм ҳомийлари бўлмиш уламоларга ҳурмати, эътиқоди зўр, лекин у улармолар ичида ашаддий нодон мутаассиблар ҳам борлигини» ва улар меҳнаткаш халқни аёвсиз талаш учун уларни доимо жаҳолатда сақлашга уринишларини ҳам билади.

Томир-томири билан халққа туташган Умарали ана шундай мутаассиб, жоҳил уламолар ва золим, хасис бойлар зулми остида беҳад эзилаётган меҳнаткаш халққа чин юракдан ачинади. У меҳнаткаш халқнинг озод, илм-маърифатли бўлишини истайди. Лекин бунга у қандай қилиб эришиш йўлларини билмайди.

Февраль революцияси муносабати билан Умаралининг халқ намоишларида қатнашиши, большевикларнинг нутқларини тинглаши, Жумабой каби илғор ишчилар билан дўстлашуви ва улар орқали революцион ғоялардан озиқланиши, ниҳоят, бойларнинг, ўзи эътиқод қўйган жадидларнинг подшога ва ҳурриятга муносабатининг асл моҳиятини англаши натижасида унинг онги ўса боради.



Езувчи Умаралига таъсир этаётган воқеа-ҳодисаларни чуқур таҳлил этиб, булар таъсирида қаҳрамон психологиясида содир бўлаётган ўзгаришларни кўрсатади.

Ойбек Умаралининг Зумрадга бўлган муҳаббатини завқ-шавқ билан ҳикоя қилиш орқали ҳам уни янада ёрқин гавдалантиришга мўваффақ бўлади. Муҳаббат тасвирида Умаралининг ички дунёсида пайдо бўлаётган янги-янги хислатлар очилади. Умарали ва Зумраднинг бирга турмуш қуришга интилишлари йўлида уларга дуч келган оилавий ва социал зулмларга қарши курашда Умарали характери тобора чиниқади. У зулмга, адолатсиз тузумга қарши матонатли курашчига айланади. Энди Умарали ишчилар мажлисларида нутқлар сўзлаб, бөлшевик гояларни ташвиқ қилади. Бойларнинг, уламоларнинг халққа қарши ҳаракатларини фош қилади. Унинг бу ҳаракатидан Садриддин аълам бошлиқ уламолар қаттиқ ғазабланидилар. Ундан ўч олиш пайига тушадилар. Реакцион уламолар Умаралини «сазойи» қиладилар, қамоққа ва жазоланишга фатво бериб, қаттиқ таъқиб остига оладилар.

Ойбек Умарали характери динамикасида ўзбек миллий интеллигенциясининг жуда мураккаб ва ўзига хос қийинчиликлар, адашишлар билан бўлса-да, пировардида аниқ ва тўғри йўлга ўта олган қисмининг ҳаёт йўли ва революцион курашларини ифодаласа, М. Исмоилий марксча-ленинча гоялардан озикланиб, дунёни ўзгартиришнинг бирдан-бир тўғри йўли революцион кураш эканлигини тезда тушуниб етган илгор ўзбек зиёлиларининг ҳаёт йўли ва революцион курашларини Ғуломжон ва Дилшод образларида умумлаштирган.

«Фарғона тонг отгунча» (I—II китоб) романида 1905 йил кўзғолонлари таъсирида халқимизда чоризм ва маҳаллий эксплуататорлар зулмига қарши норозиликнинг кучайиши ва илк революцион уйғонинлар давридан тортиб то 1917 йил февраль революциясигача бўлган воқеалар Ғуломжон образи орқали тасвирланади.

Ғуломжон дастлаб мадрасада таҳсил кўрувчи, илм-маърифатга ташна, лекин ҳали ҳаётнинг аччиқ-чучугини татимаган, шoirтабиат йигит сифатида гавдаланади. Лекин унинг турмуш ичига чуқурроқ кириши, ҳаётдаги зиддиятларни кўриши, деҳқонлар аҳволи билан яқиндан танишиши натижасида, унинг қарашларида, фикр-уйларида, психологиясида ўзгаришлар пайдо бўла бошлади. Езувчи Ғуломжон психологияси тасвирига катта эътибор бериб, унинг руҳий ҳолатидаги жараёнларни изчил кузатиб боради. У қаҳрамоннинг ҳар бир ҳолати, хатти-ҳаракати замирида инсон қалбининг чуқур халқчил моҳиятини намойиш қилади. Ғуломжон характерининг ранг-баранг кўринишларида асарнинг асосий гоясини очиб боради, Ғуломжон характери ривожини конкрет-тарихий шароит билан, халқ оммаси ҳаёти билан боғлиқ ҳолда тасвирлайди.

Китобхон Ғуломжон тимсолида юксак инсоний фазилатларни мужассамлантирган, ҳаётини революцион курашга бағишлаган, ҳар қандай вазиятда ҳам курашни давом эттира оладиган, шахсий манфаатдан халқ манфаатини устун қўювчи тadbиркор коммунистни кўради.

Езувчи Ғуломжонни партияга содиқ, актив революционер сифатида кўрсатишга интилиб, унинг характерига «шахсий» белгиларни очишга кам эътибор беради. Лекин бу нуқсон эмас. Чунки «партия кишилари» (Ленин) олдида адолатсиз тузумни ағдариб ташлаб, социалистик тузумни ўрнатиш вазифаси турар экан, улар характерига ижтимоий белгилар бир оз бўрттириб кўрсатилиши ҳаёт ҳақиқатига тўғри келади, образнинг тарбиявий қувватини оширади.

Тўғри, «Сўнги кеча»да Ғуломжон фаолияти, қилган ишлари ёзувчи томонидан бир қанча ўринларда қайд этилади-ю, конкрет лавҳаларда кўрсатилмайди. Ғуломжон халқ орасида катта тарғиботчилик ишла-

рини олиб борган пайтда, эксплуататор синф вакиллари ҳам нураб бораётган ҳокимиятларини сақлаб қолишга ҳаракат қилаётган эдилар. Бу синфий курашда Ғулумжон душманларнинг қаттиқ қаршилигига дуч келиши мумкин эди. Афсуски, Ғулумжон бирор марта ҳам душман кучлари билан тўқнашмайди. Унинг фаолияти кескин тўқнашувларда акс эттирилмаган, шу жараёнда юзага чиқадиган психологизм, интеллектуаллик, инсоний жозоба ҳам ёрқин кўринмайди.

«Сўнгги кеча»даги Дилшод образида автор революция арафасида ўзбек революционер-зиёлиларининг иккинчи бўғини етишганини кўрсатар экан, Дилшод характерида меҳнаткаш омманинг характерли белгиларини умумлаштириб, уни ҳаётий образ даражасига кўтарди.

Унинг қиёфасида халқнинг ростгўйлик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, чин севги ва фодорлик, камтарлик, сахийлик каби фазилатлари мужассамлаштирилади. Дилшод билан эксплуататор синф вакиллари ўртасидаги тўқнашувларда буржуазия вакиллари оқчўзлик, айёрлик, бузуқлик, ватанфурушлик, алдамчилик каби хусусиятлари очиб ташланади.

Дилшод рус-тузем мактабини битирган, камбағал оиланинг фарзанди. У ўқиш даврида прогрессив ғоядаги ўқутувчилар таъсирига берилди. У Ольга Петровна, Қудрат, Ғулумжонлардан революцион таълимотни ўрганади. Шунинг учун ҳам ёш бўлишига қарамасдан, мавжуд тузумдаги синфий зиддиятларни тез англаб етади. Эксплуататорлар зулми ва улар туфайли Дилшод бошига тушган савдолар эса, унда мавжуд тузумга нисбатан норозиликни кучайтиради. Бу иккала омил бирлашиб, уни революционерга айлантиради.

Китобхон Дилшодни севиб қолади. Унинг муҳаббат тарихини чуқур лирик кайфият билан кузатади, унинг дардига шерик бўлади ва ўтмишнинг, феодал тузумнинг моҳиятига чуқур кириб боради.

Характер инкишофи типик шароит билан диалектик бирликда тасвирлангани, қаҳрамоннинг юксак, прогрессив идеаллар нуқтаи назардан оламни ўзгартириш йўлидаги фаолияти, инсоний жозибаси, психологияси ишонарли таҳлил қилинганлиги сабабли Умарали, Дилшод, Ғулумжон сингари революциядан олдинги революционер-зиёлилар образи кўп жиҳатдан тўлақонли, эстетик бой, ҳаётий бўлиб чиққан.

Шундай қилиб, адабиётимизда революциядан олдинги ўзбек революционер-зиёлиларнинг образини яратишга уриниш, баъзи бир камчиликларга қарамасдан, муваффақиятли чиққан.

Адабиётимизда революционер-зиёлилар образи яратилиши буржуа идеологларнинг Октябрь революцияси Туркистонда фақат рус пролетариати томонидан амалга оширилган, маҳаллий халқ эса Октябрь революциясини «тушунмаган» деган сохта даъволарига зарба беради.

*Умарали* 1970/6/64

А. Тўраев

#### «ҚУТАДҒУ БИЛИГ»ДАГИ БИР ИБОРА ТАРИХИ

Туркий халқларнинг йирик ёдгорлиги бўлган «Қутадғу билиг» асари умумтуркий лексик бойликдан ташқари, қимматбаҳо фразеологик фондга ҳам эга.

Бу фразеологик фонд туркий халқларнинг муштарак фразеологик лугат составига киради. Умумтуркий қатламга хос бўлган бу фразеологизмлар 900 йил давомида ҳар бир туркий тилда лексик, семантик, структура жиҳатидан турлича «хаёт йўлини» босиб ўтган. Ушбу мақолада «Қутадғу билиг»даги фақат бир фразеологизм — ҳушёр бўлмақ маъносидаги *кўз-қулоқ бўлмақ* иборасининг тарихи кўрилади.

## 1. Кўз-қулоқ тутмак.

Бу ибора «Қутадғу билиг»да икки вариантда (köz qulaq tutmak — kóz qulaq jiti tutnak) учрайди.

Elig kóz qulaq tutti elda gamu<sup>1</sup> (Хон давлатнинг ҳамма соҳасида ҳушёрликка эътибор берди).

qulaq kóz jiti tutsa<sup>2</sup> ([Бекка хизмат қилувчи] ҳушёр бўлса).

Кўриниб турибдики, иборанинг иккинчи варианты биринчисидан фақат jitmak (ҳушёр бўлмоқ) феъли билан фарқ қилади. Ҳар икки иборанинг аниқ лексик состави kóz qulaq tutmak.

XIII—XIV асрларда ўғуз элементлари кучли бўлган ёдгорликларда жумладан Қутбнинг «Хисрав ва Ширин» асарида бу ибора *кўз-қулоқ бўлмоқ* формасида учрайди:

Сун бас bolduñ tabuýçy el adag ol,

Anlar 'ajbynga dājim kóz qulaq bol<sup>3</sup>.

(Чун бош бўлдинг хизматчи тезроқ ҳаракат қил,

Уларнинг айб (хато)ларига доим ҳушёр бўл).

Демак, XI—XIV асрларда у туркий тилларда уч вариантда ишлатилган. Аммо XV—XVII аср ёдгорликларида фақат бир кўз-қулоқ бўлмоқ вариантыда учрайди, бу даврда унинг структураси насбий мустақиллашган эди.

Энди бу иборанинг туркий тиллардаги «ҳаёт йўлини» кўздан кечирайлик.

Ўзбек, қозоқ, қорачой-болқор, турк, озарбайжон, татар, бошқирд тилларида шунча вақт ўтишига қарамасдан, бу ибора ўз шакл ва мазмунини сақлаб қолган.

Ўзбек. — *Мен ўзим кўз-қулоқ бўларман, борди-ю очиб бериш ҳаракатига тушгандай бўлса, қўлидан калитни тортиб олиш ҳеч гап эмас*<sup>4</sup>.

Қозоқ. — *Жақын жерге барсам, Ержан-да көз-қулақ болар*<sup>5</sup>.

Қорачой-болқор. — *Ол сабийлеге көз-ктулакъ болургеъа, къалай ёсгенлерина таймаздан къарареъа борчум эди*<sup>6</sup>.

(Унинг болаларига ҳамма вақт қараб туришлик менинг бурчим эди)

Турк. *göz kulak olmak*<sup>7</sup>

Озарб. *коз — гулак олмаг*<sup>8</sup>.

Татар. *Өйге яхши күз — колак була кур. Кибетчелер* (сотувчилар) *«забий өйдэ юк» дин, иркенләп йөрмәсеннәр*<sup>9</sup>.

Бошқирд. *күз — колак булыу*<sup>10</sup>.

Лекин шу билан бирга бошқирд тилида юқоридаги фразеологизмга параллел равишда *куз-карак булыу* ибораси ҳам ишлатилади. У умум туркий фразеологизм асосида вужудга келган бўлиб, ундан стилистик жиҳатдан фарқ қилади, яъни биринчиси поэзия, проза, публицистика, оғзаки нутқда кенг ишлатилса, иккинчисини ишлатиш доираси торроқ, кўпроқ празник асарларда учрайди.

<sup>1</sup> «Древнетюркский словарь», Л., 1969, стр. 320.

<sup>2</sup> Уша асар, 675-бет.

<sup>3</sup> A. Zajaczkowski. Najstarsza wersja türecka «Husräv u Sirin» Qutba, Czesc I, tekst Warszawa, 1958, s. 142.

<sup>4</sup> Хусайн Шамс, Танланган асарлар, Тошкент, 1959, 425-бет.

<sup>5</sup> Қазақ тіліні тусиндірме создигі, т. I, Алма-Ата.

<sup>6</sup> З. К. Жарашуева, Материалы по карачаево-балкарской фразеологии, Нальчик, 1968, стр. 47.

<sup>7</sup> Ömer Asım Aksoy. Atasözleri ve deyimler, Ankara, 1965, s. 214.

<sup>8</sup> Азәрбајҹанҹа-русҹа лүғәт, Бақы, 1962, сәһ. 126.

<sup>9</sup> Татар теленен фразеологияси, мокаль һәм әймемәре, Қазань, 1957, 213-бет.

<sup>10</sup> Ж. Ф. Киекбаев, Ҳәзәрғә башқорт теленеу лексикаһы һәм фразеологияһы, Өфө, 1966, 223-бет.

Уйғур, туркман тилларида эса юқоридаги ибора тўлиқ ва қисқа вариантда учрайди.

Уйғур. *көз-қулақ болмақ — көз болмақ*<sup>11</sup>.

Туркман. *гөз-гулак болмак — гөз болмак*<sup>12</sup>.

Буларда қисқа вариант кейинги даврнинг маҳсули бўлиб, тилнинг қисқаликка интилиши натижасида пайдо бўлган.

Қирғиз тилида эса иборанинг фақат қисқа варианты қолган: *көз бол*<sup>13</sup>.

Нима сабабдан иборанинг фақат *кўз бўлмоқ* варианты қолганини қуйидагича тушунтириш мумкин: биринчидан, тилнинг қисқаликка интилиши натижасида, иккинчидан, мантиқан *кўз кўриш*, *қулоқ эса эшитиш* органи бўлгани учун логик жиҳатдан *кўз бўлмоқ* дейиш мумкин, лекин *қулоқ бўлмоқ* мантиққа тўғри келмайди. Ана шу икки асосий сабаб натижасида тилда иборанинг *кўз бўлмоқ* варианты қолган.

Мисоллардан кўринишича, бу умумтуркий ибора туркий тилларда маълум бир қонуний ҳодисани бошидан кечираяпти.

Бир хил туркий тилларда (Ўзбек, қозоқ, қорачой-болқор, турк, озарбайжон, татар, бошқирд) у ҳозиргача фақат тўлиқ ҳолида сақланиб турибди. Баъзиларида (уйғур, туркман) эса икки вариантда — тўлиқ ва қисқа формада учрайди. Бу тилнинг қисқаликка интилиши натижасида тўлиқ вариантнинг аста-секин йўқ бўлишига олиб келади. Бундай шаклан силжиш натижасида қирғиз тилида унинг фақат қисқа варианты сақланиб қолган.

Демак, схоматик равишда бу иборанинг ривожланишини шундай кўрсатиш мумкин: *кўз-қулоқ бўлмоқ* ≈ *кўз-қулоқ бўлмоқ* — *кўз бўлмоқ* ≈ *кўз бўлмоқ*.

Хулоса:

1. Ҳар бир фразеологизм тилдаги лексик ҳодисага ўхшаш донио ҳаракатда.

2. Бу ҳаракатларнинг хусусиятларидан бири тилдаги ортиқча элементларнинг ихчамлашувига олиб келади.

Э. Умаров

#### «ОЛД» КҰМАКЧИ ОТИНИНГ СИНОНИМИКАСИ

Синонимика масаласи сўзлардаги лексик маъно билан боғлиқдир. Шунинг учун сўзларнинг лексик маъносини ҳал қилмай, синонимика масаласини ҳал қилиб бўлмайди.

Кўмакчи сўзларнинг маъноси тўғрисида гап борар экан, кўмакчи сўзларда лексик маъно борми, йўқми деган масалани ҳам ҳал қилиш керак бўлди. Лекин шу кунга қадар кўмакчи сўзларни текширган турколог олимлар бир хулосага келганлари йўқ. Бир гуруҳ олимлар кўмакчи сўзларда семантик маъно йўқ, фақат грамматик маъно бор деган фикрни олға сурадилар<sup>1</sup>. Иккинчи бир гуруҳ олимлар кўмакчи сўзларни иккига ажратишади ва от кўмакчиларда лексик маъно бор, асл кўмакчиларда эса лексик маъно йўқ, фақат грамматик маъно бор дейдилар. От кўмакчиларнинг лексик маъносини уларнинг тўлиқ маъноли сўз вазифасида қўлланишидан ва асл кўмакчиларнинг грамматик маъносини фақат кўмакчи вазифасида қўлланишидан деб кўрсатадилар<sup>2</sup>.

<sup>11</sup> «Уйғурско-русский словарь», М., 1968, стр. 651.

<sup>12</sup> «Туркмен дилиниң созлуги», Ашгабад, 1962, 192-бет.

<sup>13</sup> «Қирғизско-русский словарь», М., 1965, стр. 414.

<sup>1</sup> Н. А. Баскаков, Қаракалпакский язык, II, ч. I, М., 1952, стр. 163; И. И. Батманов, Части речи в киргизском языке, «Вопросы языкознания», 1955, № 2; Н. А. Андреев, Краткий грамматический очерк чувашского языка, «Чувашско-русский словарь», 1961; Ф. Р. Зейналов, Послелоги как лексико-грамматическая категория, Уч. зап. АГУ имени С. М. Қирова, сер. языка и лит., 1962, № 3, ва ҳ. к.

<sup>2</sup> Т. Рустамов, Ҳозирги ўзбек адабий тилидаги кўмакчилар, Тошкент, 1965; М. Н. Хыдыров, Туркмен дилиндаки кемакчи сўзлар ва оларын уланышлары (Док. дисс.), Ашгабад, 1947 ва ҳ. к.

II. «Олд» кўмакчи от киёс маънода қўлланганда *қошида* кўмакчи оти билан синоним бўлади. *Бунинг олдида ҳар қандай ғўзал ҳам менинг учун бегона.* (П. Турсун) — *Бунинг қошида ҳар қандай ғўзал ҳам менинг учун бегона.*

III. Урин маъносини билдирганда *рўпара*, *қарши* сўзларига синоним бўлади. *Учта қиз олдимиздан чиқиб, кўришди* (О. Ёқубов) — *Учта қиз рўпарамиздан (қаршимиздан) чиқиб, кўришди.*

IV. Урин маъносига «олд» кўмакчи оти *ҳузур* сўзи билан ҳам синоним бўлади<sup>8</sup>. *Саримсоқ оқсоқолнинг олдида уч мартаба ёрдам сўраб бордим* (П. Турсун) — *Саримсоқ оқсоқолнинг ҳузурига уч мартаба ёрдам сўраб бордим.*

Хулоса қилиб айтганда, «олд» кўмакчи от баъзи бир келишк аффикслари билан *аввал*, *бурун*, *қарши*, *рўпара* каби сўзларга синоним бўла олади. Лекин у сўзларнинг маълум маъно оттенкалари сақланади.

М. Оразов

#### ОТ ВА УНИНГ ЕШИГА ОИД АТАМАЛАР

Ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларидаги каби чорвачиликда ҳам меҳнат тақсимотининг тараққиёти билан боғлиқ равишда чорвачилар лексикаси ўз бошидан узоқ тарихий тараққиёт жараёнини кечирган. Чорвачилар ҳайвонларни асраш, боқиш, тарбиялаш, улардан маҳсулотлар етиштириш билан боғлиқ бўлган меҳнат соҳаларини, иш жараёнини, ҳайвонларга қаровчи шахсларни, ҳайвонларни (ёши, жинси, ранги, қилиги ва бошқа белгиларга қараб) бир-бирларидан фарқлаганлар ва ўз тушунчаларини маълум сўз-терминлар билан атаганлар. Қадимги Култегин обидалари ҳам, XI—XIII асрларга оид туркий ёзма ёдгорликлар ҳам бундан далолат беради.

Биз Фарғона водийси чорвачилари лексикасига оид сўз-терминларни бир неча йилдан буён йиғиб, уларни системалаштириш, лингвистик анализ қилиш иши билан шуғулланиб келаётимиз. Ҳозирга қадар от ва унинг номланишига оид 500 дан ортиқ сўз-терминни ҳисобга олдик. Биз бу сўз-терминларни 10 та группага бўлиб ўргандик. Бу ишда фақат от ва унинг ёшига оид баъзи сўз-терминлар устида фикр юритамиз.

Отга оид сўз-терминлар ичида уларнинг ёшини ифодаловчи атама-лар алоҳида группани ташкил қилади. Чорвадорлар отларнинг ранг-туслари, ҳаракатлари, жинси билан бир қаторда, ёшлари бўйича ҳам ажратишга одатланганлар. Отларнинг ёшлари ва бошқа хусусиятларига кўра ажратиб берувчи мутахассислар ҳам бўлган. Уларга *синчилар* деб ном берилган. Улар от илмини чуқур билганликларидан отга бир қарашдаёқ ёши ва зотини дарҳол ажрата билганлар.

Фарғона шеваларида отларнинг ёшини ифодаловчи кўпгина терминлар бор. Кенг аҳоли (чорва билан асосан кам алоқадор кишилар) тўрт ёшгача бўлган отни *той*, *озиқ*, *саймаган* терминлари билан; тўрт ёшдан етти ёшгача бўлган эркак отларни *айғир*; бичилганини *ахта*, *озиқ сайган*; ургочисини *бия*; етти ёшдан юқори эркак отларни *озиқ қирқти* ёки *от*, ургочисини *зна бия* дейдилар. Бу терминлар чорвадорлар лексикасида ҳам кенг тарқалган.

Чорвадан хабари бор кексалар эса, (Ўзганд, Уш, Жалолобод, Арслонбоб, Сузоқ, Бозорқўрғон ва Андижон областининг Қўрғонтепа, Хўжаобод ва бошқа районларда отларнинг янги туғилган ва олти ойлик-кача бўлганини *қулун*, бир ёшгача бўлганини *йанағи*, бир яшарини *той*-

<sup>8</sup> А. Н. Кононов, Грамматика современного узбекского литературного языка. М. — Л., 1960. стр. 316; Т. Рустамов, Уша асар, 103-бет.

чық||тойча||тойчоқ, икки яшарини калтатой, уч яшарини ҳунон||қуноч||ғунон||ғўнон; тўрт яшарини пишти, беш яшарини осий, олти яшарини, икки осий, етти яшарини уч осий. . . деб номлайдилар. Олти яшар эркак отнинг бичилмагани айғир, бичилгани ахта, уч яшар урғочи от байтал||байтол||ҳунан байтал||, тўрт яшарлиси бия||пишти бия, беш яшарлиси эса эна бия дейилади. Худди шунингдек, осий ўрнида озиқ сўзини ҳам қўллайдилар.

Фарғона группа шеваларида (Водил, Олтиариқ, Риштон, Яйпан, Езёвон, Қўқон ва ҳ. к.) кексалар орасида жинсидан қатъий назар, бир ёшгача бўлган отларни қулун, бир-икки ёшлисини той, уч-тўрт ёшлисини дўнон, беш-олти ёшлисини тўлон, озиқ сайишига кўра тўрт яшар отни крак чиқди (<курак тиши чиқди), беш яшарини бир крак, олти яшарини икки крак, етти яшарини уч крак ёки крак қирқти деб атайдилар. Улар ҳам беш-олти яшар эркак отнинг бичилмагани айғир, бичилгани ахта деб номласалар-да, уч яшардан юқори урғочи отларни умуман бия деяверадилар. Байтал терминини қўпол сўз деб деяри қўлламайдилар.

Чорвадорлар лексикасида ҳам отларнинг ёшига онд юқоридаги терминлар умуман қўлланади. Лекин шу билан бирга чорвадорлар орасида ишлатиладиган терминлар шева вакиллари нутқидаги атама-лардан қисман фарқланади. Чорвадорлар орасида отларнинг ёши икки хил йўл билан ҳисобланади ва номланади:

1. *Еши ва қисман жинсига кўра.* Бунда отлар олти ойига қулун, бир ёшгача япағи, икки ёшгача калтатой, уч ёшгача (эркаги) ғунон, (урғочиси) байтал, тўрт ёшгача (эркаги) пишти, (урғочиси) бия, тўрт-беш ёшгача бўлган отлар осий||янги осий ёки дўнон, олти ёшлиси икки осий, етти ёшлиси уч осий ва шу каби терминлар билан номланади. Лекин осийдан бошлаб кейинги терминлар фақат эркак отларгагина тегишлидир.

2. *Тиши ва жинсига кўра.* Бунда отлар олти ойгача юқоридагидек қулун, бир ёшгача япағи, икки ёшгача калтатой, уч ёшгача (эркаги) ғунон (ғунонтой); (урғочиси) ғунон байтал, уч ёшдан тўрт ёшгача пишти (шунингдек урғочисини алоҳида ажратиш учун) пишти байтал, тўрт ёшдан беш ёшгачиси (эркаги) янги озиқ||янги осий ёки ўсимли, (урғочиси) бия, беш ёшдан бошлаб эркак отларнинг ҳар бир ёши озиқ тишининг сонига қараб ҳисобланади ва номланади. Жумладан, беш яшар отни икки озиқ, икки озиқ, олти яшарини уч озиқ<уч озиқ, етти яшарини тўрозиқ<тўрт озиқ, саккиз яшарини беш озиқ<беш озиқ, тўққиз яшарини олти озиқ<олти озиқ, 10 яшарини етти озиқ<етти озиқ тарзида атала беради. (Отлар 35—40 йил чамаси яшайди). Урғочи отлар озиқ саймагани учун беш ёшидан бошлаб янги бия, эна бия, ёки энавош от эна бош от терминлари билан ёки бия термини олдига унинг ёшини ифода этувчи тегишли сон ва яшар сўзини қўшиш йўли билан: олти яшар бия, етти эна бия каби номланади.

Ўзбек тилининг бошқа шеваларидаги отларнинг ёшини ифода этувчи сўз-терминлар Фарғона водийси шеваларида учровчи сўз-терминларга маъно жиҳатидан жуда яқинлигини, грамматик тасвирланиш жиҳатидан ҳам ўхшашлигини кўрсатади. Бу жиҳатдан Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Ш. Шоабдурахмоновнинг қипчоқ шевалари бўйича берган мисолларини қлёслаш учун келтириш ўринлидир. Қипчоқ шеваларида отларнинг ёшларига кўра қулун (бир ёшгача бўлган от), калтатой (бирдан икки ёшгача бўлган от), ғунон (иккидан уч ёшгача), дўнон (уч ёшдан тўрт ёшгача), бешли (уч — тўртдан беш ёшгача бўлган от), жангазий<янги озиқ (беш ёшдан озиқ тиши чиққан

жудга келган энг қадимий товуш — ҳарф ёзувлари: финикия, яҳудий, сурия, араб, юнон, форс, хитой, славян, санскрит, ҳинд, латин, арман, грузин, уйғур ва бошқа қирқдан ортиқ ёзувлар, уларнинг келиб чиқиши, тараққиети ҳақида маълумот берилди.

Ибрat фақат ўз ватанидаги ёзув намуналарини ўрганиш билан чегараланмай, араб мамлакатларига бориб, қадимий ёзув маданиятларини ҳам ўрганди, бу ёзувларни гўгри ўқишга ҳаракат қилди. У эримиздан 2000 йил илгари финикия халқлари томонидан вужудга келтирилган ёзув ёдгорликларини, Кипр оролидаги ёрлардан топилган ёзув қолдиқларини ўз асарига жалб этди. Ибрat ёзувлар тарихини ўрганар экан, товуш — ҳарф ёзув системаси биринчи марта финикия халқлари томонидан яратилган ва бошқа қўшни халқлар: яҳудий, сурия, араб ёзувлари финикия ёзувлари асосида вужудга келган, деган илмий ҳулосага келди.

Муаллиф ушбу асарида араб ёзувлари тарихи, уларнинг ривожланиш эволюциясига алоҳида тўхталади. Унинг текширишларига қараганда, араб ёзувлари набати халқи ёзувларидан келиб чиққан бўлиб, VII асрдан бошлаб икки хил йўналишда (Кўфи ва насхи ёзувлари шаклида) ривожланган. Кўфи ва насхи ёзувлари асосида нисбатан содда бўлган «сулус» ёзуви яратилди. Бу ҳақда автор қуйидагиларни ёзади: «Хатти даврондан сурёний чиқориб, сурёнидан кўфи чиқориб, кўфидан сулусни, сулусдан таълиқни сулус ила таълиқдан насхитаълиқни, настаълиқ китоб хатимиздурки, 900 ҳижрийда Эрон шаҳрининг Табриз деган балодада Хўжа Мир Али Табризий чиқарганлар. Насх ила таълиқдан мураккаб учун настаълиқ исми қўйганлар. Бу хат Арабистонда жорий эмас. Ҳиндистон ва Бухоро, Туркистон, Фарғона, Қашғар аҳли ислом ораларида жорийдур. Бунга сабаб бу мулкларга Эрон подшоҳлари (нинг) ихтилоти бўлуб, Бухоро, бўлақларни олиб, ул вақтларда жорий қилинган экан»<sup>1</sup>.

«Жомеъул хутут» дунёда машҳур бўлган 41 хил ёзув системаси ҳақида, шу жумладан араб хатининг сулус, тавқеъ, райхон, зулф, хумоюн, турра каби шакллари ҳақида маълумот беради ва шу билан бирга унда ҳуснихат санъатига оид фикрлар билдирилади. Бу асар 1912 йили Наманганда Исҳоқхоннинг ўзи ташкил этган босмахонада чоп этилган.

Ўз замондошларига, айниқса ёш авлодга рус тилини ўрганишни тарғиб қилиш тилшунос олим Ибрat ижодида алоҳида ўринни эгаллайди. Рус тили билан бир қаторда инглиз, француз, немис, латин каби чет тилларни ўрганиш илм-фан ва маданиятни эгаллашда катта роль ўйнашини у ўзининг «Жомеъул хутут» асарида ҳам алоҳида таъкидлайди.

Исҳоқхон Ибрatнинг жаҳон хатлари тарихига бағишланган маъмур асарининг нашр этилиши ўзбек матбаачилиги, маданияти тарихида, ёзувлар тарихини ўрганишда катта аҳамиятга эгадир.

Шубҳасиз, Исҳоқхон Жувайдулла ўғлининг Буёк Октябрь инқилобига қадар олиб борган илмий ва ижодий фаолияти унинг ажойиб маърифатпарвар шоир ва тилшунос олим бўлганлигидан далолат беради.

<sup>1</sup> Исҳоқхон Ибрat, *Жомеъул хутут*, Наманган, «Магбаан Исҳоқия», 1912. 77-бет.

ТАҚРИЗ

**АБДУРАЗЗОҚ САМАРҚАНДИЙ ВА  
УНИНГ «МАТЛАИ САЙДАЙН ВА  
МАЖМАИ БАХРАЙН» АСАРИ**

Ўзбекистон «Фан» нашриёти Самарқанднинг 2500 йиллик юбилейга муносиб бир асар туҳфа қилди. Бу — Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаи сайдайн ва мажмаи баҳрайн» асарининг ўзбек тилига қилинган таржимасидир<sup>1</sup>.

XV асрнинг машҳур тарихнависларидан бўлган Абдураззоқ Самарқандийнинг ҳаёти ва ижоди юзасидан истеъдодли шарқшунос олимларимиздан Асомиддин Уринбоев кейинги ўн йиллар ичида диққатга сазовор талай ишлар қилди.

Олим 1960 йилда «Абдураззоқ Самарқандийнинг Ҳиндистон сафарномаси» тадқиқотини, 1965 йилда «Абдураззоқ Самарқандий» номли рисоласини, 1969 йилда эса «Икки саодатли юлдузнинг чиқиш ва икки денгизнинг қўшилиш жойи», яъни «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн»нинг ўзбекча таржимасини кенг сўзбоши ва муфассал илмий изоҳлар билан нашр эттирди.

Абдураззоқ Самарқандийнинг «Ҳиндистон сафарномаси» ҳам ана шу «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн»нинг таркибий қисми бўлиб, муаллиф 1442—44 йиллар воқеаларини Шоҳруҳнинг Жанубий Ҳиндистондаги элчиси эканида ёзган ва унда Темурийлар давлати билан Ҳиндистон орасидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий муносабатлар ҳамда шулар билан боғлиқ турли ҳодиса, саргузаштлар ўз ифодасини топган эди.

Эндиги ўзбек тилида нашрдан чиққан китоб «Матлаи саъдайн» иккинчи жилдининг биринчи қисми бўлиб, унда XV аср биринчи чорагида Урта Осиё, Эрон, Афғонистон ва Озарбайжон тарихини ёритувчи ҳамда Самарқанд ва Ҳиротдаги мавжуд маданий ҳаётга оид маълумотлар мавжуддир.

Таржимага икки қисмдан иборат «Кириш сўз» берилган. Унинг биринчи қисмини мутаржим Абдураззоқ Самарқандий асарининг ёзма ёдгорликларнинг XIV аср тарихини ўрганишдаги мустасно ўрни ҳақидаги фикрлари билан бошлайди. Езилган вақтидан бирозгина вақт ўтиши биланоқ машҳур тарихнавислар Мирхонд ва унинг набираси (қизининг ўғли) Хондамирнинг «Равзатус — сафо» ва «Ҳабибус — сияр»ни яратишида ишончли манба сифатида кенг истифода этилган «Матлаи саъдайн» ва ўз давридаёқ замондошларининг таҳсинига сазовор бўлган унинг муаллифи Абдураззоқ Самарқандий ҳақидаги илмий адабиётда мавжуд фикрлар, асар қисмлари, ундан парчаларни

<sup>1</sup> Абдураззоқ Самарқандий, «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» форс-тожик тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳли лугатлар тарих фанлари кандидати Асомиддин Уринбоевники. Масъул муҳаррир С. Азимжонов, У. Қаримов. Ёшкент, «Фан» нашриёти, 1969.



турли тилларга таржима этилиши бобида А. Уринбоев муфассал тўх-талиб ўтади.

А. Уринбоев амалга оширган таржима 807 (1405—832) 1428—29 йилларга оид воқеалар тавсифи бўлиб<sup>2</sup>, Абдураззоқ Самарқандий бу воқеаларни ёритишда ўздан олдин яратилган тарихий манбалар, хусусан Ҳофизи Абрунинг «Зубдатут — таворихи Бойсунғурий» («Бойсунғурга бағишланган тарихлар сараси») асарига асосланган.

Мутаржим ўзининг машаққатли таржима ишини текстологик тадқиқот билан олиб борган. У «Матлаи саъдайн» қўлёзмалари, унинг 1933 ва 1941—49 йилларда Лоҳурда нашр этилган танқидий матни, асарга маъхазлик ролини ўтаган «Зубратут — таворих»нинг Оксфорд донишгоҳининг Бодлеч кутубхонасида сақланзётган қўлёзмаси, 1944 йилда нашр этилган «Матлаи саъдайн» биринчи қисмининг (1405—29 йиллар воқеалари) форсча матни, яна битта Тошкент ва учта Ленинград нусхаларини жамлаб, уларни ўзаро қиёслаб ўрганиб чиққан. Нусха ва нашрлардаги барча нуқсон, ноаниқлик ва қусурлар мутаржим томонидан изоҳланиб берилган.

Сўзбошининг иккинчи қисмида А. Уринбоев Абдураззоқ Самарқандийнинг ҳаёти ва тарихнавислик фаолиятига доир масалаларни ёритади.

Абдураззоқ 1413 йилда Ҳиротда таваллуд топади ва 1482 йилда шу ерда вафот этади. 24 ёшда эканлигида Абдураззоқ Самарқандий Ҳиротда сарой хизматига киради ва 26 йил давомида турли лавозимларда ишлайди.

1442 йилда Самарқандий Шоҳрух томонидан Жанубий Ҳиндистонга (Қоликут ва Вижайнагар вилоятларига) элчи қилиб юборилади. Кейинчалик у бошқа ерларга ҳам, шу жумладан Гилон, Рай, Мисрга элчи қилиб тайинланади. Лекин Шоҳрух вафотидан кейин мамлакатда авж олган низолар туфайли у Миср сафаридан қолишга мажбур бўлади.

1458 йилда Самарқандий Ҳирот ҳокими Султон Абу Саиднинг Астрободдаги элчиси вазифасига тайинланади. У 1469 йилда давлат ишларидан воз кечади ва унга Шоҳрух Хонақоҳига шайхлик мансаби топширилади.

Абдураззоқнинг бизгача етиб келган ягона асари «Матлаи саъдайн» 1467—68 йилларда тугалланган ва 1470 йилда эса у охириги йиллар воқеалари баёни билан тўлдирилган.

Асарнинг биринчи жилдини Чингизхон авлоди, Эрон Шоҳи Абу Саид амир Темур ҳамда Шоҳрух, Абдулқосим Бобир, Абу Саид ва бошқа темурийлар тарихи ташкил этади. Султон Ҳусайн Бойқаронинг Ҳирот тахтига ўтириш йили воқеалари эса иккинчи жилдда баён этилади.

Асарда муаллиф воқеаларни хронологик тартибда ёритиб боради. Баён сажъ услубида берилади, унга шеърини парчалар, қуръон оятлари ва ҳодисалардан иқтибослар қистирилиб ўтилади.

Алишер Навоий «Мажолисун — нафис» тазкирасида Абдураззоқ Самарқандийнинг илмий ва ижодий истеъдоди ҳақида юқори баҳо берар экан, ўз фикрининг далили сифатида унинг бир байтини ҳам келтирган эди. Бу нарса, шубҳасиз, А. Самарқандий ўз асарининг баркамоллигини таъмин этиш учун етарли бадний иқтидорга эга бўлганидан шаҳодат беради.

Абдураззоқ Самарқандийнинг бу асарини таржима қилган А. Уринбоев шарафли вазифани бажарган.

<sup>2</sup> 833/1429-30—875/1470 йиллар воқеаларини, яъни Абдураззоқ Самарқандийнинг ўзи бевосита иштирокчи ёки шоҳиди бўлган воқеалар қамраб олган қисм устида жозир олим кенг кўламда иш олжб бормоқда.

Мутаржим асл текстдан деярли узоқлашмаган. Фақат зарур ерлардагина мақсадни ойдинроқ баён этиш учун баъзи сўзларни ўзидан илова қилган (бу ҳам таржима текстида [ ] орасида берилади). Зотан, бусиз таржима ишини амалга ошириш мушкул.

Таржима қимматини оширган яна бир нарсa шуки, мутаржим жуда фойдали изоҳлар берган, таржимада асл ҳолида қолдирилган сўзлар ва тарихий истилоҳларга изоҳли луғат илова қилган, исмлар ва жуғрофий номлар кўрсатгичини ҳам тузган.

Изоҳлар таржимадаги турли воқеалар, шахслар, қуръон оятлари, саналар талқинидан ташқари Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаи саъдайн» билан унинг маълум қисми учун асос бўлган Ҳофиз Абрунинг «Зубдагута — таворихи Бойсунғурий» орасидаги фарқларни ҳам кўрсатиб беради. Бу фарқларда Абдураззоқнинг муайян тарихий фактлар, ҳодисаларга бўлган муносабатидаги ижобий томонларни (бошқа тарихнавислар қатори Ҳофиз Абруга нисбатан олганда) изчил равишда кузатиш мумкин.

«Матлаи саъдайн»нинг адабиётшунослик учун ҳам аҳамиятли жиҳатлари бор. Унда, юқорида қайд қилинганидек, талайгина бадий парчалар — шеърлар келтирилган. Уларнинг аксари Абдураззоқ Самарқандийнинг ўз ижоди маҳсули, баъзилари бошқа шоирларга мансуб. Шеърини иқтибослар орасида ўша давр шоирлари қасидаларидан парчалар мавжуд. Бизнинг илмий адабиёт учун бу, шубҳасиз, эътиборли янгилкидир.

Хуллас, Асомиддин Ўринбоев ниҳоят даражада мушкул ва ғоят фойдали иш қилган.

*С. Ғаниева*

## МУҲИМ ТАДҚИҚОТ

Туркологиянинг асосий масалаларидан бири туркий тиллар тараққиёт қонуниятларини ҳамда адабий тил нормаларининг шаклланиш ва қарор топишини ўрганишдан иборатдир.

Умумий тил қонуниятларини фақат айрим тилларнинг мураккаб ва узоқ давом этган тараққиёт йўлларини кузатиш орқали аниқлаш мумкин. Тилнинг тарихий тараққиёти унинг ҳамма жиҳатларида аста-секин рўй берадиган ўзгаришлар билан характерланади. Туркий тиллар тараққиётини ва адабий тил нормаларини белгилаш учун планли асосда дастлабки текширишлар ўтказиш лозим бўлади: айрим категориялар тараққиётини диахроник равишда анализ қилиш, ёдгорликларни алоҳида ёки группа-группа тарзида комплекс ўрганиш, туркий диалектларни ҳар томонлама ва батафсил тавсифлаш, ёзма ёдгорликларнинг йиғма текстларини яратиш, қадимий ёдгорликлар бўйича глоссарий ёки вокабулярийлар тузиш, экстралингвистик ҳодисаларни аниқлаш — шулар жумласидандир. Бундай ишларнинг амалга оширилиши натижасида туркий тиллар тараққиёт тарихини даврлаштириш, адабий тил эволюцияси даврини аниқлаш, туркий тиллар тарихий ва қиёсий-тарихий грамматикасини яратиш учун имконият вужудга келади.

Урта аср ҳужжатлари, ҳуқуқий, ҳарбий ва ер қонунлари тилини ўрганиш туркологиядаги энг муҳим ва ҳал этилиши лозим бўлган масалалардан биридир.

Атоқли совет турколог олими А. С. Тверитинованинг асари<sup>1</sup> худди

<sup>1</sup> Книга законов Султана Селима I. Публикация текста, перепод, терминологический комментарий и предисловие А. С. Тверитиновой, М., ИВЛ, 1969.

шу масалага — шу вақтга қадар илм-фанда номаълум бўлган Салим I «Қонуннома»си қўлёзмаси тилини тадқиқ этишга бағишланган.

Султон Салимнинг «Қонуннома»сида жазо тадбирлари, деҳқонлар ва кўчманчи чорвадорлар ҳолати, уларнинг солиқ тўлаш мажбурияти, зодагонларнинг феодал ҳуқуқлари баён этилган. Алоҳида бўлимлари савдо-сотиқ хирожига, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқни тартибга солиб туришга бағишланган. «Қонуннома» Усмон империясидаги қонунчилик тараққиёти тарихи ҳақида маълумот бериб қолмасдан, бу даврда халқ оммасининг аҳволи ҳақида материаллар беради ҳамда турк тили тарихининг қимматбаҳо манбаи ҳисобланади.

Султон Салим I (1512—1520) «Қонуннома»си ҳақида шу вақтга қадар маълумот йўқ эди. Шунингдек, Султоннинг фаолияти ҳақида ҳам ҳеч нарса маълум эмасди.

Ленинград Шарқшунослик институтида сақланаётган иккита қўлёзма асосида А. С. Тверитинова тадқиқот олиб борди. Институтда В — 1882 рақами билан сақланаётган биринчи қўлёзма 1564 йилда кўчирилган. Бу қўлёзма «Қонуннома» яратилган даврга анча яқин туради. А — 250 рақами билан сақланаётган иккинчи қўлёзманинг кўчирилган йили номаълум. Бу иккала қўлёзmani солиштириш асосида А. С. Тверитинова улар орасида катта фарқ борлигини аниқлади.

Туркологлар учун Султон Салим I нинг «Қонуннома»си тил тарихини ўрганиш жиҳатидан катта қизиқиш тугдиради. Бу борада айниқса В — 1882 рақамли қўлёзма муҳим қимматга эгадир. Чунки бу асарда сўз ҳаракатлари жуда аниқ ва диққат-эътибор билан қўйилган. Шунинг учун ҳам А. С. Тверитинова китобида бу қўлёзманинг факсимилеси берилган.

А. С. Тверитинова асаридаги глоссарий ва терминологик шарҳлар зўр қимматга эга.

«Қонуннома»да энг қадимий туркий лексик қатлам акс этган. А. С. Тверитинова томонидан тузилган луғатдан этимологик ишларда фойдаланиш мумкин. Луғатда сўз олинган саҳифа қатори ҳам кўрсатилганда ва сўзларга қўйилган ҳаракат берилганда янада мақсадга мувофиқ бўларди.

Китобнинг баъзи ўринларида ноаниқликлар мавжуд. Масалан, туркча сўз «киби» форсча сўз деб кўрсатилган (31-бет).

Умуман олганда, А. С. Тверитинованинг бу иши туркологияга муҳим ҳисса бўлиб қўшилган.

*Э. Фозилов*

## ИЛМИЙ ҲАЁТ

### ГУРЖИСТОНЛИК ОЛИМ ТУҲФАСИ

Гуржистоннинг таниқли олими Реваз Кикнадзе Самарқанднинг 2500 йиллик юбилейига бағишлаб Мирзо Улуғбек ҳақида ажойиб асар яратди.

Олим ўз асарини ғоят қизиқарли ва нафис услубда мароқли материаллар асосида ёзди. Муаллиф китобни яратишда қадимий манбалар қатори рус ҳамда совет олимларининг, жумладан ўзбекистонлик олимлардан акад. Қори-Ниёзий, профессорлар Шишкин, Чехович ва бошқаларнинг асарларидан кенг истифода этганлигини алоҳида қайд қилади.

«Елғиз юлдуз кимга мотам тутган эди?» деб бошланадиган бобда олим ўткир ақл ва юксак заковот соҳиби бўлмиш бир нуроний сиймонинг қора ниятли кучлар томонидан фожиали қатл этилиши тафсилотларини баён қилади. Кейинги бобларда бу шахс Улуғбек бўлганлиги ўқувчиларга баён этилади ва унинг ҳаёти ва фаолияти ёритилади.

Улуғбекнинг қирқ йил мобайнида Мовароуннаҳр устидан ҳукмдорлик йиллари тарихи, Самарқанднинг маданий ҳаёти, обидалари, меъморлик санъати ва ҳ. к. лар ҳақида ҳикоя қилади.

Асарга айниқса «Зижи Кўрагоний»нинг гуржи тилига қилинган таржимаси ҳақида ҳикоя этувчи «Шоҳрух ўғли Улуғбек дейдики...» деб аталган боб катта қиммат бахш этади.

Маълумки, Улуғбек ёшлигида бобо калони Темурнинг Гуржистон сафарида иштирок қилган, Гуржистон ёш шаҳзодада ўчмас таассурот қолдирганди.

Ун бир ёшли Улуғбек ҳокимият учун бошланиб кетган сиёсий курашлар гирдобига тушиб кетади ва унга келгусида Закавказьеда бўлишлик насиб бўлмайди. Лекин давр ўтиши билан Гуржистонга унинг машҳур асари «Зижи Кўрагоний» келиб етади, унинг ҳатто гуржи тилига таржимаси ҳам амалга оширилади.

XVIII аср аввалида Гуржистонда маданий-ижодий ишлар анча ривож топади. Бунинг ташаббускори ва бевосита иштирокчиси етук олим, адабиётшунос саналган Гуржистон шоҳи Вахтанг VI эди.

Вахтанг VI Шарқ илмий адабиётини чуқур ўрганиб, унинг энг яхши намуналарини таржима учун танлаб олади. Булар орасида Улуғбекнинг машҳур «Зижи» ҳам бор бўлиб, уни Вахтанг VI 1713—14 йилларда Исфаҳонда Абу Ризо Табризий кўмагида гуржи тилига таржима қилади.

1724 йилда Вахтанг VI сиёсий воқеалар тақозоси билан Гуржистонни тарк этиб, Россияга кетишга мажбур бўлади. У кейинчалик ҳам «Зижи» таржимасини такомиллаштириш юзасидан ишлар олиб боради.

Ҳозир СССР ФА Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлими қўлёзмалар фондида Улуғбек «Зижи»нинг гуржи тилидаги Вахтанг VI қўли билан тузатилган, таҳрир қилинган нусхаси сақланмоқда.

Проф. Ю. Н. Марр ана шу нусха текстининг баъзи парчаларини 1926 йилда форсий тексти билан биргаликда нашр қилган эди.

Р. Қикнадзе ўз асарида қайд қилишича, Вахтанг VI Самарқанд астрономик мактабининг етук асари саналмиш Улуғбек «Зижи»ни гуржи тилига таржима қилар экан, Гуржистон ўқувчилари учун зарур ва лозим бўлган маълумотларни ўзидан илова қилади. Жумладан, турлийил ҳисоблаш системалари хусусида сўз кетганда мутаржим гуржи ойларининг номларини санаб ўтади ва ҳар бир ой бошланишини белгилаб берадиган жадваллар тузади. У шунингдек, ўз таржимасида жаҳондаги 224 шаҳарнинг тўла координатларини беради. Бундан ташқари, қўлёзманинг сўнггида бошқа бир манбаъдан олинган жадвалларни илова қилади ва ана шу жадваллардан фойдаланиш қоидаларини баён этади.

Вахтанг VI ўз таржимаси устида ишлаётган даврда гуржи тилида астрономияга оид терминлар, атамалар йўқ эди. Бинобарин, мутаржим гуржи тилидаги текстда талай араб ва форс сўзларини қолдиришга мажбур эди. Натижада гуржича текстнинг тушунилиши анча мураккаб бўлиб чиққан эди. Бунини яхши сезган Вахтанг VI «Зижи»дан фойдаланувчиларга қулайлик яратиш учун Шарқ иборалари, атамаларини тушунтириб берувчи бир қанча изоҳли луғатлар тузади ва уларни ҳам қўлёзмага киритади.

Р. Қикнадзе асаридаги маълумотлар ўзбек ва гуржи халқларининг маданий алоқалари узоқ даврдан бошланганлигини ва ҳозирги кунимизда янада равнақ топаётганлигидан далolat беради.

Реваз Қикнадзенинг «Улуғбек» асари слимнинг Самарқанд 2500 йиллигига муносиб тухфасидир.

С. Ғаниева

«ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЕТИ» ЖУРНАЛИ 1970 ЙИЛ СОНЛАРИНИНГ  
УМУМИЙ МУНДАРИЖАСИ

В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги

- Р. Дониёров. Термин ва терминология хусусида. 2, 65.  
Ҳ. Еқубов. Доҳий методологияси бадий ижодда. 2, 17.  
Ҳоди Зариф. «Уртоқ Ленин» дostonининг яратилиш тарихига доир. 1, 3.  
Ҳоди Зариф, Т. Мирзаев, В. И. Ленин ва ўзбек фольклоршунослиги, 2, 23  
С. Иброҳимов. Ўзбек миллий ёзувининг ривожланиши. 2, 49.  
М. Муродов. Садоқат сарчашмалари. 2, 57.  
Асқад Мухтор. Мангуликка дахлдор. 2, 28.  
Б. Назаров. «Бу мавзу бир абадий мўҳом». 2, 67.  
М. Нурматов. Миллий адабиётларнинг ўзаро таъсири 2, 54.  
С. Содиқов. Доҳийга адабий ҳайкал. 2, 61.  
С. Усмонов. Тил назариясининг баъзи бир масалалари. 2, 35.  
Қ. Хоназаров, Миллий тиллар масаласида доҳий таълимоти. 2, 41.  
Ш. Шобдуррахмонов. Доҳийнинг шева ҳақидаги бир мулоҳазаси. 2, 46.  
С. Шермухамедов, С. Мирзаев. В. И. Ленин адабиёт ҳақида. 2, 3.  
А. Ҳайитметов. Адабий меросни ўрганишда Ленин таълимоти. 2, 10.

Адабиётшунослик

- А. Анисий. Шарқ адабиётида қасида жанри ва Бадри Чочий. 4, 22.  
Т. Бобоев. Қаҳрамон образини яратиш принциплари. 1, 18.  
Н. Еқубов. Абдулла Қаҳҳор — публицист. 1, 18.  
А. Иброҳимов. Нисорий ижодида Навоий аъъаналари. 4, 28.  
Ж. Камолов. Индивидуал услуб ва лирик шеър композицияси. 3, 9.  
А. Каттабеков. Ўзбек адабиётида тарихий жанр тараққиётининг баъзи хусусият-  
лари. 3, 20  
С. Мирвалиев. Ёзувчи прозасининг баъзи хусусиятлари. 4, 9 ✓  
С. Мирвалиев. Ҳарбий роман йўли. I, 14. ✓  
М. Султонова. Персонаж нутқи. 4, 14.  
П. Қодиров. Халқ тили ва реалистик проза. 1, 6.  
Р. Қодирй. Уйғур социалистик реализм адабиётининг туғилиши ва ривожла-  
ниши. 4, 36  
О. Қобулов. Автобиографик жанр хусусиятлари ҳақида. 4, 20.  
К. Қурамбоев. Ўзбек совет адабиётининг туркман адабиёти тараққиётига таъси-  
рига доир. 3, 14  
М. Қўшжонов. Юморнинг жанр хусусиятларига доир. 4, 3

Самарқанднинг 2500 йиллиги

- И. Мўминов. Темурийлар даври Ўрта Осиё санъатининг пайдо бўлиш ва тарақ-  
қий этиш тарихий илдиэлари ҳақида. 6, 6  
Ҳ. Сулаймон. Темурийлар даври бадий қўлёзма ва хаттотлик санъатини ўрга-  
ниш масалалари. 6, 15  
С. Ғаниева. Алишер Навоийнинг «Мажолисина нафоис» тазкираси ва самарқанд-  
лик шоирлар. 6, 24

Эргаш Жуманбулбул ўғли таваллудининг 100 йиллиги

- Ҳоди Зариф. Улкан шоир. 5, 38.  
А. Ишбаев. Халқ дostonлари лексикасига онд кузатишлар. 5, 56.

Т. Мирзаев. Ўзбек халқ достончилиги ижодига ёзма адабиётнинг таъсири. 5, 51.  
 Ш. Шоабдурахмонов. Эргаш Жуманбулбул достонларида ифода ва тасвирийлик. 5, 43.

## Тилшунослик

Ф. Абдуллаев, И. Эшимов. Бошқарув системасида структур синонимлар. 3, 32.  
 М. Жўрабоева. Ўзбек тилида аффиксал омоними. 3, 40.  
 У. Каримов. Берунийнинг «Сайдана» асарида қайд этилган тил ва лаҳжалар. 4, 5.  
 В. Маскопов. Илова қойструкциялар ҳақида. 6, 50.  
 А. Матғозиев. Аниқловчи эргаш гаплар тарихига оид. 6, 42.  
 А. Маҳмудов. Интонографик метод. 6, 54.  
 И. Мўминов. Нутқ маданияти ҳақида. 1, 24.  
 Х. Нейматов. Фель нисбатларининг муносабати ҳақида. 3, 37.  
 И. Расулев. Содда гаплар структурасининг таркибига кўра классификацияси. 1, 34.  
 И. Расулев. Бир составли гапларнинг грамматик хусусиятлари. 6, 37.  
 М. Раҳмонов. Эргаш гапли қўшма гап конструкциялари. 6, 45.  
 О. Усмон. Тил маданиятининг муҳим масалалари. 1, 29; 3, 26; 4, 41.  
 А. Шерматов. Қуйи Қашқадарё шеваларини карталаштириш тажрибасидан. 4, 61.  
 А. Ҳожиев. Инкор ифодаловчи воситалар ва фельнинг бўлишсиз формаси. 4, 49.

## «Қутадғу билиг» достони яратилганининг 900 йиллиги

А. Н. Кононов. Баласоғунли Юсуф ва «Қутадғу билиг» достони тўғрисида. 5, 3.  
 Ф. Абдуллаев. Туркий тиллар тарихида у/а мослиги. 5, 15.  
 А. Алиев. «Қутадғу билиг» ва «Девону луготит турк»нинг Наманган шеваларига муносабати. 5, 35.  
 Қ. Каримов. «Қутадғу билиг»ни транскрипция ва тавсиф қилиш принциплари. 5, 28.  
 Э. Тенишев. «Қутадғу билиг» билан «Бобинома»ни тарихий-лингвистик қиёслаш методикаси. 6, 29.  
 Э. Умаров. «Қутадғу билиг»даги бир ибора. 6, 64.

## Илмий ахборот

А. Абдуллаев. Маъно кўчайтиришнинг морфологик усули. 1, 68.  
 Л. Азизхонова. «Навсий» романидаги фразеологизмларнинг рус тилига таржимаси. 3, 54.  
 А. Алиев. Яшининг «Тенг-тенги билан» фарси ҳақида. 4, 67.  
 М. Амилова. А. Қаҳҳорнинг «Сароб» устидаги ижодий меҳнатига доир. 1, 62.  
 А. Анисий. Шейр ва шейрхонлик. 1, 56.  
 Ф. Аҳмаджонова. Рожий Маргилоний. 1, 53.  
 А. Жалолов. Шавкат — шоир, хаттот, рассом. 6, 60.  
 Ю. Жуманазаров. Жанубий Хоразм диалектларида сўз бирикмалари. 4, 71.  
 А. Жўрабоев, Э. Шоаҳмедов. Ўзбек тилида ҳисоблаш техникаси терминларининг ясаллишига доир. 3, 63.  
 Ҳ. Зариф. «Ердан темиртак толган...» 4, 65.  
 Ч. Исроилов. Драматик асарда монолог. 1, 58.  
 М. Каримова. «Калила ва Димна»нинг ўзбек тилидаги таржимаси. 1, 81.  
 Қ. Каримов. Баласоғунли Юсуф ҳаётининг баъзи бир саҳалари. 4, 66.  
 Р. Маллин, Э. Назиров. Ўзбекча физика терминларини ясаш йўллари. 4, 78.  
 М. Маҳмудов. Шоир Вола ҳақида. 1, 48.  
 М. Миртожиев. Вазифадорликнинг ўзига ёндош ҳодисалардан фарқи. 4, 69.  
 Қ. Муҳаммаджонова. Туркистон шеваларининг ҳозирги ўзбек тили ва айрим ўзбек шеваларига муносабати. 3, 50.  
 В. Мўминова. Ўзбек демократик лирикасининг айрим жанр хусусиятлари. 1, 45.  
 М. Оразов. «Олд» кўмакчи отининг синонимикаси. 6, 66.  
 Р. Орзибеков, А. Абдурахмонов. Ургутий ва унинг адабий мероси. 3, 47.  
 М. Пирназаров. Мутриб девонининг нодир бир нусхаси. 6, 56.  
 Д. Пўлатов. Миқдор-даража ҳоли. 1, 65.  
 Т. Хожибоев. Шоир Умидий ҳаёти ва ижоди. 3, 44.  
 М. Туробова. Ўзбек шеваларида гап бўлақларининг тартиби. 1, 77.  
 Т. Турсунова. Касб-ҳунар лексикасида аффиксация усули билан сўз ясаш. 3, 57.  
 А. Тўраев. Революционер зиёли — адабиётимиз қаҳрамони. 6, 62.  
 С. Ризаев. Адабий тилнинг фонологик системасини статистик текшириш. 1, 71.  
 С. Султонов. Омоним ёрдамчи сўзлар. 1, 79.  
 Т. Хўжамбердиев. От ва унинг ёшига оид атамлар. 6, 69.  
 М. Шохназарова. Сифатдош кесимларда инкорнинг ифодаланишига доир. 4, 74.  
 Ш. Эгамбердиева. Фориш шеvasида ўтган замон феъли. 1, 75.

Жажжи тадқиқотлар

## Тошкент Университети ташкил этилганининг 50 йиллиги

- А. Шомақсудов, И. Қўчқортоев. Тошкент университети ва ўзбек тилшунослиги. 5, 64.  
 А. Ҳожирахмедов. Университет ўзбек адабиёти кафедраси. 5, 70.

## Мунозара

- С. Ақобиров. «Г» дан «Ҳ» га қайтиш зарурати борми? 1, 43.  
 Р. Жуманиёзов. Синонимларнинг таърифи масаласи. 1, 41.  
 А. Ҳожиёв. Фейлларнинг «ўтимли-ўтимсизлиги» ҳақида. 1, 39.

## Классик адабиёт поэтикасидан маълумотлар

- Ё. Исҳоқов. Классик адабиёт поэтикасидан маълумотлар. Муқаддима. Маънавий санъатлар Иқом. 1, 84. ✕  
 Ё. Исҳоқов. Талмех. Тажоҳул-ул-ориф. 3, 66.  
 Ё. Исҳоқов. Ташбех. 4, 81.  
 Ё. Исҳоқов. Тазод. 5, 83.  
 Ё. Исҳоқов. Таносиб. 6, 72

## Тақриз

- Э. Фозилов. Муҳим тадқиқот. 6, 80.  
 С. Ганиева. Абдураззоқ Самарқандий ва унинг «Матлаи сайдайн ва мажмаи баҳрайин» асари. 6, 78.

## Ўзбек ёзувчиларининг таржimai ҳоли

- Собир Абдулла. Шoirлар шаҳри, фозиллар фаҳри — Қўқонданман. 3, 73.

## Олимлар

- К. Мелиев. Проф. Н. А. Баскаков. 3, 81.  
 Ҳ. Фуломов. А. Ҳожиёв. Проф. К. К. Юдахин. 4, 85.  
 У. Долимов. Ибрат — ўзбек тилшунос олим. 6, 76.

## Юбиляримиз

- Ҳ. Фуломов. Машҳур туркшунос олим. 3, 70.

## Тирик сатрлар

- Леиннома саҳифаларидан. 2, 72.  
 Ойбекнинг насрий шеърлари. 4, 88.  
 Эргаш Жуманбулбул ўғли. Эълон қилинмаган асарлар. 5, 74.

## Илмий ҳаёт



## МУНДАРИЖА

Қ. Хоназаров. Карл Маркснинг буюк сафдоши . . . . .	3
---	---

### Самарқанднинг 2500 йиллиги

И. Мўминов. Темурийлар даври Ўрта Осиё санъатининг пайдо бўлиш ва тараққий этиш тарихий илдишлари ҳақида . . . . .	6
Ҳ. Сулаймон. Темурийлар даври бадий қўлёзма ва хаттотлик санъатини ўрганиш масалалари . . . . .	15
С. Ғаниева. Алишер Навоийнинг «Мажолисун-нафоис» тазкираси ва самарқандлик шоирлар . . . . .	24

### Тилшунослик

Э. Тенишев. «Кутадғу билиг» ва «Олтин ёриқ» . . . . .	29
И. Расулев. Бир составли гапларнинг грамматик хусусиятлари . . . . .	37
А. Матғозиев. Аниқловчи эргаш гаплар тарихига доир . . . . .	42
М. Раҳмонов. Эргаш гапли қўшма гап конструкциялари . . . . .	45
В. Маскопов. Ўзбек тилидаги илова конструкциялар ҳақида . . . . .	50
А. Маҳмудов. Интонографик метод ҳақида . . . . .	54

### Илмий ахборот

М. Пирназаров. Мутриб девонининг нодир бир нусхаси . . . . .	56
А. Жалолов. Шавкат — шоир, хаттот, rassom . . . . .	60
А. Тўраев. Революционер зиёли — адабиётимиз қаҳрамони . . . . .	62
Э. Умаров. «Кутадғу билиг»даги бир ибора тарихи . . . . .	64
М. Оразов. «Олд» кўмакчи отининг синонимikasi . . . . .	66
Т. Хўжамбердиев. От ва унинг ёшига оид атамалар . . . . .	69

### Классик адабиёт поэтикасидан маълумотлар

Е. Исҳоқов. Тавосиб . . . . .	72
-------------------------------	----

### Олимлар

У. Долимов. Ибрат — ўзбек тилшунос олими . . . . .	76
--	----

### Такриз

С. Ғаниева. Абдураззоқ Самарқандий ва унинг «Матлаи сайдайн ва мажман баҳрайн» асари . . . . .	78
Э. Фозилов. Муҳим тадқиқот . . . . .	80

### Илмий ҳаёт

Ўзбек тили ва адабиёти журнали 1970 йил сонларининг умумий мундарижаси . . . . .	84
--	----

На узбекском языке

УЗБЕКСКИЙ ЯЗЫК И ЛИТЕРАТУРА

вып. 6

Наширёт муҳаррирлари Д. Мўминова, Н. Раҳимова  
Техмуҳаррир В. Тарахович  
Корректор Ҳ. Қурбонова

Р17210. Теришга берилди 23/XI-1970 й. Босишга рухсат  
этилди 30/XII-1970 й. Формати 70×108<sup>3/16</sup>—2,75 қоғоз л.  
7,7 босма л. Ҳисоб-наширёт л. 8,3.  
Наширёт № 726. Тиражи 13795. Баҳоси 30 т.

ЎзССР „Фан“ нашриётининг босмаханаси. Тошкент. Черданцев кў-  
часи, 21. Заказ 234. Наширёт адреси: Тошкент, Гоголь кўчаси, 70.

Адресимиз: Ташкент—ГСП.  
Гоголь кўчаси, 70. „Ўзбек тили ва адабиёти“ редакцияси.  
Телефон В 3-34-09, коммутатор В 9-99—71-75 орқали кўш. 0-81.



Баҳоси 30 т.

Индекс  
75396